



РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ

Ш.Тўраев

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ  
ИШЛАР ВА УНИ ТАШКИЛ  
ҚИЛИШ МЕТОДИКАСИ



РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ  
РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕСИТЕТИ

**Ш.ТЎРАЕВ**

**МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР  
ВА УНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ  
МЕТОДИКАСИ**

*(Олий таълим муассасалари бакалаврлари учун  
ўқув қўлланма)*

Тошкент  
«Paradigma»  
2017

УЎК: 130.122

КБК 71.05

T-97

Тўраев, Ш

Маънавий-маърифий ишлар ва уни ташкил қилиш методикаси  
[Матн] Ш.Тўраев – Тошкент: Paradigma. 2017. – 156 б.

ISBN 978-9943-5117-2-9

Мазкур ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида “**Маънавий-маърифий ишлар ва уни ташкил қилиш методикаси**” ўқув дастури талабларига мувофиқ бажарилган бўлиб, олий таълим – “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ” бакалавриат таълим йўналиши талабаларига маънавий-маърифий ишларни ташкил қилиш, унинг жамиятимиз ҳаётида тутган ўрни ва ролини тушунтириш, талабаларда мутахассислик билим ва кўникмаларини шакллантириш, Ўзбекистоннинг буюк келажagini таъминлашда маънавиятнинг аҳамиятини очиб бериш мақсадида тайёрланди.

Қўлланма олий таълим муассасаларида “Маънавий-маърифий ишлар ва уни ташкил қилиш методикаси” фанидан дарс бераётган профессор-ўқитувчилар учун зарур бўлган назарий билим маърузалари ва амалий машғулот матнларидан иборат. Унда маънавий-маърифий ишларни ташкил қилиш билан боғлиқ жараёнларнинг жамият ривожига таъсири, Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашда маънавиятнинг аҳамияти, маънавий барқамол инсонни тарбиялаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Қўлланмани тайёрлашда, олимлар, мутахассисларнинг асарлари, маърузалари ва фикрларидан фойдаланилганини қайд этган ҳолда, уларга соҳани ривожлантиришда олиб бораётган фаолиятлари учун чексиз миннатдорчилик билдирамиз.

Масъул муҳаррир:

**А.Кадиров,**

Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари

Тақризчилар:

**М.Қуроноф, п.ф.д., профессор,**


**А.Мўминов, с.ф.д., профессор**

УЎК: 130.122

КБК 71.05

Ўқув қўлланма Ўзбекистон Миллий Университети Ижтимоий фанлар факультетининг 2017 йил 28 ноябрдаги №4 сонли баённомаси билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-5117-2-9



© «Paradigma»,  
Тошкент, 2017 й.

## КИРИШ

Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Бинобарин, бугунги кунда дунёда глобаллашув жараёнлари кучайиб, тинчлик ва барқарорликка қарши янги таҳдид ва хатарлар тобора кўпайиб бормоқда. Бундай мураккаб ва таҳликали вазият соҳада амалга оширилган ишларни танқидий баҳолаб, унинг фаолиятини замон талаблари асосида такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Хусусан, оила, маҳалла ва таълим муассасаларида ёшлар тарбияси, чекка ҳудудлар ва маҳаллаларда уюшмаган ёшлар билан мақсадли ғоявий-тарбиявий ишларнинг юзаки тарзда олиб борилаётгани, жиноятчилик, диний экстремизм ва террористик ҳаракатларга адашиб қўшилиб қолиш, миллий қадриятларга эътиборсизлик, эрта турмуш қуриш, оилавий ажралишлар каби салбий ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган тарғибот ишларининг аксарият ҳолларда кутилган натижани бермаётгани бу масалаларга жиддий эътиборни талаб этмоқда.

Мана шундай шароитда юртимиздаги маънавий-маърифий ва мафкуравий ишларни глобал миқёсда мафкуравий, ғоявий ва информацион курашлар кучайиб бораётган замон талаблари асосида ташкил этиш тобора долзарблик касб этипти. Зеро, мустақилликни асраб-авайлаш, истиқлол йиллари эришилган муваффақият ва марраларни сақлаш ва янада ривожлантириш, юртимиздаги барқарор тинчлик ҳамда осойишталикни муҳофаза этиш – бугунги ва келажак кунларнинг энг муҳим, долзарб вазифасидир.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Қаранг: Миллий ғоя ва маънавият тарғиботи самарадорлигини ошириш концепцияси. – Тошкент; 2014.

Тез суръатларда ўзгариб бораётган замон, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан фидойиларча кураша оладиган жонкуяр тарғиботчиларни бу муҳим жабҳага сафарбар этишни тақозо этади. Қолаверса, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-мафкуравий жиҳатдан тобора глобаллашаётган дунёда воқеалар ривожидан бир қадам олдинда юриш, ижтимоий-сиёсий ҳодисаларнинг ўзгариш тамойилларини илмий башорат қилиб бориш ва шу асосда маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ҳар қачонгидан долзарб вазифага айланмоқда.

Ўзбекистоннинг миллий стратегияси – дунёдаги энг ривожланган демократик давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаш мақсадини амалга оширишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, бунда мамлакатимизнинг қисқа тарихий давр мобайнида барча соҳаларда эришган ютуқларини таҳлил ва талқин этишда “Ким эдигу ким бўлдик? Энди қандай марралар сари интиламиз?” деган муҳим мезондан келиб чиқиш талаб этилади.

Юқорида баён этилган масала ва муаммолардан келиб чиқиб, мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида кенг жамоатчилик орасида фаолият олиб борувчи мутахассисларни тайёрлаш учун олий таълимда “Маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш методикаси” фанини ўқитишни тақозо этмоқда. Мазкур фanning мақсади Ўзбекистонда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш бўйича етук мутахассисларни тайёрлашдан иборат.

Мазкур фан асосида мамлакат аҳолиси онгу тафаккурини янгилаш, фуқароларимиз қалбида она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини камол топтиришда амалга ошириладиган тадбирларнинг ташкил этилишини илмий асосда натижадорликка эри-

шиш усул ва услубларини ўрганиш ва амалиётга жорий қилишда алоҳида аҳамиятга эга.

Ушбу фан маънавият ва маърифат билан боғлиқ жараёнларнинг моҳият-мазмунини чуқур ўрганиш ва шу асосда бугунги таҳликали замонда ўзлигимизни сақлаб, зарарли ғоялар таъсирига тушиб қолмасдан миллий қадриятларимиз ривожланишининг назарий жиҳатларини ўргатувчи илмий билимнинг бир тармоғидир.

Бинобарин, маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда таълим-тарбия, тарғибот ва ташвиқотнинг самарали усулларида фойдаланиш билан бирга, унинг назарий жиҳатларини янада такомиллаштириб бориш ва амалиётга татбиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

**Маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш методикаси** фани бўйича ҳозирга қадар махсус ўқув қўлланма ёки дарслик нашр этилгани йўқ. Ушбу ўқув адабиёти «Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими» йўналиши бўйича тайёрланди ва биринчи марта нашр этилмоқда.

# 1-МАВЗУ: МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Режа

1. *“Маънавий-маърифий ишлар ва уни ташкил этиш методикаси” фанининг объекти ва предмети.*
2. *“Маънавий-маърифий ишлар ва уни ташкил этиш методикаси” фанининг мақсади ва вазифалари.*
3. *Маънавий-маърифий ишлар ва уни ташкил этиш усуллари ва ўрганишнинг зарурияти ва аҳамияти.*

Бугунги даврнинг ривожланиш босқичи қанчалик мураккаб жараён экани барчага аён. Ташқи таъсирлар, геополитик мақсадлар хуруж қилиб турган бир пайтда ҳар қандай ривожланаётган жамият ўзининг ички барқарорлигини таъминлаши шарт бўлиб қолди. Буни амалга оширувчи асосий омиллардан бири маънавий-маърифий ишларни йўлга қўйишдир. Бу ўта мураккаб жараён бўлиб, бутун жамият бирликда ягона мақсад сари интилишига хизмат қилади. Ана шундай жараёнда маънавий-маърифий ишларни ташкил қилиш бевосита мутахассисларни тайёрлаш, халқ билан ишлашни йўлга қўйиш заруратини талаб этади. Шу боис, **«Маънавий-маърифий ишлар ва уни ташкил этиш методикаси»** фанини ўқитиш зарурат сифатида таълим тизимида киритилди.

Бевосита юқоридаги ишларнинг мазмунидан келиб чиқиб, фаннинг объектига конкрет тўхталадиган бўлсак, **«Маънавий-маърифий ишлар ва уни ташкил этиш методикаси»** фанининг объектини жамиятимизда давлат, нодавлат ва ноижорат, жамоат ташкилотлари, халқимизнинг зиёлилар қатлами томонидан олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар мазмуни ва уни ташкил этишдаги ўзига хос ёндашувлар ташкил этади.

**«Маънавий-маърифий ишлар ва уни ташкил этиш методикаси»** фанининг предметини маънавий-

маърифий жараёнлар, уни ташкил этиш билан боғлиқ ишлар, тамойиллар, жамият тараққиётига таъсири, маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш методикаси, маънавий-маърифий ишларни ташкил этувчи асосий муассаларнинг вазифалари, ўзига хос усуллари, уларнинг ўзаро алоқадорлиги, Ўзбекистонда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, улар асосида ишларни олиб боришни ўрганиш ташкил этади.

**«Маънавий-маърифий ишлар ва уни ташкил этиш методикаси» фанининг мақсади:**

– миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналиши мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабаларда маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш усуллари ҳақида муайян билим, малака ва кўникмаларни шакллантириш.

«Маънавий-маърифий ишлар ва уни ташкил этиш методикаси» фанининг вазифалари талабаларга:

– замон талабларига мос ҳолда аҳоли орасида маънавий-маърифий фаолият олиб боришнинг ташкилий механизмларини жорий этиш ва шу асосда тизимли тарғибот ишларини йўлга қўйиш;

– республикаимизнинг вилоят, шаҳар, туман, овул ва қишлоқларида аҳолининг кенг қатламлари, авваламбор, ёшлар ўртасида Ватанга муҳаббат ва садоқат, ватанпарварлик фазилатларини узлуксиз тарбиялашга йўналтирилган тизимли фаолиятни йўлга қўйиш;

– мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг қўламли ислохотларнинг моҳияти, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг аҳамиятини атрофлича шарҳлаш ва тушунтириш ишларида фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш;

– маънавий тарғибот ишларини янада ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш;

– халқаро ҳаётда юз бераётган муҳим воқеа-ҳодисалар, ён-атрофимизда кечаётган жараёнлар моҳиятини



кенг жамоатчиликка етказиш, одамларнинг фаол мушоҳада юритувчи ва теран идрок этувчи, маънан етук, сиёсий жиҳатдан фаол фуқароларга айланишига имкон яратиш;

– Ўзбекистон ташқи ва ички сиёсатда эришаётган ютуқларнинг бугун ва келажак учун аҳамиятини англаш орқали миллий ифтихор туйғусини кучайтириш;

– халқнинг тарихий анъаналари, хусусиятлари, миллий онг ва турмуш тарзининг ҳаётий тамойилларига асосланган ҳолда демократик жараёнларни чуқурлаштириш, жамоатчиликнинг таъсир кучини жамият ахлоқий-маънавий ҳаётининг мезонига айлантириш;

– маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда мутахассисларнинг касбий маҳоратига қўйиладиган талабларни тушунтириш;

– маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда янгича усул ва услублардан фойдаланиш технологиясини тушунтириш.

Маънавий-мафкуравий ишлар мамлакатимизда доимо устувор вазифалардан бири бўлиб келган. Бинобарин, бизнинг жамиятимизда мафкурани ҳаракатлантирувчи асосий куч маънавият бўлиб, уни юксалтиришга хизмат қилиш барчанинг бурчидир. Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, **“Мафкура соҳасида бўшлиқ деган нарсанинг ўзи ҳеч қачон бўлмайди. Чунки инсоннинг қалби, мияси, онгу тафаккури ҳеч қачон ахборот олишдан, фикрлашдан, таъсирланишдан тўхтамайди.**

Демак, унга доимо маънавий озиқ керак. Агар шу озиқни ўзи яшаётган муҳитдан олмаса ёки бу муҳит уни қониқтирмаса, нима бўлади, айтинглар? Бундай озиқни у аста-секин бошқа ёқдан излайди. Шунга йўл бермаслигимиз керак. Мана, гап нима ҳақида кетяпти!

Бунинг учун ўзини жамиятимиз, ёшларимиз маънавияти, ғоявий-мафкуравий тарбияси учун масъул деб билган инсонлар, бу – маҳалла ёки диний таш-

килотлар бўладими, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ёки катта таъсир кучига эга ижодкор зиёлилар бўладими, уларнинг барчаси айниқса фаол бўлишлари лозим”.<sup>2</sup>

Шу маънода, бугун жамиятнинг барча соҳаларида маънавият билан боғлиқ ишларни юқори даражага кўтариш асосий вазифалардан бири қилиб белгиланган-лигининг ўзи «**Маънавий-маърифий ишлар ва уни ташкил этиш методикаси**» фанининг қанчалик зарурат эканини кўрсатиб беради.

Шу ўринда, “Юксак маънавият” концепциясининг асосчиси, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов “**Халқимизнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш – Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифаси**” эканини таъкидлаб ўтади.

Мустақиллигимизга чорак асрдан кўпроқ вақт ўтди. Шу давр ичида мамлакатимизда оламшумул ислохотлар амалга оширилди. Айниқса, жамият келажагининг маънавият билан чамбарчас боғлиқ эканини доимий равишда таъкидлаб келган Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов: “**Биз барпо этаётган янги жамият юксак маънавий ва ахлоқий қадриятларга таянади ва уларни ривожлантиришга катта эътибор қаратади. Бу жараён миллий истиқлол гоёси ва мафқурасига, ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга асосланади.**

**Жамиятни маънавий янгилашдан кўзланган бош мақсад – юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ эркинлиги ва фаровонлигига эришиш, комил инсонни тарбиялаш, ижтимоий ҳамкорлик ва миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик каби кўп-кўп муҳим масалалардан иборат”,<sup>3</sup> деб таъкидлайди.**

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш. 2017 йил 15 июнь кунини Тошкент шаҳрида “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, мукаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” мавзусида ўтказилган анжумандаги нутқидан.

<sup>3</sup> Каримов И. Миллий истиқлол мафқураси – халқ эътиқоди ва буюк келажаққа ишончдир. –Т. 2000. Б.18–19.

Демак, бугун жамиятнинг барча аъзолари юксак маънавийтли бўла олишлари мамлакат тараққиётининг асосий омили экан, бу йўналишдаги мутахассислар билиши ва ҳаётга татбиқ қилиши шарт бўлган вазифалар бор.

Улар қуйидагилар:

– фуқароларда Ватанга ва миллатга чексиз муҳаббат руҳиятини шакллантириш, Ватаннинг муқаддаслиги, у инсоннинг киндик қони тўкилган тупроқ, уни камол топтирадиган, ҳаётига мазмун бахш этадиган табаррук маскан эканлигини тушунтириш;

– кишиларда ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тоғувлик, диний бағрикенглик каби умумбашарий сифатларни ривожлантириш ва кенгайтириш, уларда миллатлараро ҳамжиҳатликка раҳна солувчи иллат тажовузкор миллатчилик ва шовинизм эканлигини тушунтириш;

– Ўзбекистон ривож учун ташаббускорликни кучайтириш, жамиятда ижодий муҳитни яратиш, ҳар бир ходимда теварак-атрофда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан дахлдорлик ҳиссини уйғотиш, бефарқлик, сансалорлик каби салбий ҳолатларга барҳам бериш;

– кишиларнинг сиёсий маданиятини ошириш, уларнинг давлат ва жамият олдида турган буюк ва муқаддас вазифаларни англаб етиш даражасини ошириш, мамлакатимиз сиёсий ҳаётида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни таҳлил қила олиш салоҳиятини шакллантириш;

– жамият аъзоларининг маънавий оламини, дунёқарашини шакллантириш, ижтимоий фаоллигини ошириш, сиёсий-ҳуқуқий билим савиясини кўтариш, дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга баҳо бериш кўникмасини шакллантириш, мафкуравий-ғоявий жараёнларни онгли равишда англаб етишига кўмаклашиш;

– ёшларда “оммавий маданият”нинг мазмун-моҳиятини англаб етишига, мафкуравий иммунитетни ҳосил қилишга ёрдам бериш;

– жамият аъзолари, айниқса, ёшларнинг бўш вақтини самарали ва унумли тарзда ташкил этиш, уларнинг

бадий ҳаваскорлик, хунармандчилик, техникавий ва бошқа қизиқишларини ўрганиш, ташкил этиш, иқтидорларни топиш, тарбиялаш.

### **Таянч сўз ва иборалар**

*Маънавий янгиланиш, юксак маънавият, мамлакат тараққиёти, Ватанга муҳаббат, Ватан муқаддас, табаррук маскан, миллатлараро ҳамжиҳатлик, ташаббускорлик, ижодий муҳит, дахлдорлик, бифарқлик, сансалорлик, сиёсий маданият, давлат, жамият, салоҳият, маънавий олам, сиёсий-ҳуқуқий билим, мафкуравий-ғоявий жараёнлар, мафкуравий иммунитет, маънавий-маърифий ишлар, маънавий-маърифий тарбия.*

### **Мавзуни мустаҳкамлаш бўйича саволлар**

1. Фаннинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?

2. Жамиятни маънавий янгилашдан кўзланган бош мақсад нима?

3. Бугун жамиятнинг барча аъзолари юксак маънавиятли бўла олишлари мамлакат тараққиётининг асосий омили экан, бу йўналишдаги мутахассислар билиши ва ҳаётга татбиқ қилиши шарт бўлган қандай вазифалар бор?

4. Дахлдорлик деганда нимани тушунасиш?

5. Маънавий юксалиш учун кишиларнинг сиёсий маданиятини ошириш шартми?

6. Жамият аъзолари, айниқса, ёшларнинг бўш вақтини самарали ва унумли тарзда ташкил этиш бўйича олиб борилаётган ишлар қай даражада ўз самарасини берапти?

7. Юксак маънавий-ахлоқий қадриятлар ҳақида қандай тушунчага эгасиз?

### **Адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012.

2. Ўзбекистон Республикасининг Таълим тўғрисидаги Қонуни. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997. 11–12-сон.

3. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборот-номаси, 1997. 9-сон.

4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 56 б.

5. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.

6. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: Ўзбекистон 2017. – 48 б.

7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.

8. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001.

9. Каримов И. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996.

10. Каримов И. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000.

11. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2011.

12. Каримов И.А. Ўзбекистон Мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011.

13. Миллий ғоя ва маънавият тарғиботи самарадорлигини ошириш концепцияси. – Тошкент: Сано-стандарт, 2014.

14. Маънавият тарғиботчиси. – Тошкент: Muharrir, 2016.

15. Муносиб ҳаёт, обод турмуш тарзи тарғиботнинг илмий-амалий асослари. – Тошкент: Nishon-noshir, 2014.

16. Маънавий тарбия (хрестоматия). – Тошкент: Turon zamin ziyo, 2014.

17. Баркамол авлодни шакллантириш – маънавий тараққиёт омили. – Тошкент: Nishon-noshir, 2010.

16. Очилдиев А. Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар. – Тошкент: Муҳаррир, 2016.

17. Эркаев А. Маънавият ва тараққиёт. – Тошкент: Маънавият, 2015.

18. Куронов М. Биз англаётган ҳақиқат. – Тошкент: Маънавият, 2007.

19. Куронов М. Миллий тарбия (монография). – Тошкент: Маънавият, 2007.

20. Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан. – Тошкент: Ўқитувчи, 2011.

21. Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан. – Тошкент: Маънавият, 2012.

22. Кадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан. – Тошкент: Маънавият, 2013.

23. “Ягонасан, муқаддас ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним”. – Тошкент: Маънавият, 2014.

24. Бетакроримсан, ягонасан, она ватаним – Ўзбекистоним. – Тошкент: Маънавият, 2015.

25. Фидойинг бўлгаймиз сенинг, Ўзбекистон. – Тошкент: Paradigma, 2017.

## **2-МАВЗУ: МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАРБИЯ, ЖАМИЯТ ВА ЁШЛАР**

### **Режа**

*1. Маънавий-маърифий тарбия – бугунги куннинг энг долзарб масаласи.*

*2. Ёшларнинг онги ва қалбида кутилган даражадаги мафкуравий иммунитетни шакллантиришда тарихий омилнинг ўрни.*

*3. Жамият ва ёшлар.*

Мамлакатимизда маънавий-маърифий тарбия, жамиятимиз, айниқса, ёшларимизнинг маънавий юксалиши масаласи, давлатимизнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.

Бинобарин, 2017 йил 15 июнь куни “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг

софлигини асраш – давр талаби” мавзусида анжуман бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раҳбарлари, дин арбоблари, “Нуроний” ва “Маҳалла” жамғармалари, маънавият ва маърифат соҳаси мутасаддилари, Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаоллари, ҳокимликлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, илм-фан ва маданият намояндалари, таълим муассасалари мутасаддилари ва талабалари, жамоатчилик вакиллари иштирок этган анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бутун жамият ва ёшлар масаласидаги эътиборга олиниши ва ҳал қилиниши шарт бўлган фикрларни айтди:

**“Кун тартибига қўйилган масала, яъни ижтимоий-маънавий соҳани янада ривожлантириш, оилаларимиз, маҳаллаларимизда, бутун жамиятимизда соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, ёшлар тарбияси, тинч-осуда ҳаётимизни, муқаддас динимиз поклигини асраш вазифаси бугунги кунда қандай улкан аҳамият касб этаётгани ҳақида, ўйлайманки, ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ.**

Нега деганда, айнан шу масалалар бизнинг бугунги ва эртанги кунимизни, фарзандларимиз, набираларимиз тақдири ва келажагини, бир сўз билан айтганда, ҳаёт-мамотимизни ҳал қилиши ҳеч кимга сир эмас”.

Дарҳақиқат, ёшлар масаласи – энг муҳим масала. Айниқса, ҳозирги глобаллашув даврида ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг аҳамияти катта. Чунки Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида қайд этиб ўтганидек, глобаллашув икки жиҳатдан намоён бўлмоқда: *биринчидан*, у дунё халқларининг ўзаро яқинлашуви учун кенг имкониятлар яратмоқда; *иккинчидан*, миллий анъаналар ва қадриятларни инкор қилиш тусини олмоқда. Бундай шароитда эртанги кун эгалари бўлган ёш авлоднинг

юксак даражада иммунитетли бўлиб вояга етиши муҳимдир. Негаки мафкуравий иммунитет инсонда оқу қорани тез фарқлаш ва энг тўғри йўлни танлаш кўникмасини ҳосил қилади.

Ёшларнинг онги ва қалбида кутилган даражадаги мафкуравий иммунитетни шакллантиришда **тарихий омилнинг** ўрни ҳам беқиёс. Мутахассисларимиз тўғри таъкидлашганидек, тарих инсонни ўтмиш тажрибаси, бугуннинг қадри ва эртанинг истиқболлиги билан қуроллантиради.

Шу маънода, тарихий омил ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш учун қуйидаги имкониятларни беради:

**1. Ғоявий билим бериш.** Ўтмиш воқеалари битилган тарихий асарларда ёшларга ғоявий билим бериш устувор даражада акс этган. Мисол учун, Низомулмулкнинг (XI аср) “Сиёсатнома” асарида ёшларни давлат, жамият ва халқ иши учун фойдали қилиб тарбиялаш ғояси илгари сурилади. Бунинг учун ёшларга қуйидаги ғоявий билимларни бериш керак:

- давлат ишларида фаол иштирок этиш;
- иатанни душмандан асраш;
- раиятнинг хизматида бўлиш;
- фаолият юритишда билим кучига таяниш;
- яхшилардан ибрат олиб, ёмонлардан ҳазар қилиш.

Низомулмулкнинг бу тавсиялари минг йил ўтса ҳам, долзарб бўлиб турибди. Ёшларни ғоявий тарбиялаш жараёнида мазкур тавсияларни ҳам ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу билан ёшлар онгида юртпарварлик, фидойилик каби хусусиятлар кучаяди ва улар ижтимоий жиҳатдан фаоллашади.

**2. Ибрат олиш кўникмасини шакллантириш.** Мафкуравий иммунитетда эзгу ишлар ва шахслардан ибрат олиш муҳим ўрин тутаяди. Шонли тарихимизда ибрат олгудек ҳодисалар кўп. Мисол учун, юнон тарихчиси Полиэннинг “Ҳарбий хийлалар” китобида келтирилган Широқ воқеасини олайлик.



Широқ – оддий чўпон. Лекин у юртимизга душман бостириб келганида юксак даражадаги ватанпарварликни кўрсатади. Унинг ватанпарварлигида қуйидаги харақтерли жиҳатлар бор:

– у оддий чўпон бўлса ҳам, Ватанини чексиз даражада севади;

– юртига душман бостириб келганида, унинг ҳимояси учун биринчилардан бўлиб отланади;

– душманни ёлғиз ўзи енгади;

– душман билан курашишда энг мақбул усулни танлайди;

– инсон Ватан учун, керак бўлса, жонидан ҳам кечишини амалда исботлайди.

Полиен тарихий қаҳрамонимиз воқеасини тасвирлаш билан уни ўз халқига ибрат қилиб кўрсатган. Шу маънода ёшларимиз учун ватанпарварликда Широқ идеал намунадир.

**3. Ўз замонининг кишиси бўлиш.** Мафкуравий иммунитетда ўз замонининг кишиси бўлиш ва ўз даврини маданий даврга айлантириш масаласи ҳам муҳим хусусиятлардан бири ҳисобланади. Шу жиҳатдан “Темур тузуклари”да ғоят ибратли воқеалар тасвирланиб, улар воситасида инсон ўз замонасининг кишиси бўлиш учун нималар қилиши лозимлигига ишора қилинади. Булар қуйидагилардан иборат:

– юртни ва раиятни ёмон ниятли кишилардан ҳимоя қилиш;

– ҳамиша ҳушёр ва огоҳ бўлиб яшаш;


– халқнинг дардига дармон бўлишни бурч деб англаш;

– юртни ободонлаштириш ва фаровонлаштириш ишларида иштирок этиш;

– муҳтожларга моддий ва маънавий ёрдам бериш.

Соҳибқироннинг бу тавсиялари ёшларни ўз замонининг кишиси бўлиб вояга етиши учун асосий тамойиллардан бири бўлиб хизмат қилади. Бу билан ёшларда мафкуравий иммунитет конкрет ғоялар, йўналишлар ва хусусиятлар асосида шаклланади.

Маълум бўладики, ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришда тарихий омил муҳим асослардан бири ҳисобланади. Уни схемада қуйидагича тасаввур қилиш мумкин:



Ёндашув асосида ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг бир неча усул ва воситалари мавжуд. Улардан бири таълим-тарбия тизимидир.

Мақтаб, академик лицей, коллеж ва олий ўқув юртралидаги таълим-тарбия жараёнида ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш учун тарихий омилдан фойдаланишда қуйидагиларга диққат қилиш мақсадга мувофиқдир:

- ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда ибратли тарихий ҳодиса ва воқеадан унумли фойдаланиш;
- махсус курслар ўқитиш;
- семинарлар, тренинглар ва ақлий-интеллектуал ўйинлар ўтказиш;
- турли конкурслар, ижодий мусобақалар ва ўйинлар ташкил қилиш;



– тарихни яхши биладиган мутахассислар ва тажрибали кишилар иштирокида учрашувлар ўтказиш.

Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришда тарихий омил қўйидаги хусусиятларга эгаллиги билан ажралиб туради:

– ғоявийлик, миллийлик ва умуминсонийликни уйғунлаштириш;

– билим, кўникма ва малака билан қуроллантириш;

– маънавий-руҳий ва ижтимоий усул ва воситалар билан таништириш.

Шундай қилиб, бу масалада мақсадли ёндашиш кутилган самарани бериши аниқ.

### **Таянч сўз ва иборалар**

*Маънавий-маърифий тарбия, тарихий омил, жамият, маънавий юксалиш, ижтимоий барқарорлик, илм-фан, маданият, жамоатчилик, жамият, ёшлар, оила, маҳалла, соғлом муҳит, ёшлар тарбияси, тинч-осуда ҳаёт, фарзандлар тақдири, келажак, миллий анъаналар, ғоявий билим, ибрат, замон кишиси, ҳушёрлик, миллийлик.*

### **Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар**

1. Ижтимоий-маънавий соҳани янада ривожлантириш деганда нимани тушунасиз?

2. Маънавий-маърифий тарбияни шакллантиришда диннинг қандай ўрни бор?

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Оилаларимиз, маҳаллаларимизда, бутун жамиятимизда соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, ёшлар тарбияси, тинч-осуда ҳаётимизни, муқаддас динимиз поклигини асрашни, ҳаёт-мамот масаласи эканини айтганда, нимани назарда тутди?

4. Маънавий-маърифий ишларнинг ривожланишида тарихий омилнинг ўрни қандай?

5. “Ғоявий билим бериш” деганда нимани тушунасиз?

6. Ибрат олиш кўникмаси қандай шакллантирилади?

7. Ўз замонасининг кишисини қандай тасаввур қиласиз?

## Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012.
2. Ўзбекистон Республикасининг Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги Қонуни. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2016. 37-сон.
3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 56 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 48 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.
7. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001.
8. Каримов И. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996.
9. Каримов И. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000.
10. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2011.
11. Каримов И.А. Ўзбекистон Мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011.
12. Миллий ғоя ва маънавият тарғиботи самарадорлигини ошириш концепцияси. – Тошкент: Сано-стандарт, 2014.
13. Маънавият тарғиботчиси. – Тошкент: “Сано-стандарт”, 2016.
14. Миллий ғоя ва мафқурани ёшлар онгига сингдиришнинг педагогик технологиялари. – Тошкент: Маънавият, 2008.

15. Қуроноф М. Баркамол авлод – келажак таянчи. – Тошкент: Маънавият, 2010.
16. Қуроноф М. Огоҳлик: тарих ва замон сабоқлари. – Тошкент: Маънавият, 2015.
17. Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан. – Тошкент: Ўқитувчи, 2011.
18. Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан. – Тошкент: Маънавият, 2012.
19. Кадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан. – Тошкент: Маънавият, 2013.
20. “Яғонасан, муқаддас ватаним, севги садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним”. – Тошкент: Маънавият, 2014.
21. Бетақроримсан, яғонасан, она ватаним – Ўзбекистоним. – Тошкент: Маънавият 2015.
22. Фидойинг бўлгаймиз сенинг, Ўзбекистон. – Тошкент: Paradigma, 2017.
23. Тўраев Ш.Н. Жамят тараққиёти ва миллий ғоя (Рисола). – Тошкент: Академия, 2008 й.
24. Тўраев Ш.Н. Маънавий таҳдидлар: фалсафий таҳлил (Рисола). - Тошкент: Муҳаррир, 2010й.
25. Миллий ғоя тарихи ва назарияси (Ўқув-услугий қўлланма). – Тошкент: Сано стандарт, 2016.
26. Ш.Тўраев Ўзбекистонда маънавий-маърифий сиёсатининг тадрижий ривожланишида ижтимоий адолат масаласи (Ўқув-услугий қўлланма). – Тошкент: Kamalak, 2016.

### **3-МАВЗУ: УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ИНСОНПАРВАРЛАШТИРИШДА МАЪНАВИЙ- МАЪРИФИЙ ИШЛАРНИНГ РОЛИ**

**Режа**

*1. Таълимнинг инсонпарварлашуви – давлат сиёсатининг асосий тамойилларидан бири.*

*2. Таълимни инсонпарварлаштиришда маънавият ва маърифат.*

*3. Таълим тизимини инсонпарварлаштириши билан боғлиқ вазифалар.*

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида шундай дейлади: “Узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантириш принципларидан бири таълимнинг инсонпарварлашувидир. Таълимнинг инсонпарварлашуви – инсон қобилиятларининг очилиши ва унинг таълимга нисбатан бўлган турли-туман эҳтиёжларининг қондирилиши, миллий ва умумбашарий қадриятлар устуворлигининг таъминланиши, инсон, жамият ва атроф муҳит ўзаро муносабатларининг уйғунлашувидир”.<sup>4</sup>

Мамлакатимизда айнан ана шу йўналишда улкан ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, жамиятимизда ёш авлод камолоти йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар орасида мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техник базасини босқичма-босқич мустаҳкамлаш, шу жумладан, уларни тубдан таъмирлаш ва жиҳозлаш, янгиларини қуришга йўналтирилган аниқ вазифалар белгиланган. Бундан ташқари, “Миллий умумтаълим электрон кутубхона” лойиҳасининг амалга оширилиши ҳам болаларнинг интеллектуал ривожланишига ҳар жиҳатдан кўмаклашади. Лойиҳада турли билим олишга оид ва ўқув материалларини электрон форматга ўтказиш маркази, мультимедиа ахборот ресурслари маркази, шунингдек, интеграциялашган ахборот-кутубхона тармоғи ташкил этилиши, Ўзбекистондаги барча

---

<sup>4</sup> Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т. Шарқ, 1997. Б.44.

ахборот-кутубхона муассасаларининг ушбу тармоққа уланиши мўлжалланган.

Мамлакатимизда ота-она меҳридан маҳрум ва имконияти чекланган болаларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда. Меҳрибонлик уйлари, ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар ва мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техник базасини босқичма-босқич мустаҳкамлаш, ривожланган давлатларнинг илғор тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ўқув-тарбия жараёнини тубдан такомиллаштириш чоралари кўрилган.

Бугун, Ўзбекистон болалари юртимизда яратилаётган кенг имкониятлар самараси ўларок, ўз билими, истеъдоди билан жаҳонни забт этмоқда. Мустақиллик шарофати туфайли бугун фарзандларимиз бахтли, халқимиз шодхуррам, хотиржам ҳаёт кечирмоқда.

Айни пайтда шуни ишонч билан айтиш мумкинки, дунёнинг исталган мамлакатада ҳам улкан бахт ҳисобланадиган тинчлик ва фаровонликда, соҳаларнинг ривожланиши ва натижа беришида, ёруғ ва шинам илм масканларида замоннинг илғор билимларини ўзлаштириш, касб-ҳунар танлаш имконига эга бўлган фарзандларимиз тимсолида айнан шу орзу-умидлар рўёби нишонасини кўриш мумкин.

Аmmo шу билан биз мақсадимизга эришдик, энди кўрқмай яшайвериш мумкин, дегани эмас. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасида таъкидланганидек, таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принципларидан бири таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлигини, таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш долзарб масалалардан биридир.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги

**“Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак”** номли маърузасида қуйидаги фикрларни айтади:

«Аввалги учрашувларда таълим ва илм-фан, давлатнинг ёшларга доир сиёсатини амалга ошириш, таълимнинг янги, замонавий усуллари, жумладан, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш соҳасидаги ишлар аҳволи танқидий таҳлил қилиб берилган эди. Бу борадаги долзарб вазифаларни амалга ошириш ёшларимиз, жамиятимиз ва мамлакатимизнинг келажаги учун стратегик аҳамиятга эга. Шунинг учун эътиборингизни қуйидаги вазифаларни амалга оширишга қаратаман.

Биринчи вазифа – мактабгача таълим соҳасида. Очiq тан олишимиз керак, биз бу муҳим соҳадаги ишларни эътибордан четда қолдирдик. Ушбу соҳада болаларни қамраб олиш 27 фоизни ташкил этади. Яқинда тасдиқланган дастурга кўра, бу йўналишда 2 минг 200та муассасанинг моддий-техник базаси мустаҳкамланади.

Шунингдек, тажрибали педагог ва мутахассисларни жалб этган ҳолда, ўқув режа ва дастурларини тубдан қайта кўриб чиқиш зарур. Олдимизда ёшларга тарбия бериш, психология ва бошқа турли соҳаларда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича мураккаб вазифалар турибди.

Иккинчи вазифа – умумтаълим мактаблари, лицей ва касб-ҳунар коллежлари, шунингдек, олий ўқув юртларидаги ўқитиш сифати билан боғлиқ. Замонавий ўқув режа ва услубларини жорий этиш талаб даражасида эмас.

Болалар ва ёшларга махсус фанлар, мамлакатимиз ва жаҳон цивилизацияси тарихини, хорижий тилларни ва замонавий компьютер дастурларини чуқур ўргатиш вазифалари ҳали сифатли ва тўлиқ ҳолда ечилгани йўқ.

Яна бир муаммони ҳал этиш ҳам ўта муҳим ҳисобланади: бу – педагоглар ва профессор-ўқитувчилар таркибининг профессионал даражаси, уларнинг махсус



билимларидир. Бу борада таълим олиш, маънавий-маърифий камолот масалалари ва ҳақиқий кадриятларни шакллантириш жараёнларига фаол кўмак берадиган муҳитни яратиш зарур.

Учинчи вазифа – таълим муассасаларини, энг аввало, касб-ҳунар коллежларини оқилона жойлаштиришни, шунингдек, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа ва ҳар бир ҳудуднинг зарур мутахассисларга бўлган талабини тўғри аниқлашни танқидий таҳлил қилишдир.

Ҳозирча ушбу механизм ишламаяпти. Тармоқлар раҳбарлари кадрларга эҳтиёж тўғрисидаги маълумотни Олий таълим вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигига тақдим этишади. Кейин мутахассисларни тайёрлаш квоталари бўйича чуқур ўйланмаган таклифлар ишлаб чиқилади. Бунинг натижасида кадрлар сифати ва уларни ишга жойлаштириш муаммоси йилдан-йилга кучайиб бормоқда.

Афсуски, ҳеч ким бунинг учун жавобгар эмас. Нима сабабдан? Ахир, бу ўринда гап барчамизнинг фарзандларимиз тўғрисида, ҳеч бир муболағасиз айтиш керакки, мамлакатимизнинг келажаги ҳақида кетяпти.

Тўртинчи вазифа – нафақат академик илм-фанни, балки олий ўқув юртларидаги илм-фанни янада ривожлантириш.

Бешинчи вазифа – китобларни чоп этиш ва тарқатишдаги муаммоларни ҳал қилишдир. Бу ўринда гап, энг аввало, ёшлар ва аҳоли ўртасида мамлакатимизнинг бой тарихини, унинг бетакрор маданияти ва миллий кадриятларини кенг тарғиб қилиш, жаҳон илм-фани ва адабиёти ютуқларини етказиш учун зарур муҳит ва шарт-шароит яратиш ҳақида бормоқда.

Бу борада замонавий компьютер технологиялари ва, айниқса, интернет тизими биздан анча илдамлаб кетганини ҳам инобатга олиш зарур. Ана шу вазифани ҳал этишда турли дарсликларни яратиш, уларни чоп этиш ва молиялаштириш масалаларида идоралар ўртасидаги ўзаро келишмовчилик, афсуски, жиддий тўсиқ бўлмоқда.

Шу муносабат билан, махсус ва бадиий адабиётга

бўлган реал эҳтиёжни, уларни бошқа тилларга таржима қилиш, улар билан ўқув юртлари, кутубхона ва ахборот-ресурс марказларини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар комплексини тақдим этиш лозим.

Бунда ёшлар ва аҳолининг кенг қатламлари ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор бериш лозим бўлади. Китобларнинг ҳақиқий нархи шаклланишини жуда ҳам пухта ўрганиш зарур.

Шу ўринда ҳаммамиз учун айни пайтда жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган масала, яъни китобхонликни кенг ёйиш ва ёшларимизнинг китобга бўлган муҳаббатини, уларнинг маънавий иммунитетини янада оширишга қаратилган ишларимизни янги босқичга олиб чиқиш вазифаси турибди».<sup>5</sup>

Биз таълимни такомиллаштириш, инсонпарварлаштиришни йўлга қўймоқчи эканмиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қўйилган вазифаларни сўзсиз адо этмоғимиз лозим бўлади. Бинобарин, узлуксиз таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш ва инсонпарварлаштириш ҳар доим ҳам долзарблигича қолаверади. Чунки инсонпарварлик ғоялари ва тамойиллари миллий ғоя, маънавият билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, инсоннинг моддий фаровонлиги ва маънавий баркамоллиги, эркин, мустақил, ижодий фаолиятини, кишиларнинг ўзаро ҳамкорлиги, дўстлиги, ҳамжиҳатлиги, бирдамлиги ва бир-бирига ғамхўрлиги каби энг юксак, илғор инсоний фазилатларни ўзида мужассам этади.

Ҳақиқатан ҳам узлуксиз таълимни инсонпарварлаштириш – муҳим масала. Бу жараёнда маънавий-маърифий ишларни тўғри белгилаш, ўқитувчи-талабалар онги-

---

<sup>5</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иктисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги “Танкидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак” номли маърузасидан.

га мустақил фикрлашни, турли мафкуравий ва маънавий таҳдидларга қарши курашиш туйғуларини сингдириш уларни келажакка тайёрлашда катта аҳамиятга эгадир.

### **Таянч сўз ва иборалар**

*Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, узлуксиз таълим, таълимнинг инсонпарварлашуви, инсон, жамият, атроф-муҳит, муносабат, ислоҳот, ёш авлод, мактабгача таълим, мустақкамлаш, миллий таълим, электрон кутубхона, интеллектуал ривожланиш, мультимедиа, ахборот ресурслари маркази, муассаса, меҳрибонлик уйлари, мактаб-интернат, илғор тажриба, ўқув-тарбия жараёни, истеъдод, тартиб-интизом, педагог, махсус фанлар, жаҳон цивилизацияси.*

### **Мавзуни мустақкамлаш учун саволлар**

1. Узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантириш принципи нима?
2. Таълимнинг инсонпарварлашувидан қандай мақсад кўзланган?
3. Мамлакатимизда таълимни инсонпарварлаштириш бўйича қандай ислоҳотлар олиб борилмоқда.
4. Ахборот-ресурс марказлари фаолияти қандай йўлга қўйилган?
5. Бугунги кунда таълим муассасаларининг моддий-техник базаси қандай шакллантирилган?
6. Жамиятимизда ёш авлод камолоти йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан хабардормисиз?
7. “Миллий умумтаълим электрон кутубхона” лойиҳасидан кўзланган мақсад нима?

### **Адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012.
2. Ўзбекистон Республикасининг Таълим тўғрисидаги Қонуни. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997, 11–12-сон.

3. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997. 9-сон.
4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 56 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 48 б.
7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан қураамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.
8. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001.
9. Каримов И. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996.
10. Каримов И. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000.
11. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2011.
12. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011.
13. Миллий ғоя ва маънавият тарғиботи самарадорлигини ошириш концепцияси. – Тошкент: Сано-стандарт, 2014.
14. Маънавият тарғиботчиси. – Тошкент: Мухаррир, 2016.
15. Қуронов М. Миллий тарбия. Монография. – Тошкент: Маънавият, 2007. – 268 б.
16. Миллий ғоя ва мафкурани ёшлар онгига сингдиришнинг педагогик технологиялари. – Тошкент: “Сано-стандарт”, 2008.

17. “Маънавий таҳдидларга қарши курашнинг илмий-услубий ҳамда ғоявий-мафкуравий асослари” мавзусидаги республика илмий-услубий конференция материаллари. – Тошкент: Муҳаррир, 2010.

18. Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан. – Тошкент: Ўқитувчи, 2011.

19. Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан. – Тошкент: Маънавият, 2012.

20. Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан. – Тошкент: Маънавият, 2013.

21. Ягонасан, муқаддас ватаним, севги садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним. – Тошкент: Маънавият, 2014.

22. Бетакроримсан, ягонасан, она ватаним – Ўзбекистоним. – Тошкент: Маънавият, 2015.

23. Фидойинг бўлгаймиз сенинг, Ўзбекистон. – Тошкент: Paradigma, 2017.

24. Тўраев Ш.Н. Миллий ғоя ва ижтимоий тараққиёт. – Тошкент: Тафаккур, 2011.

Тўраев Ш.Н. Ўзбекистонда демократик жамият ривожига иқтисодий ва маънавий омиллар уйғунлиги (Монография). – Тошкент: Ўзбекистон, 2011.

#### **4-МАВЗУ: МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИСЛОҲОТЛАР – ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ**

##### **Режа**

**1. Ўзбекистоннинг миллий тараққиёт йўлида маънавий-маърифий ишларнинг ўрни ва аҳамияти.**

**2. Ўзбекистоннинг маънавий-маърифий соҳадаги давлат сиёсати.**

**3. Маънавий-маърифий ишларни ташкил этишининг тадрижий йўллари.**

Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўлида маънавий-маърифий ишлар беқиёс аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан давлатимиз бу соҳага стратегик

аҳамиятга эга устувор йўналиш сифатида қарайди ва бу йўналишда улкан ислоҳотларни амалга ошириб келмоқда.

Шу маънода, Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашда, истиқлол йўлида буюк давлат барпо этишда маънавий ва маърифат омилларини ҳисобга олган ҳолда, умуминсоний ва миллий қадриятлар уйғунлигига асосланган фуқаролик жамияти қуриш борасидаги фикр-мулоҳазаларни ва таклифларни эътиборга олиб, 1994 йил 23 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика Маънавий ва маърифат жамоатчилиқ марказини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони<sup>6</sup> билан Республика “Маънавий ва маърифат” жамоатчилиқ маркази ташкил этилди.

Ушбу Фармон ижросини таъминлаш ва такомиллаштириш мақсадида 1994 йил 8 июнда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика Маънавий ва маърифат жамоатчилиқ марказининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

Айнан мана шу қарор билан қуйидаги ишларни амалга ошириш масаласи белгилаб олинди:

– социологик тадқиқотлар, сўровлар ўтказиш орқали ўзбек халқининг бой маънавий-маданий мероси, шарқона ва умуминсоний қадриятлар асосида мамлакат, миллат келажagini белгилайдиган илғор ғояларни юзага чиқариш ҳамда ҳаётга татбиқ этиш, маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

– жамиятдаги соғлом кучлар – юксак истеъдод ва тафаккур соҳибларининг ақлий-ижодий салоҳиятини Ватан истиқболи сари йўналтириш;

– миллатлараро дўстлик, ҳамжиҳатликнинг аҳамиятини, юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлашни, минтақамизда яшаётган миллатларнинг маданий, маърифий, маънавий тараққиёт томирлари муштараклигини тарғиб қилиш;

---

<sup>6</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz). “Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси”, 1994 й., 6-сон.

– маданий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий тараққиёт йўналишлари билан боғлиқ омилларни, миллий давлатчилик қадриятларини ўрганиш ва тарғиб қилиш;

– маънавий-маърифий масалаларга доир маърузалар, анжуманлар, суҳбатлар ўтказиш.

1996 йил 9 сентябрда маънавият соҳасида олиб бораётган ишларимизни янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. Унда маънавий-маърифий ислохотларни давлат сиёсатининг асосий, устувор йўналиши сифатида белгилаб қўйилди.

Жойларда маънавият билан боғлиқ ишларнинг амалга оширилиши учун бутун масъулият шахсан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари, республикамиздаги барча вазирликлар, идоралар, ташкилотларнинг биринчи раҳбарлари зиммасига юкланди.

Барча ҳокимлар зиммасига ёшларимиз онгига она Ватанга, буюк аجدодларимиз мероси ва халқимизнинг бугунги мисли қўрилмаган бунёдкорлик ишларига юксак эҳтиром туйғуларини сингдириш мақсадида уларни дунёни ҳайратга солган қадимий ёдгорликлар ва мустақиллик даврида бунёд этилган улкан иншоотлар, маърифат масканлари, юртимизнинг гўзал табиати билан мунтазам таништириб бориш учун махсус таништирув саёҳатлар ташкил этиш масаласи юклатилди.

Соҳани ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 июлда “Маънавий-маърифий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинганидан бир йил ўтиб, яъни 1999 йил 3 сентябр-

да Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди.<sup>7</sup> Фармон мақсад ва вазифалари маърифий-маънавий тарбия, тарғибот билан боғлиқ бўлган ўша даврдаги “Маърифатчилар”, “Файласуфлар”, “Тарихчилар” жамиятлари, “Соғлом авлод учун”, “Маҳалла”, “Камолот”, “Нуроний”, “Наврўз”, “Олтин мерос”, Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва демократлаштириш жамғармалари, Республика “Маънавият ва маърифат” маркази, Ёзувчилар, Бастакорлар, “Тасвирий ойина” уюшмалари, Бадиий академия, Хотин-қизлар кўмитаси, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Маданият ишлари вазирликлари каби қатор давлат ва нодавлат ташкилотларининг Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши таъсис этганликларини қўллаб-қувватлаш мақсадида чиқарилган эди.

Қарорга асосан мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий зарурат талабидан келиб чиққан ҳолда халқимизнинг ўзи танлаган тараққиёт йўлидан оғишмай олға боришига эришиш, уни бизнинг миллий манфаатларимизга зид бўлган турли хил ёт ва бузғунчи мафкуравий тазйиқ ва таҳдидлардан ҳимоя қилиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳар ва туманларда Маънавият ва маърифат кенгашлари ташкил этилганини инобатга олиш кўрсатилди.

Шунингдек, Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши “Жаҳолатга қарши маърифат” ғоясига таянган ҳолда Кенгашга аъзо ташкилотларнинг маърифий тарғибот йўналишидаги имкон ва салоҳиятларини бирлаштириш, фаолиятларини мувофиқлаштириш ва замонавий талаблар асосида ташкил этишда қуйидагиларни ўзининг бирламчи мақсад ва вазифалари этиб белгилгани маъқулланди:

---

<sup>7</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz). Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999. 9-сон.



– мамлакат аҳли, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод қалби ва тафаккурида миллий ғоя, миллий мафкура ва умумбашарий қадриятларга, демократик тамойилларга асосланган дунёқарашни шакллантириш;

– жамоатчилигимиз онгига истиқлол ғояларига чексиз садоқат, она диёрга меҳр-муҳаббат, озод ва обод Ватан барпо этишдек улуғ ва олижаноб мақсадга эътиқод, жасурлик ва фидойилик руҳини янада чуқур сингдириш;

– миллий қадриятларимиз ва улуғ мутафаккирларимиз меросидан бутун халқимиз, жумладан, ёшларимизнинг ҳам баҳраманд бўлишига, ислом динининг инсонпарварлик фалсафаси, ғоялари ёш авлод қалбидан жой олишига кўмаклашиш;

– ҳар бир фуқарода ўз ҳақ-ҳуқуқи, имконияти ва иродасига таяниш, ўз тақдирининг бунёдкори бўлиш, мамлакатда кечаётган янгиланишлар, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислохотларнинг маъно-моҳияти, мақсадини теран англаган ҳолда унинг фаол иштирокчиси ва курашчисига айланиш тафаккурини камол топтириш;

– маърифий тарғибот ишларининг шаклан ва мазмунан уйғунлиги ва мунтазамлигини, халқчил ва ҳаққонийликка, жамоатчилик фикри ва кучига, барча соҳалардаги соғлом фикрловчи фуқаролар салоҳияти ва ҳаракатига асосланишини таъминлаш.

Шу билан бир қаторда, Республика Маънавият ва маърифат маркази Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши қарорларини жойларда амалга ошириш ва тарғибот-ташвиқот тадбирларини уюштирувчи ташкилий гуруҳга айлантирилди.

Энг асосийси, ўша йили Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг таъсис конференциясида қабул қилинган Кенгашнинг фаолият дастури, Низоми ва ташкилий тизими тасдиқланди. Унга кўра, Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши таркибига Республика Маънавият ва маърифат Маркази, Миллий мафкура илмий-тарғибот Маркази кириши ва бевосита Кенгаш раҳбарлигида ишлаши белгилаб берилди.

Ана шу ишларнинг натижаси ўлароқ, 2001 йил 18 январда «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Президентининг Фармойиши қабул қилинди.<sup>8</sup>

Мазкур фармойишга кўра, мамлакатимизда «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича таълим дастурлари яратилиб, республика таълим тизимига жорий этилди. Бугунги кунда мамлакатимиздаги барча босқичдаги таълим муассасаларида миллий ғоя туркумидаги фанлар ўқитиб келинмоқда.

Олий таълим муассасаларида эса янги “Миллий истиқлол ғояси; ҳуқуқ ва маънавият асослари” номли йўналиш ташкил қилинди. Унинг битирувчилари таълим муассасаларида “Одобнома”, “Ватан туйғуси”, “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари”, “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар”, “Маънавият асослари”, “Давлат ва ҳуқуқ асослари”, “Конституция оламига саёҳат”, “Конституцияни ўрганиш” ва бошқа шу каби махсус фанлардан дарс берадилар.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳақиқатан ҳам, юқорида номлари келтирилган ҳуқуқий-меъриий ҳужжатлар асосида юртимиз аҳолиси ўртасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Халқаро майдонда мафкуравий, ғоявий ва информация курашлар йилдан-йилга кучайиб бориши, таҳликали вазиятларнинг кундан-кун ортиб бориши маънавий-маърифий ишларни янада такомиллаштириш заруратини кўрсатди.

Бу эса ана шундай мураккаб ва таҳликали бир даврда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида

---

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 18 январда қабул қилинган «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида»ги Фармойиши. «Маърифат» газетаси, 2001 йил 20 январь.

ташкил этиш, ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб бориш каби вазифаларнинг кундан-кунга долзарблик касб этиб бориши ушбу соҳадаги ишларни, жумладан, Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг фаолияти ва таркибий тузилишини қайта кўриб чиқишни тақозо этди.

Шу нуқай назардан 2006 йил 25 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги ПҚ-451-сон Қарори<sup>9</sup> қабул қилинди.

Унга кўра:

– Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига Республика Маънавият ва маърифат кенгашига раислик қилиш, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳар ва туманлар ҳокимларига эса ҳудудий кенгашларга раҳбарлик қилиш вазифаси юклатилди;

– Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши ҳузуридаги Миллий мафкура илмий тарғибот маркази ўрнига Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг илмий-амалий йўналишида фаолият олиб борадиган Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ташкил этилди.

Шунингдек,

– халқимизнинг кўп асрлик маънавияти ва миллий қадриятлари, диний қарашлари ва ҳаётий удумларига, ёшларимизнинг онгини захарлаб, маънавий жиҳатдан қарам этишга қаратилган мафкуравий хатарларга қарши

---

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августда қабул қилинган «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори. «Халқ сўзи» газетаси, 2006 йил 26 август.

самарали кураш олиб бориш бўйича илмий-амалий дастурларни ишлаб чиқиш;

– фуқароларимиз қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш, уларнинг онгли яшашга, ўз фикрига эга бўлишга, турли маънавий тажовузларга қарши собит тура олишга қодир бўлган, иродали, фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашга йўналтирилган амалий тавсиялар тайёрлаш. Бу борада маънавий-маърифий тарғибот ишларининг таъсирчанлигини таъминлайдиган замонавий ахборот технологиялари ва механизмларини, жамиятимизнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришга қаратилган самарали усул ва услубларни ишлаб чиқиш, давлат ва жамоат ташкилотлари учун тегишли тавсия ва таклифлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш;

– миллий ғоя ва мафкура масаласи билан боғлиқ долзарб муаммоларни, бугунги мураккаб мафкуравий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш, устувор йўналишларини аниқлаш, уларнинг аҳоли турли қатламларига таъсирини ўрганиш, миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли ғоялар ва мафкуравий хуружларнинг моҳиятини очиб бериш каби масалалар Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказининг асосий вазифалари этиб белгиланди.

Худди шу қарор асосида Республика “Маънавият ва маърифат” маркази Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг амалий тарғибот йўналишида фаолият олиб борадиган Республика Маънавият тарғибот марказига айлантирилди.

Қуйидагилар Республика Маънавият тарғибот марказининг асосий вазифалари этиб белгиланди:

– маънавиятнинг маъно-моҳияти, миллий маънавиятимизнинг қадимий илдизлари, ноёб ва бетакрор намуналари, бугунги кундаги ривожланиш тамойиллари ҳақида аниқ мақсадга қаратилган тарғибот ишларини мунтазам равишда олиб бориш;

– аҳолининг кенг қатламлари, авваламбор, ёшлар ўртасида Ватанга муҳаббат ва садоқат, инсонпарварлик фазилатларини тарбиялаш, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ҳар томонлама очиб беришга йўналтирилган суҳбат ва учрашувлар, маърифий тадбирлар ўтказиш;

– бугунги кунда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг қўламли ислохотларнинг моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг аҳамиятини атрофлича шарҳлаш ва тушунтириш, юртимизга қарши қаратилган ғоявий ва ахборот хуружлар, уларнинг ортида турган кучларнинг ғаразли мақсадларини фош қилиш, одамларни ҳушёрлик ва огоҳликка даъват этиш, олимлар, сиёсатчи ва мутахассислар, ижодкор зиёлилар иштирокида жойларда самарали тарғибот тизимини йўлга қўйиш;

– ота-она, оила ва маҳалла, тарихий хотира, миллий ғурур, комил инсон тарбияси билан боғлиқ туйғу ва тушунчаларни ёш авлод қалби ва онгига таъсирчан усул-услуглар орқали сингдириш, аждодларимизнинг бу борадаги меросини бугунги тараққиёт талаблари билан узвий ҳолда ривожлантириш, тарғибот ишларини миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги асосида ташкил этиш;

– юртдошларимизни муқаддас ислом дини ва фалсафаси, азиз-авлиёларимизнинг ибратли ҳаёти, қутлуғ қадамжоларига, бошқа диний конфессияларга нисбатан ҳурмат-эҳтиром ва бағрикенглик руҳида тарбиялаш, жамиятимизда соғлом турмуш тарзи, миллатлараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш бўйича маънавий-маърифий дастурларни амалга ошириш.

Қарорда белгиланган юқоридаги вазифалар нафақат бу икки марказ, балки барча давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан мунтазам равишда ижро этиб борилмоқда. Бу эса бугунги ижтимоий ҳаётимизда улкан акс-садо берди. Инсонларимизнинг тафаккур тарзи мутлақо ижобий томонга ўзгарди. Халқимизнинг онги ва қалбида миллий ғоя чуқур илдиз ота бошлади.

Албатта, бу олиб борилган ишлар амалда ўз натижасини берди. Лекин ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди. Соҳа қанчалик фаолият олиб бормасин қарама-қарши кучлар ундан-да зиёдроқ фаолият олиб боришга ҳаракат қилаверади.

Шу маънода, 2017 йил 28 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ПҚ-3160-сон Қарори қабул қилинди.

Унга кўра:

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда жамият ҳаётининг маънавий-маърифий асосларини мустаҳкамлаш, миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларини ҳаётга жорий этиш, юртдошларимиз, айниқса, ёш авлод қалбида Ватанимиз тақдири ва келажаги учун дахлдорлик ва масъулият ҳиссини ошириш, ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни кучайтиришга йўналтирилган тарғибот тизими шаклланди. Бу жараёнда Республика Маънавият тарғибот маркази, унинг жойлардаги тузилмалари ҳамда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази томонидан муайян ишлар амалга оширилганини қайд этиш лозим.

Бугунги кунда дунёда глобаллашув жараёнлари кучайиб, тинчлик ва барқарорликка қарши янги таҳдид ва хатарлар тобора кўпайиб бормоқда. Бундай мураккаб ва таҳликали вазият соҳада амалга оширилган ишларни танқидий баҳолаб, унинг фаолиятини замон талаблари асосида такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Хусусан, оила, маҳалла ва таълим муассасаларида ёшлар тарбияси, чекка ҳудудлар ва маҳаллаларда уюшмаган ёшлар билан мақсадли ғоявий-тарбиявий ишларнинг юзаки тарзда олиб борилаётгани, жиноятчилик, диний экстремизм ва террористик ҳаракатларга адашиб қўшилиб қолиш, миллий қадриятларга эътиборсизлик, эрта турмуш қуриш, оилавий ажралишлар каби салбий ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган

тарғибот ишларининг аксарият ҳолларда кутилган натижани бермаётгани бу масалаларга жиддий эътиборни талаб этмоқда.

Мамлакатимизда қабул қилинган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, энг аввало, давлат бошқаруви органларининг қуйи бўғинлари фаолиятини тубдан яхшилаш, уларнинг халқ билан мулоқот қилишини таъминлаш, бу борада самарали ижтимоий ҳамкорлик механизмини мустаҳкамлаш устувор вазифа сифатида белгилаб қўйилган.

Ана шу мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда, маънавий-маърифий тарғибот ишларининг мазмун-мундарижасини тубдан яхшилаш, уларнинг кўлами ва миқёсини кенгайтириш, тизимда фаолият кўрсатаётган соҳа ходимларининг билим ва малакасини изчил ошириб бориш, туман (шаҳар) даражасидаги ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг барқарор тизимини йўлга қўйиш, соҳада фаолият олиб бораётган муассаса ва ташкилотлар ишини мувофиқлаштириш ва уларнинг самарасини ошириш мақсадида:

1. Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказини бирлаштириш йўли билан уларнинг негизида Республика Маънавият ва маърифат марказини (кейинги ўринларда – Марказ деб аталади) қайта ташкил этиш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

2. Марказ фаолиятини ташкил этишда қуйидаги асосий вазифаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

– мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари, давлат дастурларининг мазмун ва моҳиятини аҳолининг кенг қатламларига етказишга қаратилган тарғибот ишларини тизимли ва изчил амалга ошириш, бу борада кенг жамоатчилик, олимлар, мутахассислар, ижодкор зиёлилардан иборат “Маърифат

тарғиботчилар жамияти”ни шакллантириш ҳамда унинг фаолиятини доимий асосда йўлга қўйиш;

– дунёда юз бераётган мураккаб геосиёсий ва ғоявий-мафкуравий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини ҳар томонлама чуқур ёритиб бориш, терроризм, диний экстремизм, ақидапарастлик, сепаратизм, одам савдоси, “оммавий маданият”, наркобизнес ва бошқа таҳдидларга қарши самарали ғоявий кураш олиб бориш;

– жамиятимизнинг барқарор ривожланишига тўсқинлик қилаётган ички таҳдидлар – эл-юрт тақдирига лоқайдлик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, оилавий қадриятлар ва ёшлар тарбиясига эътиборсизлик каби ҳолатларга барҳам беришга қаратилган комплекс тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

– миллий ғояни юртимизда яшаётган барча миллат ва элатлар, ижтимоий тоифа вакиллари ўртасида кенг тарғиб этиш, бунёдкорлик руҳини ялпи ижтимоий ҳаракатга айлантириш, эртанги кунга ишонч туйғуларини кучайтириш;

– тарғибот-ташвиқот ишларида аҳолининг ҳудудий, касбий ҳамда ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мутаносиб, мақсадли ва мазмунли ёндашувни жорий этиш;

– маънавий-маърифий тарғибот ишлари самарадорлигининг илмий асосланган мониторингини таъминлашга қаратилган социологик тадқиқотлар ўтказишни мунтазам йўлга қўйиш;

– ёшларда соғлом дунёқараш, жумладан, китобхонлик кўникмасини шакллантириш, интернет, ахборот-коммуникация технологияларидан оқилона фойдаланиш маданиятини ошириш, уларда ғоявий ва ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетни кучайтириш;

– маҳаллаларда уюлмаган ёшлар билан ишлаш, ушбу тоифани ижтимоий-иқтисодий фаоллаштиришда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;

– халқимизнинг тарихий мероси, урф-одатлари ва миллий тарбия анъаналарини асраб-авайлаш, кенг



аҳоли қатламлари, айниқса, ёшларимиз ўртасида динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

### 3. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Республика Маънавият ва маърифат кенгашига, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари тегишли равишда ҳудудий кенгашларга жамоатчилик асосида раислик қиладилар.

4. Қайта ташкил этилаётган Марказ Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланиши инobatга олинсин.

Шу ўринда яна бир масала, мазкур Қарор билан ижодий ходимлар сони икки баробардан зиёдроқ кўпайди. Шунингдек, Марказнинг туманлар бўлимлари раҳбарлари жамоатчилик асосида фаолият олиб борарди. Бугунга келиб, республикамиздаги барча туман ва шаҳарлар бўлимлари раҳбарлари бюджет ҳисобидан ойлик маоши билан таъминланди. Марказда нафақат ходимлар сони, балки илмий салоҳиятнинг ортишига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Кўриниб турибдики, Республика Маънавият ва маърифат маркази кўп йиллар мобайнида олиб борилган ишларнинг вориси сифатида бугунги кунда дунё миқёсида глобаллашув жараёнларидан куч олиб бораётган ахборот хуружлари даврида жамият равнақи ва унинг келажаги учун хизмат қила олувчи ташкилотга айланарди. Бу марказ давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда халқимиз ҳамжиҳатлигини ташкил этиш, ёшларимиз онгу шуурида ватанга муҳаббат туйғусини, дахлдорлик фазилатларини шакллантиришда асосий куч бўла олишига ишонамиз.

## Таянч сўз ва иборалар

*Миллий истиқлол ғояси, ҳуқуқ ва маънавият асослари, таълим муассасалари, одобнома, Ватан туйғуси, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, Миллий истиқлол ғояси, асосий тушунча ва тамойиллар, Маънавият асослари, Давлат ва ҳуқуқ асослари, Конституция оламига саёҳат, Конституцияни ўрганиш, махсус фан, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, қонун ҳужжатлари, давлат дастурлари, жамоатчилик, олимлар, мутахассислар, ижодкор зиёлилар, Маърифат тарғиботчилар жамияти, ғоявий-мафкуравий жараёнлар, терроризм, диний экстремизм, ақидапарастлик, сепаратизм, одам савдоси, “оммавий маданият”, барқарор ривожланиш, эл-юрт тақдирига лоқайдлик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик.*

### Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Маънавий-маърифий ислоҳотларда давлат сиёсатининг ўрни қандай?
2. Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг ташкил қилинишидан мақсад нима?
3. 2001 йил 18 январда «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимида жорий этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Президентининг Фармойишини қабул қилишдан мақсад нима?
4. “Жаҳолатга қарши маърифат” ғоясининг мазмун-моҳияти?
5. “Ўз тақдирининг бунёдкори бўлиш” деганда нима-ни тушунасиз?
6. Мамлакатда кечаётган янгиланишлар, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислоҳотлар ҳақида сизнинг фикрингиз?
7. Нима учун 2017 йил 28 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ПҚ-3160-сон Қарори қабул қилинди?

## Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 23 апрелдаги “Республика Маънавият ва маърифат жамоатчилиқ марказини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999. 6-сон.

3. 1999 йил 3 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика Маънавият ва маърифат Кенгашини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999. 9-сон.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 18 январдаги «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимида жорий этиш тўғрисида»ги Фармойиши. «Маърифат» газетаси. 2001 йил 20 январь.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августда қабул қилинган «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори. «Халқ сўзи» газетаси, 2006 йил 26 август.

6. 2017 йил 28 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ПҚ-3160-сон Қарори. ЎЗА, 2017.

7. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 56 б.

8. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалиқ қондаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.

9. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонли-

гининг гарови. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 48 б.

10. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан қурамыз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.

11. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001.

12. Каримов И. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996.

13. Каримов И. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000.

14. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2011.

15. Каримов И.А. Ўзбекистон Мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011.

16. Миллий ғоя ва маънавият тарғиботи самарадорлигини ошириш концепцияси. – Тошкент: Сано-стандарт, 2014.

17. Маънавият тарғиботчиси. – Тошкент: Мухаррир, 2016.

18. Қуронов М. ва бошқ. Миллий тарбия ва ёшлар. – Тошкент: Мухаррир, 2015.

19. Камолова К. Юксак маънавият ва имон бутунлиги учун кураш – давр талаби. – Тошкент: Мухаррир, 2015.

20. Фидойинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон. – Тошкент: Турон замин зиё, 2016.

21. Тўраев Ш.Н. Миллий ғоя ва ижтимоий тараққиёт. – Тошкент: Тафаккур, 2011.

22. Тўраев Ш.Н. Ўзбекистонда демократик жамият ривожига иқтисодий ва маънавий омиллар уйғунлиги (Монография). – Тошкент: Ўзбекистон, 2011.

23. Тўраев Ш.Н. Миллий истиқлол ғояси: Халқ фаровонлиги (Рисола). – Тошкент: Турон замин зиё, 2016.

## 5-МАВЗУ: «КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ» ВА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАРНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ

Режа

1. *Таълим тизимини ислоҳ қилишнинг аҳамияти.*
2. *Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида маънавий-маърифий ишларнинг ўрни.*
3. *Кадрлар тайёрлаш Миллий дастуридан келиб чиқувчи асосий вазифалар.*

Ўзбекистон Республикасида 1997 йил тарихий ҳужжатлар: “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” қабул қилинди. Ундан кўзланган мақсад: мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиш, комил инсон ва етук малакали мутахассислар тайёрлашдир. “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”нинг асосий таркибий қисмларини шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш ташкил этади. Мазкур қонун ва дастурни рўёбга чиқариш таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишни ва уни ўз вақтида ҳал қилишни тақозо этади. Бинобарин, унинг бош мақсади юрт, миллат тақдирига дахлдорлик, инсон манфаатларининг ҳар нарсадан улуғлиги, мустақилликни мустаҳкамлаш билан боғлиқ билим, кўникма ва малакага алоҳида аҳамият берилган. Шунингдек, замонавий ахборот технологиялар, таълим жараёнини ахборот билан таъминлашнинг ривожланишига эътибор қаратилган. Шу билан бирга, замонавий етук малакали кадрлар тайёрлаш масаласи қатъий қилиб қўйилган.

Миллий дастурнинг муҳим жиҳатларидан бири – ёш авлоднинг маънавий баркамол бўлиб етишиши бўлиб, бу маънавий-маърифий соҳалардаги ислохотларни ҳам бевосита таълим тизимида янги босқичга олиб чиқиш имконини беради.

Инсоният тарихий тараққиётининг ҳар бир босқичида жараёнлар қандай кечишидан қатъи назар янгила-

нишлар, ривожланиш ва тараққиётни кўриш мумкин. Ана шу ривожланишлар асосида доимо таълим ва тарбия масаласи туриши кундай равшан. Янги даврнинг янги талабларини рўёбга чиқариш учун таълим ва тарбия мақсади, вазифалари, усуллари, шакллари доимо янги-ланиб келган. Аммо бу масалага ҳамма вақт ҳам давлат даражасида эътибор қаратилавермаган.

Афсуски, собиқ тузум даврида «таълим ва тарбия бирлиги» ибораси «таълимнинг ўзи тарбиялайди» қабилида талқин қилинди. Тарбия, унинг аниқ натижалари учун ҳеч ким жавоб бермас эди. Бунинг натижасида фақатгина бир томонлама билимга эга бўлган одамлар кўпайди ва улар амалга ўтириб олиб, яхши тарбия кўрмаганлиги сабабли, нафақат ахлоқ чегараларидан чиқишди, балки жиноятчиликни ҳам четлаб ўтмадилар. Чунки улар билимга эга бўлсалар-да, Ватанга фидойи, миллий давлатга эътиқодли, миллатпарвар ва садоқатли эмас эдилар. Айни ана шулар оқибатида юртимизда салоҳиятли кадрларнинг йўқолиб боришига сабаб бўлди.

Мустақилликка эришган кейинги йилларда Ўзбекистон Республикасида бу масалага давлат даражасида алоҳида эътибор қаратилди. Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели, дастури ишлаб чиқилди. Давлат катта маблағ ажратиб, унинг босқисма-босқич амалга оширилиши, самарадорлигини ошириш чораларини муттасил таъминлаб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида”<sup>10</sup>ги Қонуни билан, таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратиш Миллий дастурнинг асосий вазифаси қилиб белгиланди. Шу билан бирга яна шуни алоҳида таъкидлаш зарурки,

---

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 август, 463-1-сон Қонуни.

Ўзбекистон давлати томонидан маънавий ва маърифат соҳасига, миллий ғоя масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда кейинги йилларда қабул қилинган таълим ва тарбия тўғрисидаги қатор меъёрий ҳужжатлар, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисидаги” қонуни, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”, “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”, “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги Қарорлари глобаллашув шароитида муваффақиятли ишлай оладиган, мустақил фикрловчи кадрларни тайёрлашда оила, мактаб ва маҳалла нуфузини оширишни тақозо этади. Зеро, ёшларни жипслаштирадиган, халқимиз ва давлатимиз дахлсизлигини асрайдиган, эл-юртимизни юксак мақсадлар сари чорлайдиган ягона ғоя – миллий мафкурага садоқат руҳида тарбиялаш моҳиятини ташкил қилади.

Дарҳақиқат, инсоннинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва унинг манфаатларини рўёбга чиқариш механизмларини яратиш республикаимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади бўлгани боис, бу мақсадларга эришиш учун таълим тизимининг барча босқичлари қаторида ўрта-махсус, касб-хунар таълими тизими олдида ҳам масъулиятли вазифалар турибди. Бу вазифаларни бажаришда Ўзбекистон Республикасининг **“Таълим тўғрисида”**ги<sup>11</sup> Қонуни ва **“Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”** кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқаришнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берган бўлиб, улар ҳар томонлама камол топган, таълим ва касб-хунар турларини онгли равишда танлаган ва кейинчалик пухта ўзлаштирган, жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган ижтимоий фаол шахсларни тарбиялашни назарда тутади.

---

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил 9-сон.

Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури – давлатни, жамиятни ривожлантиришга оид янги тушунчадир. Таълим ва маънавий-ахлоқий тарбия эса шу кенг қамровли вазифанинг таркиби, катта бир қисмидир. Шу боис маънавий билан боғлиқ кенг қамровли ишлар йўлга қўйилган бўлиб, унинг фаоллари ёрдамида турли тадбирларни ўтказиш, нафақат ўқувчи талабалар, балки педагогик жамоани ҳам юксак маданиятли, маънавийли бўлишини такомиллаштириш ҳамда бу соҳада ёш авлодни ахлоқий тарбиялаш миллий ғурур, маънавий меросни ёшлар онгида мужассамлаштириш, билимларини оширишда алоҳида аҳамиятга эга.

“Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида таълим ва тарбия уйғунлигига алоҳида эътибор берилган, чунки кадрларнинг етук мутахассис сифатида шаклланиши таълим-тарбиянинг уйғунлигига боғлиқ. Бу жамият тараққиётида ўз ифодасини топади. Бинобарин, «Ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой миллий маданий-тарихий анъаналарига, урф-одатлари ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган самарали, ташкилий, педагогик шакл ва воситалари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилади».<sup>12</sup>

Шунинг учун ҳам ёшларни тарбиялашда, ўзлигини англай олган, миллий манфаатларни ҳар қандай манфаатлардан устун қўя олувчи, ҳар қандай таҳдидларга қарши тура олувчи шахсни камол топтириш масаласи бугунги кунда долзарб вазифа бўлиб турибди.

Бугунги глобаллашув жараёнлари ҳар қандай инсоннинг тафаккурига таъсир кўрсатиши табиий. Бинобарин, дунёда бўлаётган воқеа-ҳодисалар, техника тараққиёти натижасида кириб келаётган чексиз-чегарасиз ахборотлар қайсидир даражада таъсир этиши мумкин. Бу жараёнда фақатгина мафкуравий иммунитет мустаҳкам инсонгина адашмай ўз йўлидан бора олади. Бу ўринда,

---

<sup>12</sup> Олий таълим. Меъёрий-ҳуқуқий ва услубий ҳужжатлар тўплами. – Т.: Истиклол, 2004. – Б. 20.



«Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» янги асрнинг баркамол авлодини етиштиришга қаратилган. Мазкур дастур нафақат таълим-тарбияни ислоҳ қилиш билан, балки жамиятда маънавий онгни шакллантириш, илмий салоҳият ва интеллектуал қадриятларнинг ривожланишига ҳам хизмат қилади.

Албатта, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг қабул қилиниши таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, халқаро таълим стандартлари ва бой анъанавий тажрибалар асосида қабул қилинган кадрлар тайёрлаш ҳақидаги миллий дастур ва таълим ҳақидаги қонун мамлакатимизнинг янги талаб ва эҳтиёжларини қондиришнинг ҳуқуқий асосларини яратди ва қисқа вақт мобайнида катта натижаларни қўлга киритишга муваффақ бўлди. Қисқа фурсатда таълим тизимининг ҳамма бўғинлари, мактабгача таълимдан то олий таълимнинг энг юқори босқичларида туб ўзгаришлар амалга оширилди. Турмуш тарзимизда узлуксиз таълим тизими негизида дунё даражасида ҳар қандай соҳада ўз билими билан тенг кураша оладиган мутахассислар етишиб чиқа бошлади. Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастурининг асосий мақсади бўлган жисмоний ва маънавий баркамол инсонни тарбиялаш масаласи тизимли йўлга қўйила бошланди. Бу масалага эътибор мустақилликнинг илк кунларидан бошланган, бугун ҳам худди шундай давом этмоқда. Бинобарин, Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида қуйидагиларни таъкидлайди: «Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни энг устувор вазифамиз сифатида бугун замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз.

Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада

бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз”.

Аммо бу – биргина таълим тизимидаги давлат даражасида олиб борилган кенг қўламли ислохотларнинг натижаси. Фақатгина таълим-тарбия тизимидаги ишлар билан мақсад амалга ошиб қолмайди. Бугун кадрлар масаласига кенг миқёсда ёндашиш талаб этилади.

Айни пайтда мамлакатимизда жамият ижтимоий тараққиётининг янги босқичга кўтарилиши даврида кадрлар масаласи долзарблиги ҳам ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев юқорида қайд этилган маърузада бу ҳақда куйидаги фикрларни айтиб ўтади:

«Ҳаммамиз яхши тушунамизки, олдимизда турган кенг қўламли вазифаларни бажариш учун кадрлар билан ишлашнинг бутун тизимини такомиллаштиришга доир бир қатор ишларни албатта амалга оширимиз керак.

Ҳозирги вақтда давлат ва ҳокимият идораларида кўп ҳолларда кадрлар салоҳиятидан фойдаланиш, уларнинг вазифа ва ваколатлари тақсимоти оқилона ва самарали йўлга қўйилмагани сезилмоқда.

Энг ёмони, бу ҳолат ишимизга халақит бермоқда. Бир идорани қарасангиз, юзлаб одам номига ишлаб ўтирибди. Бошқа идорани қарасангиз, иш кўп, вазифа кўп, лекин ишлайдиган одам, кадр етишмайди.

Бундай нотўғри иш тақсимотига мутлақо чек қўйишнинг вақти етди. Ҳар бир давлат хизматчиси ўзининг бурчи ва мажбуриятини аниқ-равшан билиши, содда қилиб айтганда, ўз аравасини ўзи тортиши лозим.

Бу – замон талаби. Олдимизга қўйган мақсад-муддаоларга етиш учун бу ишларни ўзимиз қилмасак, бошқа ҳеч ким бизга четдан келиб қилиб бермайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, кадрларнинг амалий захирасини шакллантириш, уларни

тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг муҳим масалаларини ўз ичига оладиган мақсадли дастурни ишлаб чиқиш вақти келди, деб ўйлайман.

Асосий вазифа, бу – юқори касб маҳорати ва замонавий тафаккурга эга, пухта ўйланган, ҳар томонлама тўғри қарорлар қабул қила оладиган, белгиланган мақсадларга эришадиган раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг янги таркибини шакллантиришдан иборат.

Бу борада ҳудудий бошқарув органлари, энг аввало, мамлакатимиз туман ва шаҳарлари ҳокимликлари учун малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бунинг учун олий таълим муассасалари тизими билан бирга, мамлакатимиздаги 6 та академия, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази каби ташкилотларнинг илмий-амалий салоҳияти ва имкониятларини янада фаол сафарбар этиш даркор.

Чунки, жамиятни идора этишнинг янги муносабатлари механизми ва усуллари тамомила янги-ча тус олган ҳолда замонга мос равишда мураккаблашиб бормоқда. Ана шундай шароитда кадрлар сиёсати яна ҳам муҳим аҳамият касб этиб, жамият олдида турган энг долзарб вазифалардан бирига айланиб бормоқда. Бундай долзарб масалани ҳар жиҳатдан пухта ва мукамал ҳолда оқилона ҳал этиш ҳар қандай давлатнинг, у қайси ижтимоий-сиёсий тизимда бўлишдан қатъи назар, энг зарурий ва масъулиятли вазифаларидан бирига айланиши объектив қонуниятдир. Чунки ҳаёт оқимини, жамиятнинг иқтисодий-сиёсий ривожланишидаги йўлини белгилаб олиш ва амалий ҳаётга тўғри йўналтириш ҳар томонлама билимдонликни, катта ҳаётий тажрибани тақозо этади. Шунинг учун ҳам юксак ақлий камолотга эришган, етук мутахассис кадрлар тайёрлаш, танлаш ва улардан тўғри, ўз

**ўрнида билиб фойдаланиш ҳар қандай давлатнинг ютуғини таъминловчи, ривожига ривож қўшувчи бош омил ҳисобланади».**

Бинобарин, Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш сиёсати Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг таркибий қисми бўлиб, давлат сиёсати даражасига кўтарилган бир шароитда унинг амалда бажарилишига ўзини Ўзбекистон фуқаросиман, деб билган ҳар бир шахс ўз ҳиссасини қўшиши шарт. Чунки янги авлод кадрларини тайёрлаш сиёсатини амалга ошириш натижасида таълим тизими билан бир қаторда барча соҳаларни ислоҳ қилиш мамлакатда меҳнат бозорининг алоҳида ўзига хос хусусиятлари ва талабларидан келиб чиқмоқда. Шундай экан, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури янги жамият барпо этишимизнинг асосий омили сифатида барчамиз бирлашишимиз ва уни амалга оширишимиз шарт эканини тақозо этмоқда.

### **Таянч сўз ва иборалар**

*Олий Мажлис палаталари, ёшларга доир давлат сиёсати, қатъият, устувор вазифа, замон талаби, мустақил фикр, юксак интеллектуал-маънавий салоҳият, дунё миқёсидаги имконият, кенг кўламли ислоҳотлар, тизим, кадрлар масаласи, таълим-тарбия, жамият тараққиёти, маънавий-маърифий ислоҳотлар, хусусийлик, шахсийлик, концепция, андоза, миллий дастур, ўзликни англаш, анъаналар, тарбия воситаси, ҳушёрлик, хавфсизликка таҳдид.*

### **Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар**

1. Таълим-тарбиянинг мазмуни деганда нимани тушунасиз?
2. Таълим ва тарбия уйғунлиги нима?
3. «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг асосий вазифаси нимадан иборат деб ўйлайсиз?
4. Ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг жамият тараққиётидаги аҳамияти?

5. Тарбия борасидаги қандай миллий, маданий-тарихий анъаналари, урф-одатларни биласиз?

6. «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида маънавий-маърифий ишларга қандай ўрин берилган?»

7. Меҳнат ва инсон қадри нима?

### Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012.

2. Ўзбекистон Республикасининг Таълим тўғрисидаги Қонуни. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997, 11–12-сон.

3. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон.

4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон 2016. – 56 б.

5. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик коидаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.

6. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 48 б.

7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан қураамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.

8. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001.

9. Каримов И. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996.

10. Каримов И. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000.

11. Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2011.

12. Каримов И.А. Ўзбекистон Мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011.

13. Миллий ғоя ва маънавият тарғиботи самарадорлигини ошириш концепцияси. – Тошкент: Сано-стандарт, 2014.

14. Маънавият тарғиботчиси. – Тошкент: Turon zamin ziyo, 2016.

15. Қуронов М. Миллий тарбия. Монография. – Тошкент: Маънавият, 2007.

16. Қуронов М. Миллий ғоя ва тарғибот тамойиллари. – Тошкент: Маънавият, 2015.

17. Фидойинг бўлгаймиз сенинг, Ўзбекистон. – Тошкент: Paradigma, 2017.

18. Тўраев Ш.Н. Жамият тараққиёти ва миллий ғоя (Рисола). – Тошкент: Академия, 2008.

19. Тўраев Ш.Н. Маънавий таҳдидлар: фалсафий таҳлил (Рисола). – Тошкент: Мухаррир, 2010.

20. Тўраев Ш.Н. Миллий ғоя ва ижтимоий тараққиёт. – Тошкент: Тафаккур, 2011.

21. Тўраев Ш.Н. Ўзбекистонда демократик жамият ривожига иқтисодий ва маънавий омиллар уйғунлиги (Монография). – Тошкент: Ўзбекистон, 2011.

22. Тўраев Ш.Н. Миллий ғоя тарихи ва назарияси (Ўқув-услубий қўлланма). – Тошкент: Сано-стандарт, 2016.

23. Тўраев Ш.Н. Ўзбекистонда маънавий-маърифий сиёсатининг тадрижий ривожланишида ижтимоий адолат масаласи (Ўқув-услубий қўлланма). – Тошкент: Kamalak, 2016.

## 6-МАВЗУ: РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА ФАОЛИЯТИ

### Режа

1. *Ўзбекистонда амалга оширилган маънавий-маърифий ислохотларнинг моҳияти.*

2. *Маънавият ва маърифат Кенгаши, унинг тузилиши, мақсади ва вазифалари.*

3. *Маънавий-маърифий ишларга доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улардан келиб чиқувчи вазифалар.*

Мустақиллик йиллари республикамызда миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самардорлигини оширишга қаратилган қатор қонуности ҳужжатлари қабул қилинди.

Ўтган йиллар мобайнида олиб борилган ишлар маънавий-маърифий соҳада кенгроқ жабҳада иш олиб бориш лозимлигини кўрсатди. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 3 сентябрда “Республика Маънавият ва маърифат Кенгашини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди.<sup>13</sup> Бундан мақсад тор доирада фаолият олиб борадиган Марказнинг бутун жамиятимизда барча соҳаларни қамраб олган ҳолда, кенг фаолият олиб бориши учун ташкил этилган жамиятлар, жамғармалар, вазирликлар каби қатор давлат ва нодавлат ташкилотлар томонидан Республика Маънавият ва маърифат кенгашини таъсис этганликлари қўллаб-қувватланди.

Шунингдек, маънавият соҳасида кенг миқёсда иш олиб бориш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳар ва туманларда Маънавият ва маърифат кенгашлари ташкил этилганини инобатга олиш кўрсатилди.

Шу маънода, Республика Маънавият ва маърифат маркази Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши

---

<sup>13</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz). Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999, 9-сон, 242-модда.

қарорларини жойларда амалга ошириш ва тарғибот-ташвиқот тадбирларини уюштирувчи ташкилий гуруҳга айлантирилди.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳақиқатан ҳам юртимиз аҳолиси ўртасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Халқаро майдонда мафкуравий, ғоявий ва инфор-мацион курашлар йилдан-йилга кучайиб бориши, таҳликали вазиятларнинг кундан-кун ортиб бориши маънавий-маърифий ишларни янада такомиллашти-риш заруратини кўрсатди.

2006 йил 25 августда Ўзбекистон Республикаси Пре-зидентининг “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маъ-рифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Қарори эълон қилинди.

Мазкур тарихий ҳужжатлар асосида мамлакат аҳолиси онгу тафаккурини янгилаш, фуқароларимиз қалбида она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини камол топтиришга қаратилган кўплаб саъй-ҳаракатлар амалга оширилдики, буларнинг барчаси юртимизда ўтказилган тарихий ислохотларнинг самарали кечиши ва юксак натижалар беришида муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Бироқ ғоявий ва мафкуравий зиддиятлар кўлами куча-йиб, ғоявий кураш усуллари ва воситалари мукаммал-лашиб бораётган бугунги мураккаб давр маънавий ва маърифий ишларни ҳуқуқий, илмий ва амалий асосда тизимли ташкил этишни, маънавий тарғиботнинг усул ва воситаларини замон талабларига мувофиқ такомиллаш-тиришни тақозо қилмоқда. Бинобарин, ёшларимизни ҳар қандай мафкуравий таҳдидларга қарши тура олувчи ва иродали қилиб тарбиялаш, юртдошларимизда фуқаровий масъулият, фуқаровий фаоллик фазилатларини ривож-лантириш, пировардида, халқимизнинг маънавий ҳаёти соғломлигига жавобгарлик, мамлакатимизда қарор топ-ган тинчлик ва осойишталик муҳитини кўз қорачиғидек асрашга дахлдорлик ҳиссини янада ошириш, миллий



манфаатларимизга хавф туғдириш эҳтимоли бўлган ҳар қандай ғоявий ва мафкуравий ички ва ташқи таҳдидларга қарши изчил ҳамда самарали кураш олиб бориш вазифаси бу йўналишда алоҳида қонун ҳужжати қабул қилишни тақозо этмоқда.

Шу муносабат билан Маънавий-маърифий қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш таклиф этилди. Унда, жумладан, қуйидаги масалалар назарда тутилиши белгиланган:

– жамиятнинг маънавий-маърифий, мафкуравий ҳаёти тўғри ташкил этилишини шакллантириш;

– жамоат, нодавлат нотижорат ташкилотларининг жамият маънавий-маърифий ҳаёти ривожига кўмаклашувини ташкил этиш;

– мазкур жараёнда давлат ва нодавлат ОАВлари зиммасига юкланадиган масъулият ва вазифалар;

– юридик ва жисмоний шахсларнинг жамият маънавий-маърифий, мафкуравий ҳаёти соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликлари, бурч ва масъулиятлари;

– жамият маънавий-маърифий, мафкуравий ҳаёти соғломлиги, барқарорлигига раҳна солишга қаратилган хатти-ҳаракатларга қарши кураш билан боғлиқ чоратадбирлар, дастурлар ишлаб чиқиш каби вазифалар кўзда тутилган.

Шу нуқтаи назардан 2017 йил 28 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги ПҚ-3160-сон Қарори<sup>14</sup> қабул қилинди.

Шуни таъкидлаш лозимки, мазкур Қарор бўйича Кенгаш барча соҳаларни қамраб олган ҳолда иш олиб бориши учун етарлича имкониятлар қарорда ўз аксини топган ва бугунги кунда жамият маънавий-маърифий ҳаётида самарали фаолият олиб бормоқда. Жумладан:

– дунёнинг доимий равишда ўзгариб бораётган маф-

---

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлда қабул қилинган «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги Қарори. «Халқ сўзи» газетаси, 2017 йил 28 июль.

куравий қиёфасини эътиборга олган ҳолда, мураккаб мафкуравий жараёнлар моҳиятини илмий жиҳатдан чуқур ўрганиб бориш, миллий манфаатларимизга хавф солиш эҳтимоли бўлган ғоявий ва мафкуравий таҳдидларни аниқлаш ва уларнинг табиатини, илдизларини чуқур таҳлил этиш ва баҳолаб бориш;

– мамлакатимиз ичкарасида юртдошларимизнинг онгу шуурига, ёшларимизнинг дунёқарашига хавф солувчи турли иллатлар, зарарли ғоялар, мафкуравий хавф-хатарлар туғилишини олдини олиш ва бартараф этиш билан боғлиқ илмий ва таҳлилий фаолият юритиш;

– халқимизнинг миллий тафаккури, асрий анъаналари, миллий қадриятларига таҳдид туғдирувчи ташқи ва ички мафкуравий хуружларга қарши самарали кураш олиб бориш бўйича илмий-амалий тарғибот дастурларини ишлаб чиқиш;

– мамлакатимизда олиб борилаётган халқ фаровонлиги, юрт тинчлиги, миллатлараро тотувлик, инсон манфаатлари устуворлиги, келажакка ишонч руҳига асосланган ислохотлар мазмун-моҳиятидан халқимизни кенг хабардор қилиш, уларни ёшларимизнинг онгу шуурига сингдириш борасида маънавий-маърифий тарғиботнинг замонавий усул ва воситалари, механизмларининг илмий асосларини белгилаб бериш;

– мамлакат ташқарисида ва ичкарасида ёш авлод маънавиятига таъсир ўтказувчи омиллар (миллий ва хорижий теле ва радиоканаллар, матбуот нашрлари, китоблар, миллий ва хорижий кинофильмлар, аудио ва видео маҳсулотлар, интернетдаги ижтимоий тармоқлар)ни аниқлаш, уларни кузатиб ва таҳлил этиб бориш, таҳлил натижалари юзасидан белгиланган муддатда Республика кенгашига маълумот киритиш;

– мактабгача таълим, халқ таълими, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим тизимида ёшларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш ва маънавий онгини юксалтириш мақсадида миллий ғоя асослари туркумидаги фанларни ўқитиш самарадорлигини таъминлаш, дарс-

ликлар, ўқув қўлланмаларини яратишга кўмаклашиш, ўқитиш жараёнининг самарадорлигини мониторинг қилиб бориш;

– фуқаролик жамияти институтларининг юртдошларимиз қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустақкамлаш, уларнинг онгли яшашга, турли маънавий тажовузларга қарши собит тура олишга қодир бўлган, иродали, фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашга йўналтирилган фаолиятига кўмаклашиш, шу йўналишда зарур қўлланмалар, адабиётлар тайёрлаш;

– Марказ фаолияти ва у томонидан олиб борилаётган ишларни кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида оммавий ахборот воситаларида доимий иштирок этиш;

– замон талабларига мос ҳолда аҳоли орасида маънавий-маърифий фаолият олиб боришнинг ташкилий механизмларини жорий этиш ва шу асосда тизимли тарғибот ишларини йўлга қўйиш;

– республикамизнинг вилоят, шаҳар, туман, овул ва қишлоқларида аҳолининг кенг қатламлари, авваламбор, ёшлар ўртасида Ватанга муҳаббат ва садоқат, ватанпарварлик фазилатларини узлуксиз тарбиялашга йўналтирилган тизимли фаолиятни йўлга қўйиш;

– Марказ вилоят, шаҳар, туман бўлимлари томонидан маънавий-маърифий ишлар самарали олиб борилиши мақсадида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчилари, таълим муассасаларининг соҳага масъул шахслари билан ҳамкорликда ишлаш механизмини такомиллаштириш ва шу орқали ҳар бир оила, ҳар бир шахс маънавий дунёсига кириб боришга эришиш;

– мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг кўламли ислохотларнинг моҳияти, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг аҳамиятини атрофлича шарҳлаш ва тушунтириш ишларида фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни

мустаҳкамлаш;

– халқаро ҳаётда юз бераётган муҳим воқеа-ҳодисалар, ён-атрофимизда кечаётган жараёнлар моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, одамларнинг фаол мушоҳада юритувчи ва теран идрок этувчи, маънан етук, сиёсий жиҳатдан фаол фуқароларга айланишига имкон яратиш;

– Ўзбекистон ташқи ва ички сиёсатда эришаётган ютуқларнинг бугун ва келажак учун аҳамиятини англаши орқали миллий ифтихор туйғусини кучайтириш;

– жамиятда диний мутаассиблик ва ақидапарастлик, юрт тинчлиги, осойишталигига раҳна соладиган, ватандошларимизнинг имон-этиқодига путур етказадиган ҳар қандай ғоя ва тушунчага нисбатан аёвсиз курашчанлик муҳитини яратиш;

– фикрлар ранг-баранглиги, кўппартиявий жамият тақомилига эришиш мақсадида ижтимоий фикрлар ва ташаббусларини оммалаштиришга ёрдам бериш;

– халқнинг тарихий анъаналари, хусусиятлари, миллий онг ва турмуш тарзининг ҳаётий тамойилларига асосланган ҳолда демократик жараёнларни чуқурлаштириш, жамоатчиликнинг таъсир кучини жамият ахлоқий-маънавий ҳаётининг мезонига айлантириш;

– глобаллашув жараёнларини эътиборга олган ҳолда, Марказ фаолиятига энг замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги кўмагида Интернетда ва ундаги ижтимоий тармоқлардаги мафкуравий хавф-хатарларни аниқлаш ва мониторинг қилиб бориш, виртуал тизимларда миллий манфаатларимизни ҳимоя ва тарғиб қилиш мақсадида ҳар жиҳатдан профессионал блоггерлар гуруҳини шакллантириш;

– мамлакатимизда қабул қилинган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегия-

сида, энг аввало, давлат бошқаруви органларининг қўйи бўғинлари фаолиятини тубдан яхшилаш, уларнинг халқ билан мулоқот қилишини таъминлаш, бу борада самарали ижтимоий ҳамкорлик механизмини мустаҳкамлаш устувор вазифа сифатида белгилаб қўйилган.

Ана шу мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда, маънавий-маърифий тарғибот ишларининг мазмун-мундарижасини тубдан яхшилаш, уларнинг кўлами ва миқёсини кенгайтириш ишлари йўлга қўйилди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Кенгаш ўз фаолияти доирасида ёшларимизнинг соғлом маънавий муҳитда камол топишлари учун, халқимизнинг маънавий ҳаётида туб ўзгаришлар бўлиши, жумладан, Юрт, Ватан равнақи учун фидойи инсонлар бўлишлари йўлида катта ишларни амалга оширмақда ва бундан кейин ҳам худди шундай давом этаверади.

### **Таянч сўз ва иборалар**

*Маънавият ва маърифат кенгаши, ғоя ва мафкуралар, халқаро терроризм, ақидапарастлик, маънавият кунлари, миллий ғоя, мафкура, фуқаролик жамияти институтлари, миллий тафаккур, соғлом дунёқараш, онгли яшаш, маънавий тажовуз, иродали, фидойи, ватанпарвар, кенг жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари, замон талаблари, маънавий-маърифий фаолият, тизимли тарғибот, вилоят, шаҳар, туман, овул, қишлоқ, аҳоли, Ватанга муҳаббат, садоқат, ватанпарварлик, фазилат, тарихий анъаналар, демократик жараёнлар, жамоатчиликнинг таъсир кучи, жамиятнинг ахлоқий-маънавий ҳаёти.*

### **Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика Маънавият ва маърифат Кенгашини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармонида қандай вазифалар қўйилган?

2. Республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази нима мақсадда ва қачон тузилган?

3. 2017 йил 28 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги ПҚ-3160-сон Қароридан келиб чиқадиган асосий вазифалар нималардан иборат?

4. “Юртдошларимиз қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш” деганда нимани тушунасиз?

5. Марказ фаолияти ва у томонидан олиб борилаётган ишларни кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида оммавий ахборот воситалари доимий иштирок этиш.

6. Замон талабларига мос ҳолда аҳоли орасида маънавий-маърифий фаолият олиб боришнинг ташкилий механизмларини биласизми?

7. Республикамиз ҳудудларида аҳолининг кенг қатламлари, авваламбор, ёшлар ўртасида Ватанга муҳаббат ва садоқат, ватанпарварлик фазилатларини узлуксиз тарбиялашга йўналтирилган қандай тадбирлар ўтказилмоқда?

### Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика Маънавият ва маърифат кенгашини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги 1999 йил 3 сентябрдаги Фармони. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999, 9-сон.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августда қабул қилинган «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори. «Халқ сўзи» газетаси, 2006 йил 26 август.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида” 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон Қарори. ЎЗА, 28.07.2017.

4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон 2016. – 56 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – 104 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 48 б.
7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан қураамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.
8. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001.
9. Каримов И. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996.
10. Каримов И. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000.
11. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2011.
12. Каримов И.А. Ўзбекистон Мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011.
13. Миллий ғоя ва маънавият тарғиботи самарадорлигини ошириш концепцияси. – Тошкент: Сано-стандарт, 2014.
14. Маънавият тарғиботчиси. – Тошкент: Муҳаррир, 2016.
15. Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан. – Тошкент: Ўқитувчи, 2011.
16. Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан. – Тошкент: Маънавият, 2012.
17. Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан. – Тошкент: Маънавият, 2013.
18. Ягонасан, муқаддас ватаним, севги садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним. – Тошкент: Маънавият, 2014.

19. Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним. – Тошкент: Маънавият, 2015.

20. Фидойинг бўлгаймиз сенинг, Ўзбекистон. – Тошкент: Paradigma, 2017.

21. Тўраев Ш.Н. Ўзбекистонда демократик жамият ривожда иқтисодий ва маънавий омиллар уйғунлиги (Монография). – Тошкент: Ўзбекистон, 2011.

22. Тўраев Ш.Н. Миллий истиқлол ғояси: халқ фаровонлиги (Рисола). – Тошкент: Turon zamin ziyo, 2016.

23. Тўраев Ш.Н. Миллий ғоя тарихи ва назарияси (Ўқув-услубий қўлланма). – Тошкент: Сано-стандарт, 2016.

24. Тўраев Ш.Н. Ўзбекистонда маънавий-маърифий сиёсатининг тадрижий ривожланишида ижтимоий адолат масаласи (Ўқув-услубий қўлланма). – Тошкент: Kamalak, 2016.

## **7-МАВЗУ: ҲОЗИРГИ БОСҚИЧДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР ВА УНГА ҚЎЙИЛАЁТГАН ТАЛАБЛАР**

### **Режа**

**1. Ҳозирги даврдаги маънавий-маърифий ишларнинг аҳволи.**

**2. Маънавий-маърифий ишларга қўйилаётган талаблар.**

**3. Бугунги кунда маънавий-мафкуравий таҳдидларга қарши кураш вазифалари.**

*Кун тартибига қўйилган масала, яъни ижтимоий-маънавий соҳани янада ривожлантириш, оилаларимиз, маҳаллаларимизда, бутун жамиятимизда соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, ёшлар тарбияси, тинч-осуда ҳаётимизни, муқаддас динимиз поклигини асраш вазифаси бугунги кунда қандай улкан аҳамият касб этаётгани ҳақида, ўйлайманки, ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ. Нега деганда, айнан шу масалалар бизнинг бугунги ва эртанги кунимизни, фарзандларимиз, набираларимиз тақдири ва келажакини, бир сўз билан айтганда, ҳаёт-мамотимизни ҳал қилиши ҳеч кимга сир эмас.*

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**



Бугун дунёнинг турли худудларида кечаётган таҳликали воқеалар барчани хавотирга солаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримов 1997 йилда чоп этган “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида” асаридаги: “Бундан буён ҳам ташвишли ҳодисалар бизни четлаб ўз йўлидан ривожланаверади, барқарорлик ўз-ўзича сақланаверади, мамлакатнинг келажаги эса ўз-ўзидан таъминланган, дея фикр юритиш ҳам сиёсий, ҳам фуқаровий калтабинликдан бошқа нарса эмас”, деган огоҳлантириши нақадар тўғри эканини қайта-қайта тасдиқламоқда.

Айни шу муҳим ҳаётий ҳақиқатга беписанд қараган, мамлакати ва халқи хавфсизлиги муаммоларини ўз вақтида, оқилона ҳал этишни пайсалга солган қатор давлатлар бошига тушган ғоят ташвишли, қонли воқеа-ҳодисалар маънавий-маърифий ишларга устувор вазифа сифатида қараш лозимлигини кўрсатмоқда. Бинобарин, XX аср охиридан эътиборан ижтимоий-сиёсий жиҳатдан икки қутбли дунё ўрнига кўп қутбли дунёнинг юзага келиши умуминсоний муаммолар сони ва кўламини қисқартиргани йўқ. Аксинча, Ер юзи бойликларига эгаллик қилиш, бунинг учун эса инсоният қалби ва онгини бошқаришга бўлган уришишлар йил сайин эмас, кун сайин кескинлашмоқда, тобора хатарлироқ тус оляпти.

Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб жамият ҳаётининг барча соҳалари қатори маънавий-маърифий соҳани қайта ташкил этиш, халқимизнинг бой тарихий мероси, инсоният тамаддунига қўшган бебаҳо ҳиссаси, аждодларимиз ақлу закоти билан бунёд этилган минглаб обидаларга қайта ҳаёт бахш этиш борасида мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилди. Мамлакат ва миллатнинг, тарихий хотира ва ғурурнинг қадди тикланди, дунё афкор оммаси ўзбек халқини, унинг дунё цивилизациясида тутган ўрнини бир овоздан эътироф этди. Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда онгу тафаккури ҳар турли догма ва қолиплардан холи, мутлақо

янгича, эркин ва мустақил фикрлайдиган авлод шаклланди. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримов ибораси билан айтганда: "...балки биз иқтисодий жиҳатдан жаҳоннинг етакчи давлатларидан биров орқароқдадирмиз, бироқ маънавий жиҳатдан кўплаб халқлардан илгарилаб кетганмиз".

Барқарор ва фаровон турмушимизга хавф соладиган турли хил мафкуравий ҳаракатларга қарши изчил кураш олиб бориш Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг доимий диққат марказида бўлмоқда. Кенгашнинг бевосита раҳбарлигида амалий фаолият олиб борадиган Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази жамиятимизни миллий ғоя атрофида бирлаштириш ва аҳоли ўртасида ўтказилаётган тарғибот-ташвиқот тадбирларини сифат жиҳатдан юқори даражага кўтариш борасида муайян саъй-ҳаракатларни амалга ошириб келди.

Бироқ ҳар бир кун, ҳар бир соат ўзининг янгиликлари, янги муаммо ва ташвишлари билан келмоқда. Мафкуравий глобаллашув шароитида инсоният онги ва тафаккурига мафкуравий таъсир кўрсатиш шакллари ва мазмуни ўзгарди. Одамлар, хусусан, ёшлар онги ва қалбида вайронкор туйғуларни уйғотиш, эгоцентризм, диний экстремизм, терроризм, космополитизм, "маънавий эмиграция" (бахтни ўз ватанидан эмас, ўзга жойлардан қидириш), фашизм, миллатчилик сингари иллатларни рағбатлантиришга бўлган ҳаракатлар авж олмоқда.

Мана шундай шароитда юртимиздаги маънавий-маърифий ва мафкуравий ишларни глобал миқёсда мафкуравий, ғоявий ва ахборот курашлари кучайиб бораётган замон талаблари асосида ташкил этиш тобора долзарблик касб этяпти. Зеро, мустақилликни асраб-авайлаш, истиқлол йиллари эришилган муваффақият ва марраларни сақлаш ва янада ривожлантириш, юртимиздаги барқарор тинчлик ҳамда осойишталикни муҳофаза

этиш – бугунги ва келажак кунларнинг энг муҳим, долзарб вазифасидир.

Тез суръатларда ўзгариб бораётган замон, Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, жаҳолатга қарши маърифат билан фидойиларча кураша оладиган жонкуяр тарғиботчиларни бу муҳим жабҳага сафарбар этишни тақозо этади. Қолаверса, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-мафкуравий жиҳатдан тобора глобаллашаётган дунёда воқеалар ривожидан бир қадам олдинда юриш, ижтимоий-сиёсий ҳодисаларнинг ўзгариш тамойилларини илмий башорат қилиб бориш ва шу асосда маънавий-маърифий, мафкуравий соҳа ишларини ташкил этиш ҳар қачонгидан долзарб вазифага айланмоқда.

Ўзбекистоннинг миллий стратегияси – дунёдаги энг ривожланган демократик давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаш мақсадини амалга оширишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, бунда мамлакатимизнинг қисқа тарихий давр мобайнида барча соҳаларда эришган ютуқларини таҳлил ва талқин этишда “Ким эдигу, ким бўлдик? Энди қандай марралар сари интиламиз?” деган муҳим мезондан келиб чиқиш талаб этилади.

Шу маънода қуйидагилар бугунги кунда долзарб вазифа сифатида маънавий-маърифий ва мафкуравий тарғибот йўналишида олиб боришимиз лозим бўлган асосий вазифалари сирасига киради:

– замон талабларига мос ҳолда аҳоли орасида маънавий тарғиботнинг ташкилий механизмларини жорий этиш ва шу асосда тарғибот ишларини йўлга қўйиш;

– республикамизнинг вилоят, шаҳар, туман, овул ва қишлоқларида аҳоли қатламлари, авваламбор, ёшлар ўртасида юксак маънавий фазилатларни шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган кенг кўламли комплекс тадбирларни ўтказиш;

– вилоят, шаҳар, туман бўлимлари томонидан маънавий-маърифий ишлар самарали олиб борилиши мақсадида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тар-

бия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчилари, таълим муассасаларининг соҳага масъул раҳбарлари билан ҳамкорликда ишлаш механизмини такомиллаштириш ва шу орқали ҳар бир оиллага кириб боришга эришиш;

– мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг қўламли ислоҳотларнинг моҳияти, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг аҳамиятини атрофлича шарҳлаш ва тушунтириш ишларида фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш;

– маънавий тарғибот ишларини янада ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг амалий кўмагида ривожланган хорижий мамлакатларнинг мафкуравий тарғибот борасидаги тажрибасини ўрганишни йўлга қўйиш, чет элларга ижодий сафарларни ташкил этиш;

– глобаллашув жараёнларини эътиборга олган ҳолда, Республика Маънавият ва маърифат маркази фаолиятига энг замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги кўмагида интернетда ва ундаги ижтимоий тармоқлардаги мафкуравий хавф-хатарларни аниқлаш ва мониторинг қилиб бориш, виртуал тизимларда миллий манфаатларимизни ҳимоя ва тарғиб қилиш мақсадида ҳар жиҳатдан профессионал блоггерлар гуруҳини шакллантириш;

– Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва хорижий давлатлардаги элчихоналаримизнинг амалий кўмагида юртимизнинг қадимий анъаналари, тарихий обидалари, муқаддас қадамжолари, аждодларимизнинг ўлмас маънавий меросини, шунингдек, мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталик, фаровонлик омилларини, ривожланиш тамойилларини тарғиб этиш мақсадида чет элларда маънавий-маърифий ва маданий

тадбирлар ташкил этиш, халқаро кўрғазмалар ва фести-  
валларда иштирок этиш;

– Марказ қошида халқимизнинг бой маънавий, мада-  
ний меросини республикамиз ва хорижда тарғиб қилиш  
учун илмий, фото, аудио, видео студиялар ташкил этиш;

– аҳолининг уюшмаган қисмини маънавий-маъри-  
фий жараёнларга фаол жалб этишнинг ноанъанавий  
усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.

**Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини  
оширишнинг долзарб йўналишлари.** Аҳоли ўртасида  
олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишларининг анъа-  
навий усуллари муайян натижалар бераётганини инкор  
этмаган ҳолда тан олиб айтиш керакки, ўтказилаётган  
тадбирлар, йиғилишлар ва улар юзасидан тайёрлан-  
ган ҳисоботлар ҳар қанча маҳобатли бўлмасин, бугунги  
кун мезонлари, замондошимиз, айниқса, ёшлар онги  
ва қалби талаб-истакларига тўла жавоб бермайди. Зеро,  
мустақиллик йиллари фуқаролар, жумладан, ёшлар-  
нинг дунёқараши тубдан ўзгарди. Мазкур ўзгаришлар  
маънавий-маърифий соҳанинг барча жабҳаларида иш  
усул-услугларини, унинг сифати ва кўламини жиддий  
қайта кўриб чиқишни талаб қилади. Шунга мувофиқ,  
маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оши-  
ришнинг қуйидаги энг муҳим янги йўналишлари так-  
лиф этилади:

– мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта мах-  
сус, касб-ҳунар таълими, олий таълим муассасаларидаги  
маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш;

– мазкур таълим муассасаларининг йиллик харажат-  
лари рўйхатида маънавий-маърифий тадбирларни таш-  
кил этишнинг молиявий манбаларини аниқ белгилаш;

– таълим-тарбия муассасаларини маънавий-маъри-  
фий адабиётлар, тарғибот материаллари, мультимедиа  
маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлаш;

– маънавий-маърифий ишларга масъул раҳбар  
ва ходимларнинг моддий ва маънавий мавқеини  
мустаҳкамлаш;

– олий таълим муассасалари маънавий-маърифий ишлар бўйича проректорларини масъулиятини ошириш;

– олий таълим муассасаларидаги “Маънавият ва маърифат” бўлимларининг Низомини такомиллаштириш ва унинг асосида самарали ишлашни йўлга қўйиш.

– марказий ва ҳудудий давлат ҳамда нодавлат оммавий ахборот воситалари раҳбарлари, масъул ходимларининг маънавий-мафкуравий билим даражаси, сиёсий саводхонлигига алоҳида эътибор қаратиш.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, бугунги кунда маънавият, маърифат, мафкура ва миллий ғоя билан боғлиқ ишларни тўғри йўлга қўйиш, улар тарғиботини тизимли ташкил қилиш лозим. Унга иккинчи даражали масала сифатида қараш жамият тараққиётига эътиборсизликдан бошқа нарса эмас.

Бинобарин, улар юрт равнақи, Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлиги учун хизмат қилувчи тушунчалардир. Шундай экан, маънавий-маърифий ишларни кучайтириш, уларга устувор вазифа сифатида қараш ва уни ташкил этиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан биридир.

### **Таянч сўз ва иборалар**

*Мустақиллик, жамият ҳаёти, маънавий-маърифий соҳа, бой тарихий мерос, инсоният тамаддуни, аж-додлар ақлу зақоси, тарихий хотира, ғурур, дунё аф-кор оммаси, ўзбек халқи, дунё цивилизацияси, фаровон турмуш, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши, мафкуравий глобаллашув, эгоцентризм, диний экстремизм, терроризм, космополитизм, “маънавий эмиграция”, фашизм, миллатчилик, миллий стратегия, Республика Маънавият ва маърифат маркази, ахборот технологиялари, виртуал тизим, миллий манфаатлар, маданий мерос, инсон манфаати, миллий ўзлик, руҳий ва ахлоқий поклик, эрк ва эътиқод, турмуш тарзи, Ватан туйғуси.*

## Мавзуни мустаҳкамлашга доир саволлар

1. Республикамизда олиб борилаётган маънавий-маърифий ишларга қандай баҳо берасиз?

2. Жойларда маънавий-маърифий ишларнинг аҳволи қандай?

3. Соҳа вакиллари: вилоят, шаҳар, туман бўлимлари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчилари, таълим муассасаларининг соҳага масъул раҳбарлари фаолияти сизни қониқтирадими? Яна нималарга эътибор бериш керак деб ўйлайсиз?

4. Аҳолининг уюлмаган қисмини маънавий-маърифий жараёнларга фаол жалб этишнинг ноанъанавий усуллари ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш бўйича таклифларингиз?

5. Мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг кўламли ислохотларнинг моҳияти?

6. Қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг аҳамияти?

7. Маънавий тарғибот ишларини янада ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш бўйича қандай таклифларингиз бор?

## Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012.

2. 2017 йил 28 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ПҚ-3160-сон Қарори. ЎЗА, 28.07.2017.

3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 56 б.

4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фао-

лиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.

5. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 48 б.

6. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.

7. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001.

8. Каримов И. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996.

9. Каримов И. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000.

10. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2011.

11. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011.

12. Миллий ғоя ва маънавият тарғиботи самарадорлигини ошириш концепцияси. – Тошкент: Сано-стандарт, 2014.

13. Маънавият тарғиботчиси. – Тошкент: Мухаррир, 2016.

14. Қуронов М. Огоҳлик: тарих ва замон сабоқлари. – Тошкент: Маънавият, 2015.

15. Қуронов М. Миллий ғоя ва тарғибот тамойиллари. – Тошкент: Маънавият, 2015.

16. Фидойинг бўлғаймиз сенинг, Ўзбекистон. – Тошкент: Turon zamin ziyo, 2016.

17. Тўраев Ш.Н. Миллий ғоя ва ижтимоий тараққиёт. – Тошкент: Тафаккур, 2011.

18. Тўраев Ш.Н. Миллий ғоя ва маънавият. – Тошкент: Маънавият, 2015.

19. Тўраев Ш.Н. Ўзбекистонда маънавий-маърифий сиёсатининг тадрижий ривожланишида ижтимоий адолат масаласи (Ўқув-услубий қўлланма). – Тошкент: Kamalak, 2016.



# 8-МАВЗУ: МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА МАЪНАВИЯТ, МАЪРИФАТ, МАФКУРА ТУШУНЧАЛАРИНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ

Режа

1. *Маънавиятни англаш.*

2. *“Маънавият”, “маърифат”, “мафкура” тушунчаларининг ўзаро боғлиқлиги.*

3. *Маънавий-маърифий фаолиятни ташкил этиш борасида бажарилиши лозим бўлган вазифалар.*

Маънавиятни англаш (“Юксак маънавият – енгилмас куч” асаридан). Биз, одатда, маънавият ҳақида, унинг маъно-мазмунни, ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти ҳақида кўп гапирамиз. Лекин негадир аксарият ҳолларда кўпчилик маънавият ўзи нима, деган саволга аниқ ва лўнда жавоб беришга қийналади. Мен бундай ҳолатга ўз шахсий тажрибамда кўп бор гувоҳ бўлганман. Масъул раҳбарлик лавозимларига номзодларни танлашда ўтказиладиган суҳбат жараёнида уларнинг профессионал малакасию, билими, ташкилотчилиги, ҳаётий тажрибаси инсоний фазилатлари билан бир қаторда маънавий савиясига ҳам алоҳида эътибор қаратаман. Ва, кўп ҳолларда, маънавият ҳақида бериладиган саволларга ҳар хил, баъзан эса бир-бирига қарама-қарши, қандайдир ноаниқ, саёз жавобларни ҳам эшитишга тўғри келади.

Албатта, «маънавият» тушунчасининг илмий, фалсафий, адабий ёки оддий тилда ифодаланадиган кўплаб таърифларини келтириш мумкин. Умуман, ўзида жуда чуқур ва кенг қамровли маъно-мазмунни мужассам этган бутушунчага ҳар қайси маърифатли инсон ўзининг фалсафий ёндашуви, сиёсий қарашлари ва эътиқоди, онгу тафаккурдан келиб чиққан ҳолда турлича таъриф ва тавсифлар бериши табиий. Шунинг учун ҳам бу масала бўйича илмий адабиётларда, кундалик матбуотда бир-биридан фарқ қиладиган фикр-мулоҳазаларни уч-

ратганда бундан таажжубланмасдан, уларни ҳар қайси муаллифнинг ўзига хос дунёқараши, мушоҳада тарзи ифодаси сифатида қабул қилиш ўринлидир. Шу нуқтаи назардан қараганда, кейинги йилларда бу мавзуда олимларимиз томонидан тайёрланган илмий рисоалар, ўқув қўлланмалари, луғатларда «маънавият» тушунчаси ва унинг асосий тамойилларига ўзига хос таърифлар берилаётганини кузатиш мумкин. Мен бу борадаги фикрларни инкор этмаган ҳолда, «маънавият» тушунчасининг мазмуни фақат «маъни», «маъно» деган сўзлар доирасида чегараланиб қолмайди, деб ўйлайман. Нега деганда, инсонни инсон қиладиган, унинг онги ва руҳияти билан чамбарчас боғланган бу тушунча ҳар қайси одам, жамият, миллат ва халқ ҳаётида ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган алоҳида ўрин тутати.

Шу фикрни мантиқий давом эттириб, **маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир, десак, менимча, тарихимиз ва бугунги ҳаётимизда ҳар томонлама ўз тасдиғини топиб бораётган ҳақиқатни яққол ифода этган бўламыз.**

Менинг назаримда, «маънавият» тушунчаси **жамият ҳаётидаги ғоявий, мафкуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий қарашларни ўзида тўла мужассам этади.** Шунинг учун ҳам бу мавзуда фикр юритганда, мазкур қарашларнинг барчасини умумлаштириб, кенг маънодаги «маънавият» тушунчаси орқали ифода этиш мумкин.<sup>15</sup>

**Маънавият тарғиботи – жамият юксалишининг асосий омили.** Бу ёруғ дунёда инсонни доимий равишда ўйлантириб келаётган нарсалар, жумбоқли ҳодисалар, ечимини кутаётган муаммолар сон-саноксиз. Аммо шуларнинг ичида энг муҳими, қолган барча муаммоларни

---

<sup>15</sup> Қаранг: Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: «Маънавият». 2008. – Б. 18–20.

ҳал этишга туртки бўлиши мумкин бўлган ҳодиса – маънавият ва тарбия масаласи.

“Тарбия” ва “маънавият” тушунчаларини бири-бирдан ажратиб бўлмайди. Улар диалектик алоқада, мантиқан бир мақсаднинг икки етакчи кучи. Том маънодаги инсоний фазилатларга тарбия жараёнисиз эришиб бўлмагани каби, маънавий омилларсиз ҳам уни тасаввур этиш амри маҳол. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда ҳар икки феномен ҳодиса ўзаро алоқадорликда мавжуд. “Биз, – дейди Ислоҳ Каримов, – халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва, албатта, бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, бекиёс аҳамият касб этади. Агар биз бу масалада ҳушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига, ўзибўларчиликка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озиқланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-оқибатда, ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин”.<sup>16</sup>

Шу ўринда маънавий тарбиянинг қуйидаги жиҳатлари, ўзига хос хусусиятларини қайд этиш мақсадга мувофиқ:

– биринчидан, маънавий тарбия инсон фаолиятининг ўзига хос шакли сифатида тарбиянинг миллий жиҳатларига кўпроқ аҳамият беради (Бинобарин, мустамлакачилик ва мустабид тузумлар даврида тарбия тизимида миллийликнинг йўқотилиши аслида фуқароларда миллий ўзликни йўқ қилишдан бошқа нарса эмасди);

– иккинчидан, “маънавий тарбия” деганда кўпроқ суянилиши лозим бўлган ҳолатлардан бири унинг соғлом тафаккур билан уйғун ҳолда тушунилишидир. Соғлом та-

<sup>16</sup> Каримов И. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Тошкент: «Маънавият» 2008. – Б. 4.

факкур инсон маънавиятининг энг муҳим қисмларидан бири ҳисобланади;

– учинчидан, маънавий тарбиянинг энг муҳим хусусиятли жиҳатларидан бири унинг бағрикенглик, миллатлараро муносабатлардаги мўътадиллик тамойиллар билан жиддий уйғунлигидадир. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 130дан ортиқ миллат ва элатлар истиқомат қилаётган бўлса, уларнинг ўзаро муносабатларидаги ҳамжиҳатлик, биродарлик, бир-бирига нисбатан кучли ишонч – буларнинг бари мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий тарбиянинг натижаси ҳисобланади;

– тўртинчидан, Ўзбекистонда ҳозирги кунда олиб борилаётган маънавий тарбиянинг туб негизини ташкил этадиган омиллардан яна бири – унда илғор демократик қоидаларга жиддий эътибор қаратилганлиги билан изоҳланади;

– ва, ниҳоят, маънавий тарбиянинг ўта муҳим аҳамият касб этаётганлигига таъсир кўрсатаётган жиҳатлардан яна бири – унинг ахлоқийлик тамойили билан жиддий уйғунликда эканлигидир. Маънавий тарбиянинг асосини, мағзини инсондаги ахлоқ ташкил этади. Аслида, инсоннинг инсонлиги ҳам унинг ахлоқи билан ўлчанади.

**Маърифат нима?** “Маърифат” сўзи якка ва кўплик маънода ишлатилади. Ўзаги “арафа” – “билиш”, “билим”, “таниш”. Кўплик маънода маориф, таълим жараёнларини англатади. Маърифат “маъруф” сўзи билан алоқадор. “Маъруф” олийҳиммат, яхшилик қилувчи маъноларида қўлланади. Маърифат – инсоннинг билим даражаси ва унга алоқадор бўлган жиҳатларни акс эттирувчи тушунчадир. “Маърифатли” сўзи ишлатилса, демак, у ёки бу инсон билимли, билимдон, ўқимишли, кўп нарса ни мушоҳада қиладиган инсон сифатида гавдаланади. “Маърифатсиз”, деганда эса шу жараёнлардан хабарсиз киши тушунилади.<sup>17</sup> Демак, маърифатли инсон билимлидир. Билим эса инсоннинг фазилатини улуғловчи

---

<sup>17</sup> Қаранг: Имомназаров М. Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари. – Т.: 1996. – Б.8.

хусусиятларидан саналади. Билим олиш, маърифатли бўлиш, турли соҳада маънавий ва моддий ғалаба қилиш учун зарур. Билимсиз, маърифатсиз инсон ҳимоясиз одамдир. Ҳеч бир қурол, ҳеч бир куч инсонни илмчалик ҳимоя қила олмайди.

**Маънавий-маърифий фаолиятни ташкил этишдан кўзланган мақсад.** Мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш асносида маънавий-маърифий фаолиятни ташкил этишдан кўзланган бош мақсад: Ватани, миллатига чексиз садоқатли, ўз миллий қадриятлари, анъаналари, урф-одатларини авайлаб-асрайдиган, доимий равишда бойитиб, ўзининг юксак маънавий-ахлоқий, ғоявий-мафкуравий сифатларини шакллантириб, такомиллаштириб борадиган шахсларни тарбиялашдан иборат.

**Маънавий-маърифий фаолиятни ташкил этиш борасида бажарилиши лозим бўлган вазифалар.** Улар қуйидагилар:

– фуқароларда Ватан ва миллатга чексиз муҳаббат руҳиятини шакллантириш, Ватаннинг муқаддаслиги, у инсоннинг киндик қони тўкилган тупроқ, уни камол топтирадиган, ҳаётига мазмун бахш этадиган табаррук маскан эканлигини тушунтириш;

– кишиларда ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тоғувлик, диний бағрикенглик каби умумбашарий сифатларни ривожлантириш ва кенгайтириш, уларда миллатлараро ҳамжиҳатликка раҳна солувчи иллат тажовузкор миллатчилик ва шовинизм эканлигини тушунтириш;

– Ўзбекистон ривожини учун ташаббускорликни кучайтириш, жамиятда ижодий муҳитни яратиш, ҳар бир ходимда теварак-атрофда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан дахлдорлик ҳиссини уйғотиш, бефарқлик, сансалорлик каби салбий ҳолатларга барҳам бериш;

– кишиларнинг сиёсий маданиятини ошириш, уларнинг давлат ва жамият олдига турган буюк ва муқаддас вазифаларни англаб етиш даражасини ошириш, мамлака-

тимиз сиёсий ҳаётида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни таҳлил қила олиш салоҳиятини шакллантириш;

– жамият аъзоларининг маънавий оламини, дунёқарашини шакллантириш, ижтимоий фаоллигини ошириш, сиёсий-ҳуқуқий билим савиясини кўтариш, дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга баҳо бериш кўникмасини шакллантириш, мафкуравий-ғоявий жараёнларни онгли равишда англаб етишига кўмаклашиш;

– ёшларда “оммавий маданият”нинг мазмун-моҳиятини англаб етишига, мафкуравий иммунитетни ҳосил қилишга ёрдам бериш;

– жамият аъзолари, айниқса, ёшларнинг бўш вақтини самарали ва унумли тарзда ташкил этиш, уларнинг қизиқишларини ўрганиш, иқтидорларни топиш, тарбиялаш.

**Миллий ғоя нима?** “Миллий ғоя деганда, аждодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъзозлаб келинаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун халқнинг қалбида чуқур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаёт талабига айланиб кетган, таъбир жоиз бўлса, ҳар қайси миллатнинг энг эзгу орзу-интилиш ва умид-мақсадларини ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, ўйлайманки, бундай кенг маъноли тушунчанинг мазмун-моҳиятини ифода қилган бўламиз”.<sup>18</sup>

Демак, миллий ғоя ҳар қайси миллатнинг:

*аждодларидан авлодларига ўтиб келаётган;*

*асрлар давомида эъзозлаб келинаётган;*

*ўзини шу юрт, шу миллат вакилиман, деб билган ҳар бир инсон ва бутун халқнинг қалбида чуқур илдиз отган;*

*ҳар бир инсоннинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаёт талабига айланиб кетган энг эзгу орзу-интилиш ва умид-мақсадлари экан.*

**Миллий ғояни тарғиб қилишдан мақсад нима?** Бугун ўзбек халқи озод ва обод Ватанда, эркин ва фаровон ҳаётда кун кечирмоқда. Энди биз олдимизга янги мақсадларни қўймоқдамиз: Ўзбекистонни ривожланган

---

<sup>18</sup> Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият. 2008. – 71-бет.

давлатга айлантириш, юрт тинчлиги ва Ватан равнақини мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини янада ошириш.

Ўзбекистонда туғилиб, униб-ўсиб келаётган ҳар бир ёш авлод онгига ана шу мақсадимизни сингдириб борсак, уларга янги замонавий билимлар бериб, миллий ғоямиз руҳида тарбиялаб, юксак маънавият уруғини қалб қўрига тикиб қўйсак, эртага уни турли маънавий таҳдидлардан асрашимиз керак, деган муаммони ҳал қилган бўламиз. Чунки ёш авлоднинг ўзи нима яхшию нима ёмонлигини, кимга эргашиб, кимдан қочиш кераклигини англаб етади. Мустақил фикр ва қатъий эътиқодга эга бўлади. Қисқаси, оқ ва қорани бир-биридан ўзи ажратиб олади.

**Ғоя нима?** Ғоя – объектив борлиқни, воқелиқни киши онгида акс эттирувчи фикр. Ғоя – кишининг объектив борлиққа, воқелиққа муносабатини ифодаловчи, кишиларнинг дунёқарашлари асосини ташкил этувчи, одамларни мақсад сари етакловчи фикр.

Бадий асарнинг мазмуни, туб моҳиятини белгиловчи фикр ҳам ғоя дейилади. Худди шунингдек, бирор иш-ҳаракат қилиш ҳақидаги фикр, ўй, ният, мақсад ҳам ғоя деб аталади.<sup>19</sup>

Ғоя – инсон тафаккурида вужудга келадиган, ижтимоий характерга эга бўлган, руҳиятга кучли таъсир ўтказиб, жамият ва одамларни ҳаракатга чорлайдиган, мақсад-муддао сари етаклайдиган кучли, теран фикр.

Ғоя – инсон тафаккури маҳсули, миллий ғоя эса миллат тафаккурининг маҳсулидир. Миллий ғоя – инсон ва жамият ҳаётига маъно-мазмун бахш этадиган, уни эзгу мақсад сари етаклайдиган фикрлар мажмуидир.

...Ҳар қандай тушунча, фикр ва қараш ҳам миллий ғоя бўла олмайди. Чунки шахсий фикр ўзига хос бир қарашдир, ижтимоий фикр эса воқелиққа нисбатан ўзгариш ёки ҳаракатни тақозо этадиган фаол муносабатни ифодалайди. Ғоя ана шу муносабатни ҳаракатга, жараёнга, зарурат туғилганда эса, бутун бир давр тари-

---

<sup>19</sup> Ўзбек тилининг изоҳли лугати. Беш жилдлик. 5 жилд. – Т.: ЎЗМЭ. 2008. – Б. 455.

хига айлантиради. Муайян бир ғоя дастлаб бирон-бир шахсинг онгида пайдо бўлади. Аини пайтда у юксак ижтимоий мазмунга эга бўлгани, жамиятнинг тараққиёт йўлидаги эзгу интилишларини акс эттиргани боис умуминсоний ҳаракатга айланади.<sup>20</sup>

### **Ғоявий тарбиядан мақсад нима?**

Биз болаларимизни миллий ўзлик билан қуроллантиришимиз, яъни ғоявий тарбияни кучайтиришимиз лозим.

Ғоявий тарбиянинг вазифалари маҳалла, оилаларда болаларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиқиб:

- миллий ғояларимизни англашни шакллантириш;
- бунёдкор ғояларни қўллаб-қувватлаш кўникмаларини шакллантириш;
- вайронкор ғояларни билиш ва уларга қарши “жаҳолатга қарши маърифат” тамойили асосида муносабат билдиришга ўргатишдан иборат.

Миллий мафкурамиз ҳақида ёшига мос тушунчаларни шакллантириш лозим. Маълумки, бугунги мураккаб шароитда экстремистлар ва қўпоровчилар ёшлар онгини захарлаб, ҳар хил йўлларга бошлаши мумкинлигини барчамиз яхши биламиз. Шу сабабли Ислом Каримов, “Болаларимизнинг онгини ва ҳаётини бузадиган, эртанги кунига мутлақо ишончини йўқотадиган мана шундай ғояларга қарши биз қурол билан эмас, ғоя билан курашишимиз зарур. Бизнинг ғоямиз кучли бўлиши лозим. Авваламбор, ўзимиз, ҳаётнинг ўзида синалган ўз ғоямизга ишониб, майдонга чиқишимиз даркор”,<sup>21</sup> – деб таъкидлайди.

Ана шундай ғояларни ёшларни юрагидан жой оладиган фикрларни айта олишимиз лозим. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов Олий Мажлис сессиясида ҳаётга катта умидлар билан кириб келаётган ёшларга қарата юракларни титратадиган шундай сўзларни

<sup>20</sup> Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – Б. 9.

<sup>21</sup> Каримов И. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва катъий иродамизга боғлиқ. – Тошкент: Ўзбекистон, 2004. – Б. 254.



айтади: Эй болам, сенинг Ватанинг битта – барчамизга азиз, бетакрор мана шу Ўзбекистон. Ота-боболарингнинг хоки шу ерда ётибди. Шу муқаддас замин сени дунёга келтирган, сен уни обод этишинг, ҳимоя қилишинг шарт. Нафақат сенинг ўз ҳаётинг, балки сенга умид кўзини тикиб турган ота-онанг, опа-сингилларинг, ёш гўдақлар, нуроний қарияларимизнинг ҳаёти ҳам ана шу бурчингни нечоғлиқ адо этишингга боғлиқ.

**Мафкура нима?** Мафкура муайян ижтимоий гуруҳ, ижтимоий қатлам, миллат, давлат, халқ ва жамиятнинг эҳтиёжлари, мақсад-муддаолари, манфаатлари, орзу-интилишлари ҳамда уларни амалга ошириш тамойилларини ўзида мужассам этадиган ғоялар тизимидир.<sup>22</sup>

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” китобида қуйидаги фикрларни айтадилар:

**Биз учун ягона мафкура, бу – Ўзбекистоннинг тараққиётидир.**<sup>23</sup>

**Мафкуравий иммунитет нима?** Мафкуравий иммунитет – тартибга солинган, яхлит тизимга айлантрилган билим, тасаввур ва ғоялар мажмуи бўлиб, у шахсни ўзлигини сақлаган ҳолда ҳаётда муносиб ўрин эгаллашга, ёт мафкураларга фаол қарши туришга чорлайди.

**Миллий мафкурамизнинг бош ғояси нима?** Ўзбекистон халқининг миллий тараққиёт йўлидаги бош ғояси – **Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдир.** Бу ғоя халқимизнинг азалий орзу-интилишлари, бунёдкорлик фаолиятининг маъно-мазмунини белгилайди. Ҳар бир инсон учун муқаддас бўлган юксак гуманистик қадриятларни ўзида мужассам этади. Миллий истиқлол мафкурасининг бош ғоясида озодлик

---

<sup>22</sup> Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 4.

<sup>23</sup> Каримов И. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: Ўзбекистон, 2015.

тушунчасининг устувор ва етакчи ўринда туриши Ватан мустақиллиги барча орзу-интилишларимиз, амалий фаолиятимиз ва ёруғ келажагимизнинг асоси эканидан далолат беради.<sup>24</sup>

**Миллий истиқлол мафқурасининг асосий ғоялари.** Миллий истиқлол мафқурасининг асосий ғоялари халқимизнинг мустақил тараққиёт йўлидаги бош ғоясидан келиб чиқади ва ўзининг маъно-моҳияти, фалсафаси, жозибаси билан уни халқимизнинг қалби ва онгига янада чуқурроқ сингдиришга хизмат қилади.

**Ватан равнақи.** Ватан – инсоннинг киндик қони тўкилган тупроқ, уни камол топтирадиган, ҳаётига маъно-мазмун бахш этадиган табаррук маскандир. У – аждодлардан авлодларга қоладиган буюк мерос, энг азиз хотира. Ватан – ота-боболаримизнинг хоки поклари жо бўлган, вақти-соати етиб ҳар биримиз бош қўядиган муқаддас заминдир. Ватани бор одамнинг ғурурифтхори юксак, мақсад-муддаолари аниқ бўлади. Тоғдек таянчи – Ватани борлигини ҳис этган инсон ҳаётнинг ҳар қандай синовларига доимо тайёр туради. Ватаннинг равнақи, аввало, унинг фарзандлари камолига боғлиқ. Бу эса ҳар бир юртдошимизни ўзининг маънавий камолоти учун юксак масъулиятни ҳис этишга, ўз манфаатларини шу юрт, шу халқ манфаатлари билан уйғунлаштириб яшашга даъват этади.

**Юрт тинчлиги** – бебаҳо неъмат, улуғ саодатдир. Башарият ўз тараққиётининг барча босқичларида, аввало, тинчлик-тотувликка интилиб келган. Юрт тинчлиги – барқарор тараққиёт гарови. Ўзбек халқи тинчликни юксак кадрлайди, уни ўз орзу-интилишлари, мақсад-муддаолари рўёбга чиқишининг кафолати, деб билади. Шунинг учун доимо Яратгандан тинчлик ва омонлик тилайди.

**Халқ фаровонлиги.** Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг олий мақсади – халқимизга

---

<sup>24</sup> Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – Б. 11.

муносиб турмуш шароити яратишдан иборат. Яъни ислохот ислохот учун эмас, инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши керак. Жамиятимиздаги ҳар қандай янгиликни, ҳар қандай ўзгариш моҳиятида ана шу эзгу мақсад мужассамдир.

**Комил инсон.** Комил инсон ғояси – ҳам миллий, ҳам умумбашарий моҳиятга эга бўлган, одамзотга хос энг юксак маънавий ва жисмоний баркамолликни мужассам этган, уни ҳамиша эзгуликка ундайдиган олижаноб ғоядир.

Бу ғоя нафақат алоҳида шахсларни, балки бутун-бутун халқларни юксак тараққиёт сари етаклаган, уларни маънавият ва маърифат бобида тенгсиз ютуқларга илҳомлантирган. Комилликни орзу қилмаган, баркамол авлодларни вояга етказиш ҳақида қайғурмаган халқнинг, миллатнинг келажаги йўқ. Бундай халқ ва миллат таназзулга маҳкум.

Комил инсон ғояси азал-азалдан халқимизнинг эзгу орзуси, унинг маънавиятининг узвий бир қисми бўлиб келган. У ислом фалсафасидан озиқланиб, янада кенгроқ маъно-мазмун касб этган. Баркамол инсон ҳақидаги юксак ғоялар Абу Наср Форобий ва Алишер Навоий каби мутафаккирларимизнинг асарларида, айниқса, теран ифода топган.

**Ижтимоий ҳамкорлик.** Инсоният XX асрда амалга ошираётган энг муҳим ғоялардан бири – жамиятдаги турли тоифалар, сиёсий кучлар ва партиялар ўртасидаги ижтимоий ҳамкорликдир. Ижтимоий ҳамкорлик – муроа фалсафаси бўлиб, хилма-хил фикр ва қарашларга эга бўлган, турли миллат, ирқ ва динга мансуб шахс ва гуруҳларнинг умумий мақсад йўлидаги ҳамжиҳатлигини таъминлайди. Натижада жамиятда тинчлик ва тотувликнинг, барқарор тараққиётнинг мустаҳкам кафолати вужудга келади.

**Миллатлараро тотувлик.** Бугунги кунда мамлакатимизда 130дан зиёд миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади. Ҳар бир миллат – Яратганнинг мўъжизасидир.

Бу – оламдаги табиий ранг-баранглик билан жамиятдаги миллий ўзига хослик диалектикасини ифодалайди.

Миллатлараро тотувлик ғояси умумбашарий қадрият бўлиб, турли хил халқлар биргаликда истиқомат қиладиган минтақа ва давлатлар миллий тараққиётини белгилайди, шу жойдаги тинчлик ва барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади.

Бу ғоя бир жамиятда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қиладиган турли миллат ва элатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг маънавий асосидир.

**Динлараро бағрикенглик (толерантлик).** Динлараро бағрикенглик ғояси – хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир Ватанда, олийжаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшабини англатади.

Қадим-қадимдан дин аксарият маънавий қадриятларни ўзида мужассам этиб келади. Миллий қадриятларнинг асрлар оша безавол яшаб келаётгани ҳам диннинг ана шу табиати билан боғлиқ.

Чунки дунёдаги динларнинг барчаси эзгулик ғояларига асосланади, яхшилик, тинчлик, дўстлик каби фазилатларга таянади. Одамларни ҳалоллик ва поклик, меҳр-шафқат ва бағрикенгликка даъват этади.<sup>25</sup>

**Дунёнинг мафкуравий манзараси** – жаҳонда рўй бераётган ғоявий жараёнлар, мавжуд мафкура шакллари, уларнинг моҳияти, мақсадлари ва ўзаро муносабатлари билан боғлиқ ҳолат, хусусият ва фаолиятини яхлит тарзда акс эттирувчи тушунча. Бугунги дунё яхлитликни ташкил этса-да, ундаги минтақа ва давлатлар, миллат ва халқлар тарихий шарт-шароит, жўғрофий жойлашуви, геостратегик ҳолатига кўра турли мавқега эга.

Ҳозирги давр – дунёда ғоявий қарама-қаршиликлар мураккаб тус олган, мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кучлироқ бўлиб бораётган давр. Шун-

---

<sup>25</sup> Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: “Ўзбекистон” 2001. –Б. 51–61.

дай экан, уларнинг ўзига хос манфаатларини ифодалайдиган мафкуравий таъсир усуллари бўлиши шубҳасиз. Жаҳон сиёсий харитасида кўплаб давлатлар мавжуд бўлиб, уларда турли сиёсий кучлар, партиялар, дин ва диний оқимлар, мазҳаблар, гуруҳ ва қатламлар фаолият кўрсатмоқда. Улар ўзаро фарқланадиган, баъзан бир-бирига зид бўлган манфаатларга эга. Айнан мана шу манфаатлар ўзга халклар, турли минтақалар, давлатларнинг аҳолиси ёки ижтимоий гуруҳлар онгига, турмуш тарзига таъсир ўтказиш, уларни бўйсундириш учун йўналтирилган мақсадларни шакллантиради. Бундан кўзланган асосий муддао эса муайян жойдаги кишиларга иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва диний қарашларни сингдириш орқали ўз манфаатларини таъминлашга интилишдир. Бундай таъсир ўтказишнинг тинч йўли кўзланган мақсадга олиб келмаганда, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралashiш, мавжуд вазиятни атайлаб кескинлаштириш, куч ишлатиш йўли билан бўлса ҳам, ижтимоий беқарорликни юзага келтиришга ҳаракат қилинади.

Бугунги дунёнинг мафкуравий манзарасига назар ташланса, аксарият илғор давлатларда умуминсоний кадриятлар ва демократик тамойилларга асосланган мафкуралар амал қилмоқда. Уларда тинчлик ва тараққиёт, инсон ва жамият камолотига хизмат қиладиган умуминсоний ғоялар устувордир. Шу билан бирга, инсон онгида янгича дунёқараш ва тафаккур тарзи шаклланаётган ҳозирги даврда муайян кучларнинг мафкура майдонида ҳукмронлик қилишга, ўз таъсир доирасини кенгайтиришга қаратилган интилиши кучайиб бормоқда. Тажовузкор миллатчилик ва шовинизм, неофашизм ва терроризм, ирқчилик ва экстремизм мафкуралари шулар жумласидандир.

Лекин булар бугунги дунёдаги мафкуравий жараёнларни тўла-тўқис акс эттира олмайди. Чунки глобаллашув шароитида бу жараёнлар янгича тус ва шаклларда намоён бўлиб, ғоявий-мафкуравий таъсир ўтказишнинг

нихоятда ўткир қуролига айланиб бормоқда. Бундай таҳдидларнинг хатарли жиҳати шундаки, Ислом Каримов таъбири билан айтганда, “... агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазйиқ бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазйиқни, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб олиш ниҳоятда қийин”. Шунинг учун дунёнинг мафкуравий манзарасида юз бераётган ўзгаришлар моҳиятини теран англаш, таҳлил этиш ва зарур хулосалар чиқариш муҳим аҳамиятга эга.

**Мафкуравий иммунитет** – шахс-ижтимоий гуруҳ, миллат, жамиятни турли зарарли ғоявий таъсирларидан ҳимоя қилишга хизмат қиладиган ғоявий-назарий қарашлар ва қадриятлар тизими. Иммунитет (лот. *immunitas* – озод бўлиш, қутулиш) тиббий тушунча бўлиб, организмнинг доимий ички муайянлигини сақлаши, ўзини турли таъсирлардан, ташқи инфекциялар кириб келишидан ҳимоя қилишга қодир бўлган реакциялар мажмуи тушунилади. Содда қилиб айтганда, иммунитет – киши организмнинг турли касалликлардан ҳимоя қила олиш қобилиятидир. Биз, аввало, мафкуравий иммунитетни шакллантириб боришимиз зарур. Иккинчидан, у ҳар бир авлод учун ўзига хос хусусиятга эга. Учинчидан, иммунитет тизими шакллангандагина жамиятда мафкуравий дахлсизликни таъминлаш мумкин. Мафкуравий иммунитет тизимининг асосий ва биринчи элементи, бу – билим. Аммо билимларнинг тури кўп. Буюк давлатчилик шовинизми ёки агрессив миллатчилик мафкураси тарафдорлари ҳам муайян “билимларга таянадилар, албатта. Шундай экан, мафкуравий иммунитет тизимидаги билимлар объектив бўлиши, воқеликни тўғри ва тўлиқ акс эттириши, инсон маънавиятини бойитиши ва жамият тараққиётига хизмат қилиши лозим. Улар, ўз моҳият эътиборига кўра, Ватан ва миллат манфаатлари билан узвий боғлиқ бўлмоғи керак.

**Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви** – ғоявий таъсир ўтказиш имкониятларининг кенгайиши оқибатида

Ер юзининг барча минтақаларида мафкуравий кураш умум-башарий миқёс касб этганини ифодаловчи тушунча. Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашувида бир-биридан тубдан фарқ қиладиган икки йўналиш, тенденция намоён бўлмоқда. Биринчидан, инсоният цивилизацияси тарихида эришган ҳар қандай моддий ва маънавий қадриятларнинг умуминсоний жиҳатлари тарихий макон доирасидан чиқиб байналмилаллашиб, универсаллашиб бормоқда. Бошқача айтганда, миллийлик ва умуминсонийлик тамойилларининг интеграциялашув жараёни кечмоқда. Иккинчидан, миллатлар ва давлатларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-маданий ривожланишидаги беқарорлик, улар манфаатларидаги ўзига хосликни мутлақлаштириш инсониятга, шу жумладан, ўз миллатининг келажагига хавф туғдирадиган салбий ҳодисаларнинг мафкуралашган ҳолда глобаллашувига олиб келмоқда.

Хуллас, бугунги дунёнинг турли ҳудудларида кечаётган таҳликали воқеалар инсониятни таназзулга етаклаб бориши, агар ўз вақтида англаб, унга қарши курашилмаса, инсоният тарихида мудҳиш воқеалар содир бўлиши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Шукурки, биз тинч, хотиржам ҳаёт кечирмоқдамиз. Мамлакатимизда халқ фаровонлиги учун ҳамма имкониятлар яратилган. Энг муҳими, юртимизда тинчлик ҳукмрон. Лекин бу бепарволикка берилишимиз мумкин, дегани эмас. Бугун ўзини, ўзлигини англаган ҳар бир инсон огоҳ бўлиши, ҳар қандай таҳдидларга қарши тайёр туриши лозим. Бунинг менга дахли йўқ. Бу мендан анча узоқда, дейишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бинобарин, ана шу тинчликни бузиш учун фурсат пойлаб турганларнинг сон-саноғи йўқ. Агар жим қараб тураверсак, бошимизга шундай ташвишлар ёғдиришадики, уни тўхтатиб ҳам, тўғрилаб ҳам бўлмайди.

Мустақилликка эришилгач, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳалари қатори маънавий-маърифий соҳани қайта ташкил этиш, халқимизнинг бой тарихий мероси, инсоният тамаддунига қўшган бебаҳо ҳиссасини

бутун дунё жамоатчилиги ва миллатдошларимизга англиш, аждодларимиз ақлу закоси билан яратилган ўлмас асарлар, миллий кадриятларимизни тиклаш, бунёд этилган минглаб обидаларга қайта ҳаёт бахш этиш борасида мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилди. Мамлакат ва миллатнинг, тарихий хотираси ва миллий ифтихори тикланди, дунё афкор оммаси ўзбек халқини, унинг дунё цивилизациясида тутган ўрнини бир овоздан эътироф этди. Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда онгу тафаккури ҳар турли догма ва қолиплардан холи, мутлақо янгича, эркин ва мустақил фикрлайдиган авлод шаклланди. Бу авлод шу юрт, шу эл меники, унинг тақдири, истиқболи учун мен ҳам масъулман, деган тушунча билан яшашни ўзининг мустаҳкам ҳаётий аъмолига айлантирмоқда.

Шундай экан, маънавият, мафкура ва миллий ғоя соҳасидаги ишларимизни янада самаралироқ ташкил этишимиз талаб этилади.

### **Таянч сўз ва иборалар**

*Маънавият, маърифат, мафкура, миллий ғоя, озод ва обод Ватан, ёш авлод, юксак маънавият, мустақил фикр, қатъий эътиқод, муносабат, дунёқараш, ўй, ният, мақсад, ғоя, инсон тафаккури, миллат тафаккури, шахсий фикр, ижтимоий фикр, фаол муносабат, жамият тараққиёти, ғоявий тарбия, бунёдкор ғоя, вайронкор ғоя, жаҳолатга қарши маърифат, буюк келажак, мафкуравий иммунитет, Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик.*

### **Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар**

1. Маънавиятга берилган таърифларнинг мазмун-моҳияти нималардан иборат?
2. Маърифатнинг инсон ҳаётидаги роли қандай?
3. Миллий истиқлол мафкурасининг етти асосий ғоясини айтиб беринг.



4. Маънавият ва маърифатнинг давлат ички ҳаётидаги роли қандай?

5. Маънавият ва маърифат янги жамият барпо этишда асосий манбалардан эканлиги.

6. Дунёнинг мафкуравий манзараси?

7. “Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви” деганда нимани тушунасиз?

### Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012.

2. Ўзбекистон Республикасининг Таълим тўғрисидаги Қонуни. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997, 11–12-сон.

3. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997, 9-сон.

4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 56 б.

5. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.

6. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 48 б.

7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.

8. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамоийлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001.

9. Каримов И. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996.

10. Каримов И. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000.

11. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2011.

12. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011.

13. Очилдиев А.С. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси. – Тошкент: Ижод дунёси нашриёт уйи, 2002.

14. Очилдиев А.С. Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар. – Тошкент: Мухаррир, 2009.

15. Миллий ғоя ва маънавият тарғиботи самарадорлигини ошириш концепцияси. – Тошкент: Сано-стандарт, 2014.

16. Маънавият тарғиботчиси. – Тошкент: Мухаррир, 2016.

## **9-МАВЗУ: МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ МОҲИЯТИ ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

### **Режа**

*1. Мустақиллик йилларида маънавий-маърифий ишларнинг йўлга қўйилиши.*

*2. Тафаккур ўзгаришининг маънавият ва маърифат билан чамбарчас боғлиқлиги.*

*3. Ўзбекистонда маънавий-маърифий тарғибот тизимининг фаолияти.*

Мустақиллик йилларида юртимизда аҳоли, айниқса, ёшлар орасида тегишли тарғибот ишларини олиб бориш мақсадида ёт ғоя ва турли хуружларнинг асл моҳияти, тарихи, замонавий кўринишлари, ғоявий-ақидавий асосларини таҳлил қилиш каби устувор масалаларга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ўтган йиллар давомида мамлакатимизда маънавий-маърифий ишлар тизими яратилди. Уни кенг тарғиб қилиш мақсадида Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг ташкил этилиши бир қатор ижобий ўзгаришларга, халқимизда юксак маънавий фазилатларнинг янада ортишига туртки бўлди.

Инсоният тарихий тараққиётининг цивилизациялашган даври бирон-бир жамиятнинг маънавият ва маърифатсиз, эзгу ғоялар ва мафкурасиз ривожлана олмаслигини тасдиқлаб келмоқда. Ўзбекистон ўз миллий мустақиллигини қўлга киритгач, ўзбек халқи ўз олдига юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги билан бирга комил инсонни шакллантириш каби мақсадларни қўйди. Ана шу мақсадни амалга ошириш, юртимизда демократик таъмоилларга асосланган жамиятни барпо этиш эҳтиёжи туғилди. Бунинг учун бизга ёт ва бегона ғоя тажовузига қарши тура оладиган, ҳар томонлама баркамол, комил инсонларни вояга етказиш, бу йўлда ғоявий, мафкуравий бўшлиқ бўлишига йўл қўймаслик, мамлакатимизнинг юксак тараққиётини таъминлаш учун маънавий-маърифий ишларни тизимли йўлга қўйишни тақозо этди.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси жаҳон харитасидан мустақил давлат сифатида жой олган дастлабки кундан бошлаб ўзига хос ва мос тадрижий тараққиёт йўлини белгилаб, ҳаётга жорий этиб келмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, Ислом Каримов таъкидлаганидек, “Ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларимизнинг самарадорлиги, аввало, халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг чуқур ўрганилиши, анъана ва урф-одатларимизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожини, энг муҳими, жамият тафаккурининг ўзгариши ва юксалиши билан узвий боғлиқдир”.<sup>26</sup>

Тафаккурнинг ўзгариши маърифат ва маънавият билан чамбарчас боғлиқ. Ана шу маънавий-маърифий билимлар асосида шакланган миллат мафкураси, уни албатта, тараққиётга етаклаши тайин. Бинобарин, ҳеч қандай жамият ва миллат мафкурасиз яшай олмайди. Дунёдаги ҳар бир жамиятнинг ўзига хос, ўзига мос келадиган, унинг учун хизмат қиладиган, туб мақсадлари ва манфаатларини ҳимоя қиладиган мафкураси бўлади.

---

<sup>26</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 76.

Одамлар қайси бир жамиятда яшашидан қатъи назар нимагадир ишониши, эътиқод қилиши, қандайдир бир ғояга, таълимотга асосланиб иш кўриши, фаолият кўрсатиши керак.

Ана шундай ғоялардан бири юксак маънавиятли шахсни, пировардида, юксак маънавиятли жамиятни шакллантиришдир. Маълумки, юксак маънавият асосига қурилган сиёсат жамият ривожланиши ва унда барқарорликнинг таъминланишига олиб келади. Бирон-бир мамлакатда фақат муайян гуруҳ ва кучлар ҳукмронлигини таъминлашга, халқ оммаси манфаатларига зид ва шу асосда тор доирадаги манфаатларни ҳимоя қилувчи тузумни сақлаб қолишга қаратилган сиёсат – адолатсиз, маънавият ва маърифатдан холи бўлган бошқарув усули ва воситасидир. Бу сиёсатнинг жамият ва мамлакат миқёсидаги ҳукмронлиги инсон ҳуқуқларининг поймол этилишига, моддий ва маънавий бойликларнинг талон-тарож қилинишига, зўравонлик, жоҳиллик, текинхўрлик, ўз мансабидан ғаразли ниятда фойдаланиш, порахўрлик каби маънавий қашшоқлашув шакллари вужудга келишига сабаб бўлади.

Энг аввало, инсон зотини улуғлаш унинг моддий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакатда тинчлик, барқарорликни таъминлашга қаратилган. Илм, маърифат, маданият, техника, технологияни ривожлантириш, фуқароларнинг замонавий билим эгаллашларига кенг йўл очиш ва улар ҳақида ғамхўрлик қилишга қаратилган сиёсат юксак маънавий кадриятларга асосланган бошқарув ҳисобланади. Бундай сиёсатнинг маънавият билан боғлиқ жиҳати шундаки, у мавжуд муаммоларни ҳал қилишда ҳар қандай ғайриқонуний тўполон ва бебошликнинг олдини олишга, энг мураккаб мунозарали муаммоларни ҳам музокаралар, томонларнинг консенсуси орқали ҳал қилишга ёрдам беради. Сиёсатдаги маънавий қашшоқлик жоҳиллик, адолатсизлик ва зўравонликда ўз ифодасини топади, юксак маънавият эса тараққиёт ва барқарорликка эришишга ўзининг ижобий таъсирини ўтказди.

Ҳар қандай сиёсатнинг мазмун-моҳиятида жамият, халқ ва инсоннинг маданий, маърифий, маънавий фаолияти, интилиши акс этсагина, у халқ томонидан қўллаб-қувватланади. Чунки унда умумхалқ эҳтиёж ва манфаатлари мужассамлашган бўлади. Давлатимизнинг бу борада амалга ошираётган оқилона сиёсати шундан далолат беради. Демак, қайси мамлакатда маънавиятни юксак даражага кўтариш, у ҳақида ғамхўрлик қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлса, ўша мамлакатда тинчлик, барқарорлик вужудга келади, илм-фан, маърифат ва маданият ривожланади. Бу, ўз навбатида, мамлакат олдида турган турли энг мураккаб муаммоларни маънавий-маърифий йўллар билан ҳал этиш имконини яратади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда инсонга энг олий қадрият сифатида қараб, ички ва ташқи сиёсатда унинг тинч ва фаровон яшаш ҳуқуқини таъминлашга катта аҳамият бериб келинмоқда. Сиёсатнинг маънавий ҳаётга реал таъсири маърифатни, илм-фан, адабиёт ва санъатни ривожлантириш борасидаги амалий ишларда намоён бўлади. Ўз навбатида, фуқароларнинг юксак маънавиятга ва маърифатга эга бўлиши мамлакатнинг ҳар томонлама ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Тарихнинг бу ҳақиқати, яъни маънавият ва сиёсатнинг уйғунлиги, ўзаро алоқаси ва боғлиқлиги инсон, миллат, жамият ва давлат ривожидан энг муҳим омиллардан бири экани жамиятимиз тараққиётининг бугунги босқичида ўз ифодасини топмоқда. Шу маънода, мамлакатимизда маънавий-маърифий соҳадаги ислохотлар, янгиланиш ва сиёсатнинг тадрижий масалаларини ўрганиш долзарб ҳисобланади.

Шу ўринда айтиш мумкинки, Ўзбекистонда маънавий-маърифий сиёсатнинг тадрижий ривожланиши ва такомиллаштириш истиқболларини ўрганиш, тадқиқот олиб бориш, амалиётга жорий қилиш мамлакатимиз тараққиёти учун катта илмий-назарий аҳамиятга эга.

Бинобарин, айти шу мақсадда маънавият ва маърифат соҳаларида фаолият юритаётган ўқитувчилар ва шифокорлар, олимлар ва зиёлилар, маданий оқартув муассасалари ва бошқа соҳалардаги мутахассисларнинг ижодий фаолияти учун кенг имкониятлар яратилди. Ана шу имкониятлардан самарали фойдаланиш, ҳар бир кунимизни беҳуда ўтказмасдан юртимизнинг эртанги келажаги учун фидойиларча меҳнат қилиш, иқтидорли инсонларни топиш, уларни рағбатлантириш ва жой-жойига қўйишни ташкил қилиш ҳар биримизнинг бурчимиз эканлигини унутмаслигимиз керак. Бинобарин, Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов таъкидланганидек, **“Маънавий-маърифий соҳада истиқболни фақат бу соҳа одамлари яратмайди, балки бу ишни тизим бажаради. Тизим яратилса, иқтидорли ижрочилар энг муҳим жойларга қўйилса, иш юришиб кетаверади. ...Бу тизим марказида маънавият, ахлоқ-одоб, маърифат каби ўлмас қадриятлар турмоғи керак”**.

Истиқлол йилларида замон, ҳаёт талабига биноан маънавий-маърифий ишларни янги, давр талаби ва манфаатларига мос такомиллашган тизими шакллантирилди. Бунда таълим тизими, музейлар, маданият уйлари ва саройлари, ахборот ресурс марказлари, маданият ва истироҳат боғлари оммавий муассасалар сифатида миллионлаб аҳолига маънавий-маърифий хизмат кўрсатмоқдалар. Бундан ташқари маънавий-маърифий ишларни тизимли фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ташкил қилинди. Республикамиздаги маҳалла оқсоқоллари ва фуқаролар йиғинлари раисларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича маслаҳатчилари тизими шакллантирилди. Маънавият соҳасидаги сиёсатни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш борасида бир қатор ижобий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Республиканинг барча вилоятлари, йирик шаҳар ва туманларида фаолият юритаётган маънавий-маърифий муассасалар иштирокида катта халқ сайиллари, ҳосил

байрамлари, «Мустақиллик», «Наврўз», «Меҳржон» байрамлари, «Шарқ тароналари» халқаро фестивали, хонандалар, раққосалар, энг яхши касб усталарининг кўрик танловлари, «Ўзбекистон – Ватаним маним», «Энг улуғ, энг азиз», «Келажак овози» ва бошқа кўрик-танловлари ўтказилмоқда.

Юртимизда маънавий-маърифий муҳитни янада яхшилаш, минг йиллар мобайнида унинг бағрида сайқалланиб келаётган ибратли анъана ва қадриятларни тарғиб-ташвиқ этиш борасида кўплаб тадбирлар ташкил этилмоқда. Шу мавзуда илмий-оммабоп, публицистик асарлар, хужжатли фильмлар ва телекўрсатувлар яратилиб, турли кўргазмалар ташкил қилинмоқда. Бу соҳадаги ишларнинг йўналиши ҳар бир киши онги ва қалбига миллий ғояни сингдириш, баркамол авлодни вояга етказиш, эзгулик, бағрикенглик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат, имон-эътиқодни тарбиялашга, маънавиятнинг миллий-этник асослари ва замонавийликни уйғунлаштиришга қаратилган.

Ўзига хос бўлган ривожланиш йўлидан бораётган Ўзбекистон шароитида маънавий-маърифий ишлар давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айлангани натижасида, жамият ва миллат тараққиётини таъминлашга хизмат қилаётгани кундай равшан. Демак, маънавий-маърифий ишлар сиёсати ва ривожланиш истиқболини тадқиқ қилишни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда. Бинобарин, Ислом Каримов таъкидлаганидек, **“...маънавий-маърифий фаолиятимизнинг асосий маъно-мазмунини, аввало, биз танлаган тараққиёт йўлининг ҳар томонлама тўғри ва ҳаётий йўл эканини, янги демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш борасида биз эришган ютуқ ва марраларнинг моҳияти ва аҳамиятини юртимиз аҳолиси ва жаҳон жамоатчилигига етказиш, уларнинг қадр-қимматини чуқур англаш ташкил этиши даркор”**.

XX асрнинг 90-йиллари бошига келиб жаҳон харитасида янги мустақил давлатлар пайдо бўлди. Бу давлатлар ўзининг умуминсоний ва демократик қадриятларга

асосланган сиёсатини ишлаб чиқишга киришди. Натижада давлат ва жамият бошқарувига доир бир неча янги миллий сиёсатлар юзага келди.

Ўзбекистонда ҳам давлат ва жамият бошқарувига оид ўзига хос миллий сиёсат таъсис этилди. Бу сиёсатнинг таркибий қисми сифатида **маънавият соҳасидаги сиёсат** шакллантирила бошланди. Мазкур масалага Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президент Ислон Каримов алоҳида ва махсус ёндашиб, унинг асосий принципларига доир қарашларини баён қила бошлади.<sup>27</sup> 1992 йилга келиб маънавият соҳасидаги сиёсатга давлат даражасида аҳамият берила бошланди.

Ислон Каримов фикрича, давлатнинг маънавият соҳасидаги сиёсати қуйидаги йўналишларни қамраб олиши лозим эди:

- ғоявий-мафкуравий базис ролини ўташ;
- янги давлат ва жамият барпо этиш жараёнида одамларнинг онги, дунёқараши ва руҳиятини янгилаш;
- ижтимоий сиёсат негизини ташкил қилиш;
- жамиятда миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигини таркиб топтириш;
- жамиятда жипслик ва барқарор ижтимоий муҳитни сақлаб қолиш.

Бу ўзига хос ёндашув бўлиб, тоталитар тузумдан демократик тузумга ўтишда янги ғоя эди. Айни пайтда, бу ёндашув тўлиғича англаб етилиши мураккаб кечди. Чунки мазкур сиёсатдаги маънавият атамасининг маъносига доир яқдил ёндашув ҳали мавжуд эмасди.

“Маънавият” атамасининг бирламчи маъноси “инсон онги, руҳияти ва ички дунёси” бўлганлиги учун<sup>28</sup> кўпчилик уни шу маънода қабул қила бошлади. Лекин атаманинг сиёсий даражадаги маъноси кейинчалик идрок этилди.


Сиёсат фалсафаси нуқтаи назаридан “маънавият соҳасидаги сиёсат тушунчаси” деганда давлат ва жамият бошқарувининг ижтимоий йўналишидаги сиёсати тушунилади.

<sup>27</sup> Жўраев Н. Агар оғох сен... –Т.: Ўзбекистон, 1998.

<sup>28</sup> Жалололдин Румий. Маснавийий маънавий. 1-китоб. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б.18.



## Маънавийат сиёсат объекти сифатида



Бунда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

1) **ғоявий қарашлар** – миллий ғояга асосланган қарашлар ва ёндашувлар мажмуи;

2) **мафкуравий қарашлар** – миллий ғоя ва миллий мафкурага асосланган ижтимоий-сиёсий онгни шакллантирувчи қарашлар;

3) **маърифий қарашлар** – соғлом дунёқарашни шакллантирувчи билимлар мажмуи;

4) **диний қарашлар** – динлараро бағрикенглик принципига асосланган эътиқодни шакллантирувчи омил;

5) **ахлоқий қарашлар** – ижтимоий ахлоқ қоидаларига асосланган фаолиятни шакллантирувчи асос.

Бизнинг назаримизда, бу ёндашув маънавийатни сиёсат объекти сифатида тушунишни асослаб беради. Бундай ёндашув ва қараш ўзбек олимларидан Н.Жўраев ва Қ.Назаров томонидан ҳам идрок этилган.<sup>29</sup>

Шундай қилиб, маънавийат сиёсат объекти сифатида давлат ва жамият бошқарувида муҳим ўрин тутди. Мазкур масала бўйича таъкидланганлардан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

**Биринчидан**, мустақиллик йилларида маънавийат сиёсатнинг муҳим объекти ва таркибий қисмларидан бири сифатида шакллантирилди.

**Иккинчидан**, маънавийат сиёсат объекти сифатида ижтимоий сиёсатнинг негизини ташкил қилади, у ғоявий, мафкуравий, маърифий, диний ва ахлоқий

<sup>29</sup> Қаранг: Жўраев Н. Агар огоҳ сен... – Т.: Ўзбекистон, 1998; – Назаров Қ. Маънавийатшуносликнинг долзарб муаммолари. – Т.: Маънавийат. 2010.

қарашлар воситасида шахсда кучли ирода, соғлом эътиқод ҳамда пок виждонни шакллантиради.

**Учинчидан,** маънавийатни сиёсат объекти сифатида тушуниш унинг жамият тараққиётидаги ўрнини тўғри белгилаш имконини беради.

Миллий тараққиёт ҳеч бир замонда силлиқ, тўсиқларсиз амалга ошмаган. Бу жараённинг характерли жиҳати шундаки, унинг ривожланиши учун имкониятлар кенгайиб борган сари турли муаммолар кўлами ҳам ошиб боради. XIX асрнинг глобал ижтимоий муаммолардан бири – мустамлакачилик сиёсати эди. XX асрда эса унинг ўрнига “совуқ уруш” муаммоси юзага келди. XXI аср бошига келиб, инсоният олдида янги муаммолар пайдо бўлди, яъни жаҳонда авж олаётган глобаллашув оқибатларини эътиборга олиш талаб этилмоқда.

Миллий ўзига хослик бутун инсоният учун катта бойлик, унинг тараққий қилишга интилишини ҳаракатга келтириб турувчи маънавий-руҳий куч-қудратдир. Одам боласи учун ўзини-ўзи англашнинг юксак даражадаги кўринишидан бири миллий ўзлигини англаш ҳисобланади. Миллатларнинг ўзликни англашга бўлган интилиши сақланиб қолар экан, демак, миллий ўзига хосликнинг ривожланиши барқарор давом этади. Миллий ўзлигини унутган кимсанинг манқуртга айланиши ҳеч гап эмас, бу инсоният учун фожиадир. Инсоният фақат миллий турли-туманлик, ўзига хосликларнинг амал қилиши билан барҳаёт ривожланиб боради.

Мустақиллик йилларида ўзбек халқининг ҳаётида буюк ўзгаришлар содир бўлди. Буни одамларимизнинг дунёқараши тубдан ўзгариб – она Ватанда озод ва обод яшаш, эркин ва фаровон ҳаёт кечириш мумкинлигига бўлган ишончи тобора ортиб бораётганлигида, хусусий мулкка бўлган эгалик ҳисси кучайиб, янада самарали меҳнат қилишга рағбати ортаётганлигида, ҳар хил мафкуравий хуруж ва найрангларнинг мақсад-муддаоларини тезликда англаш борасида ҳушёрлиги ўсиб бораётганлигида, мамлакатда тинчлик ва барқарорликни сақлашга

астойдил бел боғлаётганлигида, ёшларнинг соғлом авлод бўлиб камол топиши тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилаётганлигида, ёшларимизнинг эса аждодларининг анъаналарига содиқ қолган ҳолда илм-фан, санъат ва маданият чўққиларини эгаллаб, ўзбек деган номни бутун дунёга таратишга уринаётганлигида, жамиятимиз миллий мафқураси ғояларининг кишилар ҳаётидан ўрин олиб, уларни буюк мақсад сари сафарбар этаётганликларида яққол кўриш мумкин.

Модомики, ҳаёт ривожланишда, ўзгаришда экан, маънавият ва маърифатга, қолаверса, миллий ғоя ва мафкурага бўлган эҳтиёж янада ошиб бораверади. Бу эса миллий ғоянинг жанговар руҳини янада кучайтириб, мамлакатимизнинг ичкараси ва ташқарисида тезкор кечаётган мафкуравий жараёнларнинг янги-янги қирраларини очиш, ҳар қандай бунёдкор ғояларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, бузғунчи ғоялар тажовузининг ўз вақтида олдини олиш, ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялашнинг узлуксизлигини таъминлаш ишларини назарий ва амалий жиҳатдан кенгайтириб боришни тақозо этади.

### **Таянч сўз ва иборалар**

*Маънавий-маърифий соҳа, тизим, иқтидор, маънавият, ахлоқ-одоб, маърифат, қадрият, истиқлол, давр талаби, манфаатлар, таълим тизими, музейлар, маданият уйлари ва саройлари, ахборот-ресурс марказлари, маданият ва истироҳат боғлари, оммавий муассасалар, эзгулик, бағрикенглик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат, имон-эътиқод, миллийлик, замонавийлик, давлат сиёсати, устувор вазифа, миллат тараққиёти, инсон онги, руҳият, давлат ва жамият бошқаруви, ғоявий қарашлар, мафкуравий қарашлар, маърифий қарашлар, диний қарашлар, ахлоқий қарашлар.*

## **Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар**

1. Маънавий-маърифий соҳа билан боғлиқ тизим деганда нимани тушунасиш?

2. Юртимизда маънавий-маърифий муҳитни янада яхшилаш чоралари нималарда кўрилади?

3. Мустақил ривожланиш йўлидаги Ўзбекистонда маънавий-маърифий ишлар давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири эканлиги.

4. Маънавий-маърифий фаолиятимизнинг асосий маъно-мазмуни нималардан иборат?

5. Демократик давлат ва фуқаролик жамияти куриш борасида биз эришган ютуқ ва марралар ҳақида гапиринг.

6. Маънавият – ижтимоий сиёсатнинг объекти.

7. Маънавият тараққиётига глобаллашувнинг таъсири?

## **Адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012.

2. 2017 йил 28 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ПҚ-3160-сон Қарори. ЎЗА, 28.07.2017.

3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 56 б.

4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.

5. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 48 б.

6. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.

7. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001.
8. Каримов И. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996.
9. Каримов И. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000.
10. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2011.
11. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011.
12. Миллий ғоя ва маънавият тарғиботи самарадорлигини ошириш концепцияси. – Тошкент: Сано-стандарт, 2014.
13. Маънавият тарғиботчиси. – Тошкент: Мухаррир, 2016.
14. Куронов М. Огоҳлик: тарих ва замон сабоқлари. – Тошкент: Маънавият, 2015.
15. Куронов М. Миллий ғоя ва тарғибот тамойиллари. – Тошкент: Маънавият, 2015.
16. Фидойинг бўлғаймиз сенинг, Ўзбекистон. – Тошкент: Paradigma, 2017.
17. Тўраев Ш.Н. Миллий ғоя ва ижтимоий тараққиёт. – Тошкент: Тафаккур, 2011.
18. Тўраев Ш.Н. Миллий ғоя ва маънавият. – Тошкент: Маънавият, 2015.
19. Тўраев Ш.Н. Ўзбекистонда маънавий-маърифий сиёсатининг тадрижий ривожланишида ижтимоий адолат масаласи (Ўқув-услубий қўлланма). – Тошкент: Kamalak, 2016.

# 10-МАВЗУ: МАЪНАВИЙ- МАЪРИФИЙ ИШЛАРДА ТАРҒИБОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ

Режа

1. Маънавий-маърифий тарғибот – огоҳликнинг асосий қуроли.
2. Тарғиботнинг замонавий усуллари.
3. Маънавий-маърифий тарғибот ишларига тизимли ёндашиши.

“...Шарқ ёки Ғарб мамлакатлари бўладими, олис Африка ёки Осиё қитъаси бўладими – жаҳоннинг қайси бурчагида бўлмасин, маънавиятга қариши қандайдир таҳдид пайдо бўладиган бўлса, ўзининг бугунги кунини ва эртанги истиқболини ўйлаб яшайдиган ҳар бир онгли инсон, ҳар бир халқ таълимига тушиши табиий, албатта. Бу ҳақда гапирганда, фақат битта миллат ёки халқ ҳақида фикр юритиши масалани ўта тор тушуниши бўлур эди. Яъни, бу ўринда сўз фақат бизнинг маънавиятимизга қариши қаратилган тажовузлар ҳақида, азалий фазилатларимиз, миллий қадриятларимизни ана шундай ҳужумлардан асраш хусусидагина бораётгани йўқ. Муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган ушбу муаммони кенг миқёсда, дунёнинг барча мамлакатлари ва халқлари ҳаётига дахлдор масала сифатида ўрганиши, таҳлил қилиши ва баҳолаш мақсадга мувофиқдир”.

*Ислом Каримов*

Ҳозирги таҳликали замонда огоҳлик масаласи кун тартибидаги асосий муаммолардан бири бўлиб турибди. Шундай экан, келажак авлодни ҳар қандай таҳдидлардан ҳимоя қилишда тарғиботнинг замонавий усуллари ишлаб чиқиш ва ҳаётга жорий қилиш долзарб вазифалардан бири эканини унутмаслик лозим.

Бинобарин, ғоявий зиддият ва курашлар тарихини ўрганиш шундан далолат берадики, неча минг йиллар

давомида эзгу ва тараққийпарвар ғояларга қарши қурол, куч, макр-ҳийла ишлатиб келинган. Қарам халқларга қуллик психологияси сингдирилган, босқинчиларнинг қадриятлари зўрлаб ўтказилган. Ҳозирги кунда экстремизм, террорчилик, миллатчилик, шовинизм, маънавий қашшоқлик, ахлоқсизлик, “оммавий маданият”ни тарғиб қилиш жиддий мафкуравий хавф сифатида намоён бўлмоқда.

Буларнинг бариси бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эгаллигини тасдиқлаб бермоқда. Мафкуравий кураш тобора мураккаблашиб бораётган, унинг янги ва янги усуллари ўйлаб топилаётган ҳозирги кунда ушбу таҳдид ва таъсирларга фақат кучли ғоя, ўзликни англаш, соғлом мафкурагина қарши тура олиши мумкин. Бу эса бугунги таҳликали давр миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини тинимсиз ошириб боришни талаб қилмоқда. Зеро, “аҳоли ўртасида маънавий-маърифий муҳитни янада барқарорлаштириш юзасидан жамиятда олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ва тунштириш ишлари бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бермаётганлиги”<sup>30</sup> бу борадаги ишларни янада такомиллаштиришни талаб этмоқда. Дарҳақиқат, миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги учун масъуллар орасида ҳам мавжуд ва дунёда пайдо бўлаётган, тарқалаётган маънавий таҳдидлар ҳақида билимга эга бўлмаганлари учрамоқда.

Демак, тарғибот ва ташвиқотни бугунги кун талаблари даражасига кўтариш долзарб зарурат сифатида намоён бўлмоқда.

Бугунги кунда глобаллашув жараёнлари тобора чуқурлашаётган ва ривожланаётган шароитда миллий хавфсизлигимизни таъминлаш, халқимиз манфаатларини ҳимоялаш ва маънавий, мафкуравий тарғибот ишларимизни тўғри ташкил қилишимиз, янада такомиллаш-

<sup>30</sup> Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг 2010 йил 4 августида бўлиб ўтган мажлиси Баёни (07-17-37. 16.08.2010.)нинг 2 бандидан.

тиришимиз заруратини кўрсатмоқда. Мазкур масалага давлатимиз томонидан жиддий эътибор қаратилиши ҳам бежиз эмас. Чунки тарғибот-ташвиқот ишлари биз томондан заифлашса, қарама-қарши кучлар, албатта, ўз сўзини айтади.

Шу боисдан ёшларда мафкуравий иммунитетни мустақкамлаш, уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Бу жараёни самарали амалга ошириш учун эса замонавий тарғибот усулларини ишлаб чиқиш ва уни жорий этиш зарур бўлади.

### **Тарғиботнинг замонавий усуллари**

**Тарғибот** (қизиқтириш, тарқатиш) – 1) кенг маънода, ижтимоий фаолиятнинг алоҳида тури бўлиб, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида илмий, бадиий, ижтимоий-сиёсий, миллий ғоя ва қадриятларни тарғиб этишдир. Тарғибот жараёнида фан, санъат, сиёсий ва мафкура ютуқлари кенг оммалаштирилади, бойитилади ва янада ривожлантирилади; 2) тор маънода, мафкура ва сиёсатни тарғиб этишга қаратилган фаолият. Тарғибот илмийлик, конкретлилик, объективлик, ижтимоий ҳаёт билан чамбарчас боғлиқлик тамойилларига асосланиши, ташкилий жиҳатдан уюшган бўлиши лозим.

Шунингдек, кишида, одамларда у ёки бу нарсага хоҳиш, майл пайдо қилишни англатади. Яъни тарғиботнинг ҳозирги талқинини: ички ва ташқи сиёсат, вазият тўғрисидаги қараш ва билимларни оммалаштириш, уқтириш орқали уларда огоҳлик, ғоявий-сиёсий бирлашувга рағбатлантириш деб белгилаш мумкин.

**Тарғибот** – бирор ғоя, таълимот, фикр ва қарашни аҳоли ўртасида кенг ёйиш, кишилар онгига сингдиришга қаратилган, аниқ мақсадни кўзлаб олиб бориладиган тушунтириш ва даъватни, одамларни муайян бир вазифани ҳал қилиш, маълум бир тартиб-қоидалар асосида яшаш, меҳнат қилишга маънавий-руҳий тай-



ёрлаш, ғоявий руҳлантириш, сафарбар қилишни англатади.

**Ташвиқот** – одамларга таъсир ўтказиш мақсадида ёзма ва оғзаки қилинадиган ишлар; ундаш, даъват қилиш, шу асосда уларнинг қалбида завқ-шавқ, муҳаббат ёки нафрат уйғотишни ўз ичига олади. Ташвиқот (лот. agitation – ҳаракатга келтирмоқ) – маълум бир ижтимоий гуруҳ ёки оммани кўзланган мақсад сари фаолликка ундайдиган тарғибот фаолиятидир. Ташвиқотнинг оғзаки, нашрий ва аудио-визуал турлари мавжуд бўлиб, у гоят таъсирчан ижтимоий-сиёсий кураш воситаси ҳисобланади.

### **Инсонга маънавий таъсир кўрсатувчи воситалар**

Инсонга маънавий таъсир кўрсатувчи турли воситалар мавжуд. Булар орасида кўзга ташланмайдиганлари хавфли ҳисобланади.

Руҳиятга таъсир қилиш омиллари:

- товуш билан таъсир кўрсатиш;
- нутқ билан таъсир кўрсатиш;
- маълумотни сохталаштириш;
- чалғитиш;
- онгни режа асосида шакллантириш;
- шовқин-сурон билан таъсир кўрсатиш;
- электромагнит билан таъсир кўрсатиш;
- инфратовушлар билан ишлов бериш;
- психотроп моддалар қўллаш;
- физиологик таъсир кўрсатиш (пархез, оздириш, семиртириш, ичкиликбозликка ўргатиш);
- биоэнергия билан таъсир кўрсатиш (гипноз ва ҳ.к.).

Булардан мақсад:

- итоат қилдириш;
- заифлаштириш;
- холи қилиш;
- эгаллаш.

Кўзланадиган натижалар:

- хулқ-атворни бузиш;

- асаб касалига дучор қилиш;
- рухий хасталикка олиб келиш;
- руҳиятни айнитиш;
- шахс мақсадини чалғитиш;
- шахсни мутаассиблаштириш.

Руҳиятга салбий таъсир қилиш вазифасини турли нарсалар бажариши мумкин. Мисол учун, телевизор турли ранглар воситасида шахс онгини чалғитиши мумкин. Шу маънода, телевизор нафақат манипуляция, балки руҳиятни издан чиқарувчи воситаси ҳам ҳисобланади.

**Мафкура ва тарғибот.** Жамиятнинг мафкураси қуйидаги йўналишларга эга бўлади:

- жамиятда ягона мақсад ва муддаонинг бўлиши (ижтимоий гуруҳлар ўртасида конфликтнинг йўқлиги);
- жамиятнинг фаровон истиқболга эғалиги;
- мавжуд жамиятнинг барқарорлиги;
- ўз манфаатларини ҳимоя қилишнинг самара бериши;
- ички ва ташқи мафкуравий душманларга қарши курашда уюшувчанликнинг мавжудлиги;
- етакчиларнинг иқтидорлиги ва ҳақгўйлиги;
- яхшилик томонга бўладиган ўзгаришларнинг асосга эга эканлиги;
- ватанпарварликни ҳар нарсадан устун қўйиш.

Юзаки ва асоссиз тарғибот одамларни бездиради, мафкурани обрўсизлантиради. Унутмаслик лозимки, фақат бир гуруҳ одамларгина Ватанни ўзгаларга ибрат бўларли даражада сева олади ва тарғибот ишларини мана шундай одамлар олиб боришлари лозим.

**Маънавий-маърифий ишларга тизимли ёндашиш** – аҳоли, ёшлар, ўспирин, катта ёшлиларни республика мустақиллигини мустаҳкамлашга қодир, юксак маънавий-ахлоқий сифатларга эга фуқаро, юқори малакали мутахассис этиб тарбиялашга йўналтирилган барча таркибий қисмлар (педагоглар, ўқувчи, талаба ёшлар, дарсликлар, ахборот технологиялари, таълим муассасалари, ота-оналар, қонунлар, илм-фан, молия, давлат ва

жамоатчилик ташкилотлари, ишлаб чиқариш корхоналари ва ҳ.к.)нинг ўзаро узвий боғланган ҳолда режали равишда ишлашни таъминлашга асосланган тартибодир.

**Маънавий-маърифий тизимнинг технологик жиҳати.** Бу маънавий-маърифий ишлар дастурларида кўзда тутилган, лойиҳалаштирилган натижани кафолатлашга қаратилган турли операциялар, методлар занжири сифатида намоён бўлади. Шу сабабли ушбу тизим асосини воситалар эмас, балки у ёки бу фазилатни шакллантиришда кафолатланган натижага эришишнинг алгоритмлари режалаштирилади.

### Маънавий-маърифий тадбир алгоритми

Тадбирнинг стихияли тарзда, сунъий, мажбурий ва ўта расмий характерда бўлиши ҳам унинг самарасиз, натижадорлиги жуда ҳам паст бўлишига олиб келади. Шу маънода маънавий-маърифий тадбирларнинг алгоритмини тузиб олиш мақсадга мувофиқ.

### Маънавий-маърифий тадбир алгоритми

№	Тадбир номи	Муддати	Изоҳ
1.	Худуд, корхона, ташкилот ёки муассасада маънавий-маърифий ишлар юзасидан ўрганиш ўтказиш.	3 кундан 15 кунгача	Бунда ўрганиш ўтказилаётган худуд, корхона, ташкилот ёки муассасада бирор мавзу юзасидан саволнома асосида ўрганиш ўтказилади. Саволномада аниқ саволлар акс этиши лозим.
2.	Ўрганиш натижаларини таҳлил қилиш.	2 кундан 5 кунгача	Ўрганиш натижалари ҳолисона таҳлил этилади. Саволноманинг қайси саволларига салбий натижа олингани аниқланади.

3.	Ўрганиш натижалари тахлили юзасидан ташкилотчилар йигилишади ва унда мазкур масала муҳокама қилинади.	1 кун	Йигилишда бўладиган муҳокама давомида айрим маҳаллаларда учраётган тизимли муаммолар рўйхати шакллантирилиб, унинг ечими бўйича таклиф ва тавсиялар умумлаштирилади.
4.	Ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар асосида муаммоларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар дастури – режа ишлаб чиқилади.	3 кун	Чора-тадбирлар дастурида ўрганиш давомида аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этишга оид тадбирлар – давра суҳбати, оилаларга ташриф, семинар-тренинг, турли соҳа вакиллари билан учрашувлар ва бошқа шу каби масалалар ўз аксини топиши лозим. Тадбирларнинг ўтказилиш вақти камида 2 ҳафта ёки бир ой кейинга белгиланиши керак. Акс ҳолда тайёргарликка вақт кам қолади ва натижага салбий таъсир этиб, мақсадга эришиш қийин кечади.
5.	Тадбир сценарийси ва дастури тайёрланади.	3 кун	Аниқланган камчилик ва муаммони бартараф этишга қаратилган ҳар бир тадбирнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда унинг сценарийси ва дастури тайёрланади. Сценарий тузишда ҳамда дастур тайёрлашда, албатта, тадбир самарадорлиги ва натижадорлигининг шартларига қатъий амал қилиниши лозим. Сценарий ва дастур ҳамкор ташкилотлар билан келишилган бўлиши мақсадга мувофиқ.

6.	Тадбир пресс-релизини тайёрлаш.	1 кун	Пресс-релиз атамасининг лугавий маъноси: “матбуот хабарномаси” дир. У қисқа, лўнда, мақсади аниқ, тили равон, ортиқча “тушунтириш”лардан йироқ, фактларга бой бўлган муҳим хабар матни бўлиб, у тадбирдан камида 5 кун аввал тайёрлаб қўйилиши лозим. Чунки ўтказилаётган тадбирга келган журналистларга пресс-релиз тақдим этиш зарур.
7.	Ҳамкорлар ва ОАВни тадбирга жалб этиш.	3 кун	Режа асосида ўтказиладиган тадбирлар бошланишидан камида 2 ҳафта ёки бир ой аввал ҳамкор ташкилотлар ва ОАВларга хат тайёрланиб, тадбирга таклиф этилади. Хатда тадбирнинг ўтказилиш вақти, куни, мавзуси ва иштирокчилар таркиби аниқ кўрсатилган бўлиши шарт.
8.	Тадбир ўтказиладиган хона (зал) ва ундаги жиҳозларни тайёр ҳолга келтириш.	1 кун	Тадбир бошланишига камида 1 кун қолганда тадбир ўтказиладиган хона (зал) ва керакли жиҳозлар (микрофон, овозкучайтиргич, компьютер жамланмаси, проектор, фотоаппарат, флагшток, маркер, қоғоз, қалам ва бошқалар) тайёрлаб қўйилиши керак.
9.	Меҳмонлар, иштирокчилар ва ОАВ вакилларини кутиб олиш.	Тадбирдан аввал	Тадбир бошланишидан аввал кутилаётган меҳмонлар, иштирокчилар ва ОАВ вакиллари-ни кутиб олиш учун бир-икки нафар масъул белгиланиши лозим. Масъул шахс иштирокчиларни ўз жойларига жойлаштириши, тадбир дастури ва пресс-релизи билан таъминлаши керак.

10.	Тадбирни ўтказиш	Режа асосида	Тадбир белгиланган вақт ва жойда ўтказилиши лозим. Тадбир ташкилотчилари ва маърузачининг тадбирга кеч қолиб келиши ҳам тадбир сифати ва натижасига салбий таъсир этади.
-----	------------------	--------------	--

### **Тадбир пресс-релизи қандай тайёрланади?**

Моҳиятан уни ахборот манбаи дейиш мумкин. Пресс-релизни тайёрлаш учун нималарга эътибор бериш керак?

1. Қоғоз тепасига катта-катта ҳарфлар билан “Пресс-релиз” деб ёзилгач, ташкилотнинг тўлиқ номи, манзили, телефон рақами, электрон почтаси, охирида эса тайёрланган санаси кўрсатилиши зарур.

2. Пресс-релизда, аввало, ташкилот ҳақида қисқача маълумот бериш, сўнг ўша тадбирга оид факт ва рақамлар, анжуман ўтказилишидан мақсад ҳамда унинг моҳияти ёритилиши лозим.

3. Пресс-релизни ўқиган киши бу материал нима ҳақида, тадбир қачон ва қаерда бўлади, унинг жамоатчилик учун қандай аҳамияти борлиги ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши керак. Бир ёки икки бет ҳажмда (А-4 форматда бир интервалда) тадбир ўтказишдан мақсад – асосий мавзу тўла акс эттирилиши тақозо этилади.

4. Пресс-релизда жой номлари тўлиқ ва бехато ёзилиши шарт. Айтайлик, “МСК” деган ёзувга илгари дуч келмаган киши унинг Марказий сайлов комиссияси эканини билмайди. Айрим номлар қисқартма ҳолида қўпол сўзларга айланадиган бўлса, яхшиси уни тўлиқ ҳолида ёзган маъқул. Шу ўринда, инглиз олими Сэм Блэкнинг фикрича, қисқартма номларни ҳам тўғри ёзиш керак. Айтайлик, БМТни Б.М.Т. ёки АҚШни А.Қ.Ш. тарзида ёзиш нотўғридир.

5. Пресс-релизда кишиларнинг исми, фамилияларини тўлиқ ва тўғри ёзиш шарт, (Айтайлик, Ж.К.Тахтаев эмас, балки Жўрақул Комилович Тўхтаев қабилада ёзиш зарур). Ўшанда уни телевидение ёки радиода ўқиб эшитиришда ҳам ноқулайлик туғилмайди.

6. Жой номларини тўғри ёзиш муҳим (Масалан, Фарғонани – Фергана, Тошкентни – Ташкент ё Тошкан қабилида ёзилиши мумкин эмас). Бошқа мамлакатлар ҳақида сўз кетганда, уларнинг номини ҳам асл ҳолича ёзиш зарур. (Масалан, Индия эмас – Ҳиндистон, Египет эмас – Миср Араб Республикаси, Эмират эмас – Бирлашган Араб Амирликлари ва ҳоказо).

7. Рақамларни тушуниб ёзиш, хатоликка йўл қўймаслик, керак бўлса, бу борада мутахассислардан маслаҳат сўрашдан тортинмаслик даркор. Баъзилар рақамлар моҳиятини тушунмасдан шундоқ ёзадилар: “Мазкур ўқув даргоҳида 1000 минг нафар ўқувчи таълим олмоқда”. Бу ерда ўқувчилар сони – миллионта деб кўрсатилмоқда. Бундай пайт энг мақбули рақамдан сўнгги сўзни қавс ичида “1000 (минг) нафар” қабилида ёзиш мақсадга мувофиқдир.

8. Соҳага оид атамаларни қўллашда тегишли мутахассислар билан маслаҳатлашиш зарур. Баъзан шундай жумла ёзишади: “дискетда ёзишни машқ қилмоқдалар...” Асли компьютерда ёзиш мумкин. Ундаги ёзув дискетга ва ундан бошқа компьютерга кўчирилиши мумкин.

9. Пресс-релизда имловий хатоликка йўл қўйиш мумкин эмас. Тилимиз шу қадар бой ва сержилоки, ундаги сўзлардан атиги битта ҳарфи хато ёзилса, маъноси бутунлай ўзгариб кетиши ҳеч гапмас. Айтайлик, “кузга яқин” билан “кўзга яқин” ибораларининг маънолари бутунлай бошқа...

10. Пресс-релизни мутасаддилар билан маслаҳатлашган ҳолда тайёрлаш ва ташкилот раҳбарига кўрсатиб олиш лозим.

Пресс-релизни талаб даражасида тайёрлай олмаган ходимлар АХда ишлашга нолойиқ деб ҳисобланади. ОАВга тарқатиладиган Пресс-релиз таҳрирталаб бўлиши нафақат АХ ходими, балки ташкилотнинг ҳам обрўсига путур етказиши<sup>31</sup>.

---

<sup>31</sup> Эшбеков Т. Жамоатчилик билан алоқалар ва ахборот хизматлари. – Тошкент: ЎзМУ, 2012.

**Маънавий-маърифий тадбирлар** икки турга бўлинади: а) режа асосида ўтказиладиган тадбирлар; б) режадан ва навбатдан ташқари ўтказиладиган тадбирлар.

**Режа асосида ўтказиладиган тадбирлар** йилнинг бошида ҳудуд, корхона, ташкилот ёки муассасанинг умумий йиллик иш режаси ва маънавий-маърифий ишлар бўйича тайёрланадиган режага киритилган бўлади.

Бундай тадбирлар ҳам ўз ичида уч хил йўналишга бўлинади. Яъни:

1. Миллий ва халқаро байрамлар (Янги йил, Халқаро хотин-қизлар куни, Наврўз, Хотира ва қадрлаш куни, Мустақиллик байрами, Устоз ва мураббийлар куни, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган кун), касб байрамлари (Ватан ҳимоячилари куни, Матбуот ва ОАВ ходимлари куни, Ички ишлар ходимлари куни, шифокорлар куни ва шу кабиларга) ва умумжаҳонда қабул қилинган саналарга (Болаларни ҳимоя қилиш куни, Гиёҳвандликка қарши кураш куни, Ногиронлар куни, ОИТСга қарши кураш куни ва бошқа шу кабиларга) бағишланган тадбирлар.

2. Буюк алломалар, фан, таълим, адабиёт, санъат ва бошқа соҳалар намояндаларининг туғилган кунларига бағишланган тадбирлар.

3. Шахс маънавиятини янада бойитиш ва маънавий-мафкуравий, ахборот хуружларининг олдини олишга, миллий урф-одат ва анъаналарни сақлаб қолишга қаратилган тадбирлар.

**Режадан ва навбатдан ташқари ўтказиладиган тадбирлар** янги қабул қилинган қонун, фармон, қарор, фармойишларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш мақсадида, Олий Мажлис палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идорларнинг йиғилиш баёни қарорлари, ҳудуд ёки соҳа раҳбарларининг топшириқлари ҳамда ижтимоий аҳамиятга молик бўлган йирик халқаро ва республика тадбирлари, текшириш ва ўрганишлар натижаларидан келиб чиқадиган



хулосалар асосида ўтказиладиган тадбирлар бўлиб, улар учун алоҳида режа тузиб олиш мақсадга мувофиқ.

**Тадбирнинг натижадорлиги ва самарадорлиги.** Ҳар қандай тадбирдан кўзланган мақсад бўлади. Ана шу мақсадга эришилган ёки эришилмагани унинг натижадорлик даражасини белгилаб беради. Агар тадбирдан сўнг муайян муддат давомида мақсадга эришилса, демак, тадбир ўз самарасини берган ҳисобланади. Акс ҳолда эса тадбирга сарфланган маблағ, унинг ташкилотчилари ва иштирокчиларининг қимматли вақти ҳавога совурилган бўлиб, айрим ҳолларда мақсадга зид бўлган салбий оқибатларни келтириб чиқариши ҳам мумкин. Шунинг учун ҳар қандай тадбирни ўтказишда тадбир самарадорлигини таъминлашга хизмат қиладиган воситаларга қатъий риоя қилиш талаб этилади.

### Тадбир самарадорлигининг мезонлари

№	Самарадорлик кўрсаткичи	Самарадорлик шартлари	Баҳо
1	Тадбир мавзусининг долзарблиги	Тадбирнинг нега, нима учун айнан шу мавзуда, шу вақтда, шу қатнашчилар таркиби билан ўтказилишининг асосланганлиги.	
2	Мавзу номи	Содда, кизиқарли, долзарб, қатнашчиларнинг ёши, касби, манфаатларига, ҳудудий хусусиятга мос маънавий-мафкуравий муаммолардан бирини ҳал этишга қаратилган бўлиши.	
3	Мақсаднинг ифодаланиши	Тадбирнинг мақсади, қатнашчилар билиб олиши зарур бўлган асосий фикрларнинг тезис шаклида аниқ ёзилганлиги.	
4	Тайёргарлик кўриш муддати	Тадбир мавзуси ва мундарижаси ҳақида камида бир ҳафта олдин барча қатнашчиларга эълон қилиниши; ташкилотчилар бир ҳафта олдин тайёргарлик кўришгани; зарур аудио, визуал, кўргазмали воситалар тайёрлиги.	

5	<b>Тадбир сценарийси</b>	Тадбир сценарийсининг бир ой олдин тузилиб, масъуллар билан келишилганлиги. Сценарийда сўзга чиқувчилар, савол-жавоблар учун вақтнинг аниқ тақсимланганлиги.	
6	<b>Тадбирнинг кизиқарлилиги</b>	Қатнашчиларни толиқтирмаслик, уларнинг диққатини доимий жалб қилиб, фаоллаштириб турилиши, тарихий, миллий, замонавий факт, мисоллар, ракамлардан фойдаланиш	
7	<b>Аудитория</b>	Ташкилотчилар билан қатнашчилар орасида мулоқот, ўзаро мурожаат учун қулай, самимий муҳит таъминланганлиги. Қатнашчиларнинг тадбир мавзу-мундарижасини билиб, тайёрланиб келиши.	
8	<b>Кўргазмали воситалар</b>	Ҳар бир мавзу бўйича камида учта кўргазмали воситадан фойдаланилиши.	
9	<b>Эришилган натижа</b>	3-бандда белгиланган тезисларни саволларга айлантириб сўралганлиги. Қатнашчиларнинг шу тадбирда олган янги билимларини қачон, қандай вазиятларда қўллашни айтиб бера олиши; натижани билим олган тингловчиларнинг фоизи, улардан олинган тўғри ва нотўғри жавоблар сонидан келиб чиқиб баҳоланганлиги. Фаол қатнашчиларнинг рағбатлантирилиши.	
10	<b>Ҳужжатлаштириш</b>	Тадбирнинг баёнида: мақсад, тезислар, берилган савол, олинган жавоблар, ютуқ ва камчиликлар, хулоса, тавсиялар ёзилиб, имзоланиб, сақланиши.	

\*Баллар йиғиндиси ўрганилган тадбир самарадорлигининг миқдорини кўрсатади.

## Тарғиботнинг асосий тамойиллари

Маънавият ва маърифат соҳасининг қуроли ҳам, воситаси ҳам, усули ҳам – тарғибот (одамларни рағбатлантириш), ташвиқот (шавқлантириш). Демак, бугун тарғибот – одамларни ягона шиор остида маънавий рағбатлантириши, ташвиқот – **“озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт”** шавқини акс эттириши керак.

Тарғибот одамларда янги билим, туйғу, орзу-истакларни ҳосил қилиш, тўғри асосланган фикр, эътиқодни мустаҳкамлаш, нотўғри шаклланган стереотип, қараш, янглиш хулосаларни ўзгартиришни ҳам кўзда тутати. Шундай экан, масалага илмий-амалий ёндашув инсон психикасининг тузилишини билишни, тарғиботнинг метод, шакл, технология ва воситаларини ижтимоий психология ва педагогика, социологиянинг замонавий ютуқларига таянган ҳолда танлаш ва амалга оширишни тақозо этади. Акс ҳолда Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг 2006 йил 25 августдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги ПҚ-451-сон Қарори ижросини таъминлашга бағишланган йиғилишида қайд этилганидек, “нуқул улуғ алломаларимиз, боболаримиз эришган ютуқларни мадҳ этиш; ютуқларимизни қайд этиш; тарғиботнинг замонавий усулларида фойдаланмаслик; янгиликларни кечикиб етказиш; мафкуравий таҳдидларни олдиндан кўра билмаслик, превентив (превентив – олдини олувчи, огоҳлантирувчи) чоралар қўлланилмаётганлиги; асосий фикрлар тахминий гаплар, импровизация қилиш, “ижодий” ёндашишлар соясида қолиб кетаётганлиги; илмий-назарий асосга таянмаслик, интуицияга таяниш” каби камчиликларга йўл қўйилмоқда. Юқоридаги камчиликларни бартараф этиш масалага илмий-назарий асосларга таянган ҳолда ёндашишни талаб қилади. Бу эса, аввало, тарғиботнинг илмий-амалий принципларини аниқлаб олишни тақозо этади. Қуйида шарҳланаётган тарғибот принциплари миллий ғоя тарғиботи ҳамда маъ-

навий-маърифий ишлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштира борилади:

**Ишонтириш тамойили.** Мустақиллигимизнинг бебаҳо неъматлигига тингловчиларни ишонтириш, уларда ифтихор, Ўзбекистоннинг буюк келажагига ишончининг янада мустаҳкамланишига эришиш демак. Токи тадбирдан чиқаётган юртдошимизнинг ишончи янада ортиб, қалбларида мамнуният туйсин. Бунинг учун тарғиботчи-тренернинг ўзида юксак ишонч бўлиши ва шу билан бошқаларга ибрат бўлиши энг муҳим восита ҳисобланади. Қачонки тарғиботчининг ўзи ишончсиз оҳангда, мимикада, кайфиятда гапирса, демак, тингловчиларни ҳам ишонтира олмайди. Тарғибот акс натижа бериши ҳам мумкин бўлиб, самарадорлик 0 (ноль)га тенг бўлади.

Бунинг учун ҳамма ўз ҳаётида кўриб, гувоҳи бўлиб турган мисоллардан фойдаланиш лозим. Умумий эмас, балки хусусий мисоллардан, яъни “жамиятда шундай бўляпти” дейиш эмас, “менинг ҳаётимда шундай ўзгаришлар юз берди” каби мисоллардан фойдаланиш тингловчини фикрлашга ундайди. Ишонтириш осон кечади.

**Долзарб янгиликлардан фойдаланиш тамойили.** Одамларнинг онгига тез ва соз кириб боришга хизмат қилади. Долзарб янгилик бирор воқеага дахлдор, манфаатдор аҳоли қатламлари – зиёлилар, фермерлар, ёшлар ва ҳоказоларни тез қамраб олади. Тез ёйилади. Уларнинг қараш ва эътиқодларига таъсир қилади. Тез ва амалий натижа беради. Бунинг учун ёритиладиган воқеа ҳодисани танлашда уларнинг аҳоли кўпчилик қисми учун муҳимлигидан келиб чиқилади.

**Тушунарлилик тамойили.** Тарғибот назариясида “Нутқида 10 та тушунарсиз сўз ишлатган нотик банкротга учрайди”, деган нақл бор. Бу бежиз эмас. Тарғиботчи кўпроқ кундалик ҳаётимизда ишлатиладиган сўзлардан фойдаланса, нутқи тушунарли бўлади. Расмиятчилик одамни бездиради. Тингловчилар билан расмий мажлис

ўтказаетгандек оҳанг, мимика, кайфият, ҳолат ва методда эмас, гўёки шунчаки дўстона суҳбат қилаётгандек эркин ва самимий тарзда тадбир ўтказиш тарғиботчининг фойдасига ҳал бўлади.

**Самимият тамойили.** Самимият бегонани танишга, танишни дўстга айлантиради. Тарғиботда ҳам. Айниқса, мустақиллик мавзусида сўз кетганда. Шунинг учун Президентимиз Қарори расмийлик, баландпарвозлик каби хатолардан бизни огоҳлантиради. Самимийлик сўзловчи ва тингловчиларни бир маънавий организмга айлантиради. Юраклар бир хил ура бошлайди. Бунга эришмоқ учун нотикдан эътиборлилик, зийраклик, чуқур билим, самимият талаб қилинади. Агар расмийликка берилиб кетилса, иштирокчиларда, ҳатто энг муқаддас мавзуларга ҳам бефарқлик пайдо бўлиши мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, жамиятимизнинг барқарор тараққиётини таъминлаш учун тарғиботнинг замонавий усуллари қўллашимиз ва улардан унумли фойдаланишимиз зарур бўлади.

### **Таянч сўз ва иборалар**

*Маънавий-маърифий ишлар, таҳликали замон, огоҳлик, тарғибот, ташвиқот, замонавий усуллар, ғоявий зиддият, эзгу ғоялар, қарши қурол, куч, макр-ҳийла, қарам халқлар, қуллик психологияси, экстремизм, террорчилик, миллатчилик, шовинизм, маънавий қашшоқлик, ахлоқсизлик, мафкуравий хавф, мафкура полигонлари, мафкуравий кураш, янги усуллар, таҳдид, кучли ғоя, ўзликни англаш, соғлом мафкура, миллий хавфсизлик, миллий ғурур, ифтихор, маънавий таъсир, руҳиятга таъсир, итоат қилдириш, заифлаштириш, шахсни мақсадидан чалғитиш, шахсни мутаассиблаштириш, жамият мафкураси, ягона мақсад.*

### **Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар**

1. Ҳозирги таҳликали замонда кишиларнинг огоҳлик даражаси қандай аҳволда?

2. Қайд этилган тарғибот усуллари келажак авлод-ни ҳар қандай таҳдидлардан ҳимоя қилишда қанчалик фойда беради?

3. “Қарам халқлар”, “қуллик психологияси” деганда нимани тушунасиз?

4. Ҳозирги кунда экстремизм, террорчилик, миллатчилик, шовинизм, маънавий қашшоқлик, ахлоқсизлик, “оммавий маданият”ни тарғиб қилиш жиддий мафкуравий хавф сифатида намоён бўлмоқда. Сабаблари нимада деб ўйлайсиз?

5. Мафкуравий кураш тобора мураккаблашиб бораётган, унинг янги ва янги усуллари ўйлаб топилаётган ҳозирги кунда ушбу таҳдид ва таъсирларга қарши қандай курашиш мумкин?

6. Аҳоли ўртасида маънавий-маърифий муҳитни янада барқарорлаштириш юзасидан жамиятда олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ва тушунтириш ишлари бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб берадими?

7. Инсонга маънавий таъсир кўрсатувчи қандай воситалар мавжуд?

### Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012.

2. 2017 йил 28 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги bosқичга кўтариш тўғрисида”ги ПҚ-3160-сон Қарори. ЎЗА, 28.07.2017.

3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 56 б.

4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.

5. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 48 б.

6. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан қураамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.

7. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996.
9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000.
10. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2011.
11. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011.
12. Миллий ғоя ва маънавият тарғиботи самарадорлигини ошириш концепцияси. – Тошкент: Сано-стандарт, 2014.
13. Маънавият тарғиботчиси. – Тошкент: Мухаррир, 2016.
14. Қуронов М. Огоҳлик: тарих ва замон сабоқлари. – Тошкент: Маънавият, 2015.
15. Қуронов М. Миллий ғоя ва тарғибот тамойиллари. – Тошкент: Маънавият, 2015.
16. Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон. – Тошкент: Paradigma, 2017.
17. Тўраев Ш.Н. Миллий ғоя ва ижтимоий тараққиёт. – Тошкент: Тафаккур, 2011.
18. Тўраев Ш.Н. Миллий ғоя ва маънавият. – Тошкент: Маънавият, 2015.
19. Тўраев Ш.Н. Ўзбекистонда маънавий-маърифий сиёсатининг тадрижий ривожланишида ижтимоий адолат масаласи (Ўқув-услубий қўлланма). – Тошкент: Kamalak, 2016.
20. Миллий ғоя ва мафкурани ёшлар онгига сингдиришнинг педагогик технологиялари. – Тошкент: Сано-стандарт, 2008.
21. “Маънавий таҳдидларга қарши курашнинг илмий-услубий ҳамда ғоявий-мафкуравий асослари” мавзусидаги республика илмий-услубий конференция материаллари. – Тошкент: Мухаррир, 2010.

22. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати (Масъул муҳаррир: Қ.Назаров). – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2010.

23. Эркаев А. Маънавият ва тараққиёт. – Тошкент: Маънавият, 2015.



## ГЛОССАРИЙ<sup>32</sup>

**АДОЛАТ** (араб. одиллик, тўғрилиқ ҳамма учун баробар бўлган ҳақиқатнинг талаб ва тамойилларига амал қилиниши) – инсониятнинг азалий орзуси, эзгу ғояси, маънавият, ахлоқ ва ҳуқуқнинг меъёрий категорияларидан бири. Жамият ҳаётидаги ҳодисалар, тартиб-қоидаларнинг асл инсоний идеалларга, ҳақиқат мезонларига қанчалик мос эканини аниқлашда ҳамма замонларда ҳам асосий маънавий мезон бўлиб хизмат қилади.

**АЗАМАТ** – араб тилидан ўзлашган буюклик, катталиқ маъноларини англатувчи, фахр, ғурур туйғусини ифодаловчи сўз. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “азамат” сўзининг бир неча маъноси келтирилади. Яъни, ҳайбатли, улкан маъносидан ташқари, куч-қувватга эга, қудратли; ғайрат-шижоатли, ботир, мард; жисмонан етук, забардаст кабилар. Бундан ташқари, бу сўз бирор шахснинг шундай белги-хусусиятини аниқловчи бўлиб ҳам келади. Шу билан бирга, эркак кишининг исми сифатида ҳам туркий тилларда сўзлашувчи халқлар тилида учрайди.

**АЛЛА** – инсонни маънавий юксакликка ундайдиган, болани ухлатиш жараёнида яккахонлик усулида айтиладиган қўшиқ. У ўзбек, уйғур ва тожик халқлари орасида алла номи билан юритилади. Одатда, оддий куйлар билан, кўп ҳолларда куй ва чолғусиз, бешик ёки беланчакни тебратиш маромига мос равишда ижро этилади. Матни, асосан, тўртлик шаклида, ижро услуби эркин, бадиҳагўйлик йўлида бўлади. Алла онанинг болага бўлган меҳр-муҳаббати, орзу ва умидлари, яхши ният ва тилаклари билан бирга, унинг руҳий кечинмаларини ҳам ифода этади.

**АЛЛОҲ ТАОЛО** (араб. олий даражадаги илоҳ – илоҳий куч, Худо) – ислом динида олий илоҳий куч, худонинг исми. Аллоҳ, Худо, Тангри сўзларига одатда Юксак си-

---

<sup>32</sup> Қаранг: Глоссарий бўлимини тайёрлашда **Фалсафа: комусий луғат** (Масъул муҳаррир: Қ.Назаров. – Т.: Шарк, 2004) ҳамда **Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати** (– Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2008)дан фойдаланилди.

фат қўшилиб, Аллоҳ таоло, Худои таоло, Тангри таоло шаклида жуфт қилиб айтилади. Таоло – улуғ, олий деган маънони билдиради. Худонинг қайси сифати тилга олинаётганига қараб, бошқа сифатлар ҳам қўшилади: Ҳақ таоло, Аллоҳи карим, Парвардигори олам... Аллоҳ таолонинг Қуръони карим ва Ҳадиси шарифда қайд этилган номлари 99тадир. Тилимизда энг кўп қўлланилувчилари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин: Ар-Раҳмон – ўта меҳрибон; Ар-Раҳим – жуда раҳмли; Ал-Малик – подшоҳ; Ал-Қуддус – нуқсонлардан холи; Ас-Салом – офат ва балолардан саломат; Ал-Муъмин – омон ва омонлик берувчи; Ал-Азиз – иззат ва қудрат соҳиби; Ал-Ҳолиқ – яратувчи, халқ этувчи; Ал-Ғаффор – кечиргувчи; Ар-Раззоқ – ризқ берувчи; Ал-Фаттоҳ – ҳукм этувчи; Ал-Қаҳҳор – ғолиб; Ал-Алийм – билувчи, доно, илм соҳиби; Ал-Азийм – улуғ, буюк, катта; Ал-Карим – карамли, саховатли, кечиримли; Ал-Ғаний – бой, эҳтиёжсиз; Ал-Ҳақ – ҳақиқатдан мавжуд зот; Ал-Ҳай – тирик; Ал-Воҳид – ягона; Ас-Самад – ҳожатбарор; Ал-Қодир – қудратли; Ал-Ҳодий – йўл кўрсатувчи; Ар-Рашид – барча иш ва тадбирлари тўғри чиқувчи; Ал-Ҳофиз – сақлагувчи... Аллоҳнинг мазкур ва бошқа исмларига абд, яъни қул сўзи қўшилиб, киши отлари ясалади: Абдураҳмон – ўта меҳрибон Аллоҳнинг қули; Абдураҳим – жуда раҳмли Аллоҳнинг қули; Абдулқуддус – нуқсонлардан холи Аллоҳнинг қули; Абдулкарим – карамли, саховатли, кечиримли Аллоҳнинг қули; Абдулғани – бой, эҳтиёжсиз Аллоҳнинг қули; Абдуалим – билувчи, доно, илм соҳиби бўлган Аллоҳнинг қули ва ҳ.к. Фарзандларга бундай исмлар қўйилар экан, уларда шундай улуғ фазилатлар бўлсин, деб ният қилинади. Аллоҳнинг сифатлари инсон сифатларидан тубдан фарқ қилади. Дейлик, Аллоҳни кўрувчи, эшитувчи, билувчи деб таърифлаганимизда, унинг мазкур сифатлари биз таъкидлаганимиздек чегарали эмас. Унинг учун бир сония ҳам, миллион йил ҳам баробар. Унинг илми ўзгариб ёки камайиб қолмайди. Аллоҳ таолонинг зоти ва сифатлари тўғрисида чуқур

баҳс юритиш шаръан ман этилади. Чунки унинг ҳамма сифатлари ўзига хос хусусиятга эга. Уларни билиб, моҳиятига етишга инсон ақли ожизлик қилади.

**АНДИША** (*форс.* ўй, мулоҳаза, фикр, ор-номус, иф-фат, шарм-ҳаё, уят, ибo, истиҳола, босиқлик) – юксак маънавиятга хос, тарбия натижасида шаклланидиган маънавий-ахлоқий тушунча бўлиб, кишидаги хулқ-одоб, тарбия ва маънавият билан боғлиқ сифатларни ифода этади. Андиша инсон табиатида чуқур илдиз отган, тарихи узоқ ўтмишга бориб тақаладиган, илм ва ҳикматга бой халқнинг тафаккур булоғидан сув ичган маънавий ҳодиса. Андиша асрлар мобайнида ардоқланиб, аждодлардан авлодларга мерос бўлиб ўтмоқда. Андиша иффат, шарм-ҳаё, уят, истиҳола, ор-номус каби одоб-ахлоқ тушунчалари билан узвий боғлиқ. Андишали инсон ҳамиша ақл-идрок ва хокисорлик билан иш юритади, бетгачопарлик қилмайди, ўз хатти-ҳаракатининг оқибатини ўйлайди. Андишали киши ҳеч қачон ўзгаларнинг иззат-нафсига тегмайди, ёши улуғларнинг, аёлларнинг ҳурматини жойига қўяди. Қилаётган ҳар бир ишига босиқлик билан ёндашади, шошма-шошарлик, ўзибўларчиликка йўл қўймайди. Андишали одамларда ўз халқи ва миллати тақдирига нисбатан масъулият ҳисси юқори бўлади. Улар нафақат ўз халқи, миллати, балки бошқа халқ, миллат ва элатларга ҳам ҳурмат билан қарайди. Бағрикенглик – андишали одамларга хос хусусиятлардан бири. Андишали одамлар ножўя ҳаракатлардан ўзини тия олади, ўзгаларга ҳам ножўя ишларни раво кўрмайди.

**АНЖУМАН** (*араб.* йиғин, жам бўлиш) – 1) кенг доирада ўтказиладиган мажлис, йиғилиш, тадбир, кеча, кенгаш; 2) бир даврда яшаб, бир соҳада фаолият кўрсатган атоқли шахслар гуруҳи, жамияти; 3) бир хил касбдаги ҳунармандларнинг бирор маслаҳатли иш юзасидан вақти-вақти билан ўтказиладиган мажлиси, шогирдларни ишга ўтказиш маросими, зиёфати. Анжуман ҳаётнинг барча соҳасидаги маънавий, маданий, сиёсий, моддий-

иктисодий масалаларни ва илмий муаммоларни ҳал қилиш жараёни, усули ва воситаси ҳамдир.

**АНЪАНА** – тарихий жиҳатдан узвийлик ва ворисийликни англатадиган маънавий ҳаёт ҳодисаси, маънавиятга хос ижтимоий категория, аждодларнинг тарихан тўплаган маънавий қадриятларини авлодларга узатиш (бериш) воситаси.

**АРБОБ** – 1) ижтимоий-сиёсий ва бошқа фаолияти билан халққа танилган, эл-юрт ўртасида обрў-эътибор қозонган машҳур шахслар – жамоат ва давлат арбоблари; 2) фан ва санъатда ўз ижодий меҳнати, истеъдод ва маҳорати билан танилган шахслар – фан ва санъат арбоблари; 3) мумтоз тилимизда – бошлиқ, раҳбар, қишлоқ оқсоқоли; 4) XVIII асрнинг ўртаси ва XX аср бошларида Бухоро амирлигида қишлоқ миробларининг бошлиғи.

**АСАР** (араб. из) – китоб маъносида кенг қўлланадиган сўз (осори атиқа – қадимги, антик асарлар, ёдгорликлар). Бу сўз из, нишон, белги (ундан асар ҳам қолмаган); таъсир (у бизга асар қилди) маъноларида ҳам ишлатилади. Муайян мазмунни тугал ифодалаган бадиий ижод маҳсулоти *адабий асар* дейилади. Асарлар бир неча турга бўлинади: адабий асар, рангтасвир асари, мусиқа асари, сахна асари ва б. Меъморлик, ҳайкалтарошлик, наққошлик, бадиий дизайн ва бошқа соҳалардаги ижод намуналарига ҳам асар атамаси қўлланиши мумкин.

**АСОСИЙ ҚОНУН** – мазмуни бўйича «Конституция» тушунчасига мос келади. Маълумки, Конституция нормалари бошқа барча қонунларга нисбатан олий юридик кучга эга ягона ҳужжат шаклида амал қилади. Асосий қонун – конституциявий тузумнинг қадриятлари, институтлари ва нормалари расман мустаҳкамлаб қўйиладиган энг олий ҳуқуқий ҳужжат. У инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари эълон қилинадиган, кафолатланадиган, шунингдек, ижтимоий тузум асослари, бошқарув шакли ва маъмурий-ҳудудий тузилиши, марказий ва маҳаллий ҳокимият органлари тузилишининг асослари, уларнинг ваколатлари, ўзаро муносабатлари, давлат

рамзлари ҳамда пойтахти белгилаб қўйиладиган ёзма ҳуқуқий ҳужжат ҳамдир. Мамлакатимизда 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ тасдиқланган ва ҳаётга жорий этилган Конституция амал қилмоқда. У давлатимизнинг Асосий қонуни бўлиб, муқаддима, 6 бўлим, 26 боб ва 128та моддадан иборат, олий юридик кучга эга, бевосита амал қилади ва Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида бир хилда қўлланади.

**АХЛОҚ** (*араб.* “хулқ”нинг кўплиги; лот. *moralis* – хулқ-атвор) – маънавий ҳаёт ҳодисаси, ижтимоий онг шаклларида бири, маънавият соҳасига оид тушгунча. Кишиларнинг тарихан таркиб топган хулқ-атвори, юриш-туриши, ижтимоий ва шахсий ҳаётдаги ўзаро муносабат, шунингдек, жамиятга бўлган муносабатларини тартибга солиб турадиган барқарор, муайян меъёр ва қоидалар йиғиндиси.

**АХБОРОТ** (*араб.* ахбор – хабарлар, маълумотлар) – муайян воқеа-ҳодисалар тўғрисидаги хабар ёки маълумот, уларни тушунтириш, тушуниш ва идрок этишда қадим замонлардан буён қўлланиб келинаётган, кибернетика ва информатиканинг тараққиёти туфайли кейинги вақтда янги, кенг маъно касб этаётган тушунча. ОАВ орқали эълон қилинадиган кўрсатув ва эшиттиришларнинг номи, журналистика соҳасидаги махсус жанр ҳам шундай аталади. Бирон воқеа ҳақидаги батафсил маълумот, давлатлар ўртасидаги музокаралар натижасида тузилган битим ёки шартномалар тўғрисидаги расмий хабар ҳам ахборот дейилади. Халқаро ҳуқуқда икки ва ундан ортиқ давлат ўртасида олиб бориладиган дипломатик музокаралар натижасида тузилган битимлар, шартномалар ёки қабул қилинган бошқа қарорлар ҳақидаги хабар икки ёки ундан ортиқ давлатлар томонидан эълон қилинади. Икки давлат ўртасида олиб бориладиган музокаралар ҳақидаги ахборот одатда *қўшма ахборот* деб аталади. Кундалик ҳаётда бирор нарса (жараён, иш, ҳодиса) тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиш учун керак бўладиган маълумот ёки янгиликлар ҳам ахборотдир.

**АХБОРОТ (ИНФОРМАЦИОН) УРУШИ** (ингл. *information war; information – “ахборот”, war – “уруш”*) – ўзга давлат тинч аҳолиси ва (ёки) ҳарбийларига муайян ахборот (информация) тарқатиш йўли билан таъсир ўтказиш. “Ахборотруҳий – уруши” атамаси АҚШ ҳарбий доиралари луғатидан қабул қилинган. Ушбу атама инглиз тилида шу билан бирга “Ахборотлар қарама-қаршилиги” тушунчасини ҳам англатиб келади.

**АҚИДАПАРАСТЛИК** – кишиларнинг қалби ва онгига мафкуравий таъйиқлар асосида сингдирилиб, эътиқод даражасига кўтарилган дунёқараш шакллари билан бири. Ақида (араб. ишонч) – шак келтирмасдан, муҳокама қилмасдан бажариш, эътиқод қилиш лозим бўлган қоида ва талаблар.

Ақиданинг диний шакли ваҳҳобийлик, ҳизбут таҳрир, ҳизбуллоҳ, ал-қоида ва б. Ақидаларни замон ва макондан ажратган ҳолда англаб, уларни мутлақ ўзгармас ҳақиқат деб биладиган, шундан бошқа қарашларни тан олмайдиган ғоявий-мафкуравий оқим вакиллари ақидапарастлар деб юритилади.

**БАЙРАМ** – бирор-бир муҳим ҳодиса, воқеа, санани кўпчилик бўлиб, кўтаринки руҳда, хурсандчилик билан нишонлаш. Байрамлар ҳаётнинг узвий ва муҳим таркибий қисмидир. Байрамлар шахс, оила, жамият, миллат, давлат, халқаро ҳаётдаги энг муҳим ҳодиса, воқеа, саналарни қайд этади, уларни нишонлашга имконият яратади. У кишиларнинг ҳаёти, фаолиятида эришган ютуқларини ифодаладиган ҳодисадир.

**БАЙРОҚ** – азалдан ҳар бир давлатнинг мустақиллиги ва суверенитетини ифодаладиган, унинг ғурур-ифтихорига айланган рамзлардан бири. Унда халқ ва давлатнинг тарихи, қадриятлари, дунёқарашини ўзига хос тарзда мужассам этилган. Ўрта асрларда туркий халқларда Байроқ “туғ” деб юритилган. Бугунги кунда “давлат байроғи”, “ҳарбий байроқ”, “партия байроғи” каби тушунчалар кўп ишлатилади. Муайян сиёсий кучлар, армия ва қўшин турлари, баъ-

зи гуруҳлар ва ҳаракатлар ҳам ўз байроғига эга бўлиши мумкин.

**БАРКАМОЛЛИК** – камолот, балоғатга эришган, бекамму кўст, етук, мукамал, комил, маърифатли кишиларга нисбатан қўлланадиган тушунча. У инсоннинг ақлий, маънавий, ахлоқий жиҳатдан етуклиги, ўзи танлаган касб-ҳунарнинг устаси бўлиши, шахс сифатида шаклланиб, Ватан тараққиёти, эл-юрт фаровонлиги учун жон куйдириши, эзгу ғоя ва ниятлар билан бунёдкорлик ва яратувчанлик қобилиятига эга бўлишини ҳам англатади. Баркамол инсон бошқаларга ўрнак бўлади, уларни ўз ортидан эргаштиради. Бундай инсонлар қанча кўп бўлса, жамият шунча баркамол бўлади, илм-фан, маданият ривож топади. Баркамоллик ватанпарварлик, жасорат, ҳиммат, қатъият, ғиёра мустаҳкамлиги каби фазилатларни ўзида мужассамлаштирган тушунчадир.

**БАРҚАРОРЛИК** (ижтимоий, маънавий) – жамиятда ҳукм сураётган тинч-тотувлик, бирдамликни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлашга асосланган тинч шарт-шароитнинг мавжудлиги; ижтимоий қатламлар, гуруҳ ва сиёсий партиялар ўртасидаги ҳамжиҳатлик; давлат, жамоат ташкилотлари, фуқаролар ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорлик қарор топганини англатадиган тушунча.

**БАХТ** – маънавият категорияси, ахлоқий онг тушунчаси; кишининг ўз турмушидан мамнунлик, муродмақсадга етганлик ҳолати, ҳаётининг бекаму кўстлиги ва муайян маъно касб этганидан ҳосил қиладиган қаноати. Бахт юксак ижтимоий мазмунга, инсонларни муайян мақсадларга (бахтга эришиш) чорлайдиган, ижобий моҳиятга эга бўлган категориядир.

**БАҒРИКЕНҒЛИК** (толерантлик) – (лотинча “tolerare” – “сабр-тоқат”, “чидамоқ”) жамиятдаги турфа маданиятлик, плюрализм, турли-туманлилик ва хилма-хилликларнинг мавжудлигини тан олиш, қабул қилиш, тўғри тушуниш ва ҳурмат қилишга қаратилган ижобий муносабат. Ўзбек тилида бағрикенглик сабрлилик, тоқатлилик, бардошлилик, чидамлилик каби бир қатор

синонимларга эга. Бағрикенглик ғояси узоқ тарихга эга бўлиб, ушбу тушунча асрлар давомида шакллана борди ва бу жараён ҳозирда ҳам давом этмоқда.

Диний соҳада бағрикенглик хилма-хил диний эътиқодда бўлган кишиларнинг ҳамкор ва ҳамжихат бўлиб яшаши, кишилик жамияти равнақи йўлида хизмат қилишини англатади. Диний бағрикенглик тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, озод ва обод Ватан қуришнинг муҳим шартидир.

**БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ (БМТ)** – 1945 йилда тинчлик ва хавфсизликни сақлаш учун тузилган, миллатларнинг умумманфаатини ифода этадиган, дунё давлатларининг ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган энг нуфузли халқаро ташкилот. БМТнинг мақсади: халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, бунинг учун тинчликни бузувчиларга қарши биргаликда чоралар кўриш; халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаш тамойили асосида барча миллатлар ўртасида дўстона муносабатларни шакллантириш ва ривожлантириш; иқтисодий, ижтимоий, маданий ва инсоний характердаги халқаро муаммоларни ҳал этишда ҳамкорликни амалга ошириш.

**БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ** – иқтисодий алоқаларнинг йиғиндиси бўлиб, ўз қонунларига эга, яъни эркин рақобат, эҳтиёж ва ишлаб чиқариш, талаб ва таклифларнинг миқдори ва таркибини бир-бирига мувофиқлаштириш, хусусий мулкчилик шаклларининг хилма-хиллиги, мулкка эгалик, хўжалик юритиш ишларига фақат иқтисодий усуллар билан таъсир кўрсатиш, фан ютуқларини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш каби иқтисодий қонунларга бўйсунди. Бозор иқтисоди халқнинг ижоди ва меҳнат имкониятларини юзага чиқариб, тадбиркорлик ва ишбилармонлик учун кенг йўл очади.

**БУНЁДКОР ҒОЯ** — жамиятни тараққиёт сари етакловчи, турли гуруҳ ва қатламларни, миллатларни эзгу



мақсад йўлида биргаликда ҳаракат қилишга ундовчи, амалга оширишнинг реал асослари бўлган ғоя.

**БУРЧ** – маънавий соҳада юксак масъулият, лафзи ҳалоллик, ваъдага вафо қилишни; ҳуқуқий соҳада қонун ҳужжатлари, шартнома, иш бўйича юкланган мажбуриятни англатувчи тушунча. Бурч – инсон маънавиятининг таркибий қисми, маънавият фалсафасининг фундаментал категорияларидан бири. Бу тушунча шахс зиммасига қўйилган талабларга нисбатан масъулияти ва мажбуриятини бажариш маънавий заруратга айланишини ифодалайди. Маънавий қадрият – бурчнинг манбаи инсон бўлиб, унинг мазмун-моҳияти жамиятга, ижтимоий тузилмаларга муносабатида намоён бўлади. Бурч категорияси масъулият, ўзликни англаш, виждон, хулқ каби тушунчалар билан боғлиқ ҳолда юзага чиқади.

**БУЮК ДАВЛАТЧИЛИК ШОВИНИЗМИ** – (Шовинизм – *франц.* буржуа миллатчилигининг ўта реакцион формаси). Шовинизм сиёсати бошқа миллат ва халқларга нафрат ва душманликни авж олдиришга қаратилган. Шовинизм гўё тўлақонли бўлмаган бошқа миллатлар ва ирқлар устидан ҳукмронлик қилишга даъват этилган бир миллатнинг алоҳидалигини (“мумтозлигини”) тарғиб этади.

**БУЮК ИПАК ЙЎЛИ** – эраמידан олдинги 122–138 йиллардан то XX асрга қадар Шарқ ва Ғарб ўртасидаги қадимги савдо-сотиқ, тижорат, дипломатик ва маданий-илмий алоқалар йўли. Бу йўл Хитойдан бошланиб, Марказий Осиёга келгач, иккига айрилган. Биринчиси Каспий денгизнинг шимолий қисми орқали Кавказга, ундан жанубга, иккинчиси Каспийнинг жануби орқали Олд Осиёга йўл олган. Марказий Осиё Ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент ва Фарғона водийсининг айрим шаҳарларида йирик савдо марказлари ҳисобланган, улар Мовароуннаҳрнинг иқтисодий ва маданий юксалишида катта ўрин тутган.

**ВАЙРОНКОР (БУЗҒУНЧИ) ҒОЯЛАР** – 1) бунёдкор ғояларга зид бўлган, ёвузлик ва жаҳолатга хизмат қиладиган ғоялар мажмуини ифодалайдиган тушунча; 2) инсонни ва жамиятни тубанликка бошлайдиган, одамларни ғаразли ният ва қабих мақсадларга ундайдиган, халқлар ва давлатларни таназзул ва ҳалокатга маҳкум этадиган ғоялардир.

**ВАТАН** – кишиларнинг яшаб турган, уларни авлод ва аждодлари туғилиб ўсган жойи, ҳудуди, ижтимоий муҳити, мамлакати. Ватан бир-бирини тақозо этувчи ташқи муҳит ва ички кечинмалар ҳамда тушунчаларни ўз ичига олади. Ватан киши ёки авлодлар туғилиб ўсган ва камол топган жой, замин, ўлкадир.

**ВАТАН РАВНАҚИ** – ҳар бир кишининг манфаатларини юрт манфаатлари билан уйғунлаштирувчи, уни халқ бахт-саодати йўлида хизмат қилишга ундовчи бунёдкор ғоядир.

**ВАТАНПАРВАРЛИК** – кишиларнинг ижтимоий ва маънавий-ахлоқий хислатларининг, фазилатларининг юксак намоён бўлиши ҳисобланади. Зеро, улар негизида ота-боболардан мерос қолган заминни севиш, урф-одатларни, қадриятларни сақлаш, эл-юрт равнақи учун чин дилдан меҳнат қилиб, Ватанни душманлардан ҳимоя қилиш, ҳар қандай қарамликдан озод этиш, ҳатто зарур бўлса, унинг озодлиги ва мустақиллиги учун жонини ҳам аямаслик кабилардир.

**ВИЖДОНЛИЛИК ВА ВИЖДОН УЙҒОҚЛИГИ** – шахснинг ўз ахлоқини назорат қила олиш, ўз яқинлари ва бошқа одамларнинг ишлари, қилмишларига яхшилик ва ёмонлик мавқеидан баҳо бера олиш лаёқатига эга бўлиш ва ўз виждонига мувофиқ тарзда ҳаётий фаолиятини юритиш хулқ-атворига эғалигини ифодаловчи ахлоқий фазилат. У бир неча таркибий қисмлардан иборат:

- а) Ватанига садоқатли бўлиш;
- б) умумманфаатини ўз манфаатидан устун қўйиш;
- в) ҳалоллик;

г) бировнинг ҳаққини ноҳақ ўзлаштирмаслик.

**ГЛОБАЛЛАШУВ** (лот. globus – “шар”, “Ер сайёраси”) – XX асрнинг иккинчи ярми – XXI аср бошида жаҳон тараққиётида шаклланган янги умумсайёравий тартиботлар, давлатлар ва кишилар ўртасида ўзаро алоқаларнинг кенгайиши ва мураккаблашиши, дунё миқёсида ахборот макони, капитал, товар ҳамда ишчи кучи бозоридаги интеграциялашув, атроф муҳитга техноген таъсирнинг кучайиши, оммавий маданият намуналарининг кенг тарқалиши, ахборот-мафкуравий ва диний-экстремистик хуружлар хавфининг ортиб боришини ифода этувчи тушунча.

**ГУМАНИЗМ ҒОЯЛАРИ** – мазмун-моҳиятига кўра, баъшариятга хос бўлган, инсонни инсон қиладиган, унинг ҳаётини теран маъно-мазмун билан бойитадиган юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни ўзида мужассам этадиган қарашлар ва таълимотларни англатувчи тушунча. Гуманизм ғояларига кўра, ҳар бир инсоннинг асосий фазилати табиий эҳтиёжларини қондириш билан эмас, балки меҳнат қилиш, ақл-идрок ва тафаккурга эга бўлиш, фикрлай олиш, маданият ва маънавият соҳиби бўлиш билан белгиланади.

**ГЕГЕМОНИЗМ** (юнонча, гегемония – “етакчилик”, “бошқариш”) – турли соҳаларда, жумладан, маънавий соҳада ҳам устунлик ва ўз ҳукмига бўйсундиришни англатувчи тушунча. Гегемонизм моҳиятан дунё барқарорлигини таъминлаш ёки уни мустаҳкамлашга қаратилган сиёсатга зид ҳодиса бўлиб, ижтимоий тараққиёт, жамият барқарорлиги ва хавфсизлигини издан чиқаради. Баъзи давлатларнинг барча соҳаларда устунлик қилиш ва дунёни ўз ҳукмига бўйсундиришга интилиши инсоният тарихининг турли босқичларида салбий оқибатларни келтириб чиқарган. Гегемонизм бирон-бир қудратли кучнинг манфаатларини устувор даражада, бир томонлама таъминлаш мақсадини кўзлагани сабабли у бошқа томоннинг манфаатларига зид бўлиб, ижтимоий, сиёсий ва маънавий ривожланиш-

га путур етказади. Бундай адолатсизлик етарли имкониятга эга бўлмаган давлатлар ва миллатларнинг халқаро жараёнларда тўлақонли иштирок эта олмаслигига сабаб бўлади. Натижада, табиий равишда бундай мамлакатлар халқларида гегемонликка интилган давлатлар ва халқларга нисбатан нафрат, норозилик кайфияти пайдо бўлади, дунё ҳамжамиятининг барқарор ривожидан давлатлараро муносабатларга салбий таъсир этади.

**ДАВЛАТ** – бутун мамлакат миқёсидаги ҳокимиятнинг махсус бошқарув аппарати таянадиган, барча учун қонунлар чиқарадиган ва суверенитетга эга бўлган сиёсий ташкилотни ифодаловчи тушунча. Давлат жамиятнинг ҳокимият кучига, шунингдек, ижтимоий неъматлар ҳамда воситаларни тақсимлаш имкониятларига эга бўлган қисми ҳисобланади. Ҳар бир давлат бетакрор ижтимоий ҳодисадир. У тарихий ва маънавий тараққиётнинг ҳосиласи, муайян бир халқнинг ўзига хос маданий ривожининг натижасидир.

**ДАВЛАТ БАЙРОҒИ** – ҳар қандай давлатнинг ўтмиши, давлатчилик анъаналари, сиёсий тузуми, иқтисодий салоҳиятини ифода этадиган рамзлардан бири. Давлат байроғи махсус қонун билан ёки Конституция асосида расмийлаштирилади. Давлат байроғи – мустақил давлат ва унда яшовчи фуқаролар дахлсизлигининг аниқ ифодасидир. Давлат байроғи айни шу давлатдаги миллий, ҳарбий ва партиявий бирлик ҳамда уюшмаларнинг ҳам рамзий белгисидир. Давлат байроғи одатда бир рангли ёки кўпрангли матодан иборат бўлиб, унинг бир томони дастага маҳкамланади. Ўзбекистон Давлат байроғи Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши сессиясида 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган.

**ДАВЛАТ ГЕРБИ** – давлат рамзи, давлатнинг миллий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий хусусиятлари ва давлат тузуми, жўғрофий ва бошқа белгиларини шартли равишда ифодаладиган тамға – белги. Герб давлат муҳрида, расмий бланкаларда, фуқаролик паспортларида, муҳим ҳужжат, пул ва давлат заёмларида акс эттирилади. Герб-

нинг барча хусусиятлари махсус қонун ёки Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилади. Ўзбекистон Давлат герби Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши сессиясида 1992 йил 2 июлда қабул қилинган.

**ДАВЛАТ ГИМНИ** (юн. мадҳия қўшиғи) – ҳар бир давлатнинг мақсад-муддаоларини шеърӣ матн ва мусиқа жўрлигида тантанали маросимларда ижро этиладиган, ўзининг қонунӣ мақомига эга бўлган давлат рамзларидан бири. Давлат гимни шакли ва маъно-мазмунида муайян давлатда истиқомат қилаётган миллат ва элатлар, ижтимоӣ гуруҳ ва табақалар мақсадлари ҳамда қарашлари акс этади. Давлат гимни ғоявий йўналиши ва акс эттириш воситалари билан бошқа мусиқӣ асарлардан фарқ қилади. Гимн давлат ҳаётининг барча соҳаларида беқиёс аҳамият касб этиб, сиёсий ташвиқотнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Гимнлар тантанали байрамлар, сиёсий чиқишлар, расмӣ давлат қабуллари, ҳарбий парадлар, тарихӣ саналарга бағишланган йиғинлар, йирик байналмилал ва миллий қадриятларга бағишловлар, турли давлатлар бошлиқларини кутиб олиш ва кузатиш, ҳарбий қасамёд қабул қилиш, халқаро олимпиада мусобақалари, кинофестиваллар ўтказиш чоғида ижро этилади. Давлат гимни давлат мустақиллиги ва суверенитети тимсоли ҳисобланади. Ўзбекистон Давлат гимни Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши сессиясида 1992 йил 10 декабрда қабул қилинган. Унинг сўзини Абдулла Орипов, мусиқасини Мутал Бурҳонов ёзган.

**ДАВЛАТ ТИЛИ** – ҳар қандай давлатнинг тарихӣ тараққиёти негизида вужудга келган, ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг инъикоси, авлодлар ўртасидаги руҳӣ-маънавий боғлиқлик воситаси, мамлакатда истиқомат қилаётган турли миллат ва элатлар яқдиллигини ифода этадиган, давлат доирасида ва давлатлараро муносабатларда ўзаро мулоқот воситаси ҳисобланган, қонунӣ мақомга эга бўлган ҳамда қонун билан ҳимояланган расмӣ тил. 1989 йил 19 октябрда ўзбек тили Давлат тили деб эълон қилинди.

**ДЕМОКРАТИЯ** (*юнонча*, “демос” – халқ, “кратос” – ҳокимият) – халқ ҳокимияти маъносини англатиб, халқни ҳокимият манбаи, деб билувчи сиёсий тизим шакли. Демократия инсонни ҳар томонлама баркамол ривожланиши учун берилган имконият бўлиб, давлат конституциясида озчиликнинг кўпчиликка бўйсунishi тамоиили расмий эълон қилинган ҳамда фуқароларнинг эркинлиги тенг ҳуқуқлилиги эътироф этилган. Демократия ҳар бир даврнинг ижтимоий-иқтисодий шароитларига мос шаклланиб, ривожланиб борувчи чегарасиз табиий-тарихий жараёндир.

**ДУНЁ** (*араб.*) – 1) инсонни қуршаб турган моддий ва маънавий борлиқ; 2) космик фазодаги материянинг барча кўринишлари; 3) коинот, юлдузлар олами, 4) Ер, Ер юзи, Ер шари, Ер шаригадаги аҳоли; 5) кишилиқ жамияти (жамоа), ижтимоий муҳит, инсон фаолият кўрсатадиган макон, тузум; 6) ҳаётнинг, нарса ва ҳодисаларнинг айрим соҳалари, борлиқнинг бирор белгиси билан бирлашган бўлаги; 7) бутун олам, бутун жаҳон, дунёдаги барча одамлар, халқлар; 8) кишининг ички, руҳий ҳаёти ва у билан боғлиқ ҳодисалар мажмуи.

**ДУНЁВИЙЛИК** – давлатда дунёвий нормалар ва асосларга таянган ҳолда сиёсат олиб боришни англатувчи тушунча бўлиб, жамият ва инсонни эзгу мақсадлар сари етаклайдиган соғлом фикрлар мажмуидир. Бу ғоялар, мазмун-моҳиятига кўра, умуминсоний, илмий, фалсафий каби бир неча турларга бўлинади. Дунёвий ғоялар миллат, давлат, халқ ва жамият эҳтиёжлари, мақсад-муддаолари, манфатларининг ривожланиш йўлини белгилаб олишга доир долзарб ғояларни ташкил этади. Дунёвий ғоялар адолат ва ҳақиқат, эркинлик ва мустақиллик руҳини, тараққиёт йўлидаги олижаноб мақсадларни ўзида ифода этиб, Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги учун хизмат қилишни назарда тутади.

**ДУНЁНИНГ МАФКУРАВИЙ МАНЗАРАСИ** – жаҳонда рўй бераётган ғоявий жараёнлар, мавжуд мафкура шакллари, уларнинг моҳияти, мақсадлари ва ўзаро муноса-

батлари билан боғлиқ ҳолат, хусусият ва фаолиятини яхлит тарзда акс эттирувчи тушунча. Бугунги дунё муайян яхлитликни ташкил этса-да, ундаги минтақа ва давлатлар, миллат ва халқлар тарихий шарт-шароит, жўғрофий жойлашуви, геостратегик ҳолатига кўра турли мавқега эга. Ҳозирги давр – дунёда ғоявий қарама-қаршиликлар мураккаб тус олган, мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кучлироқ бўлиб бораётган давр. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзарасига назар ташланса, аксарият илғор давлатларда умуминсоний қадриятлар ва демократик тамойилларга асосланган мафкуралар амал қилмоқда. Уларда тинчлик ва тараққиёт, инсон ва жамият камолотига хизмат қиладиган умуминсоний ғоялар устувордир. Шу билан бирга, инсон онгида янгича дунёқараш ва тафаккур тарзи шаклланаётган ҳозирги даврда муайян кучларнинг мафкура майдонида ҳукмронлик қилишга, ўз таъсир доирасини кенгайтиришга қаратилган интилиши кучайиб бормоқда. Тажовузкор миллатчилик ва шовинизм, неофашизм ва терроризм, ирқчилик ва экстремизм мафкуралари шулар жумласидандир.

**ЁЛҒОН** – жамиятда, кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатларда намоён бўладиган салбий иллат. Ёлғон сўз азалдан барча халқлар томонидан тухмат, бўҳтон, чақимчилик, манманлик, қўрслик, қўрқоқлик, бепарволик сингари ўта жирканч иллатлар сифатида қораланиб келинган. Ёлғон сўз, ёлғон хабар жамиятда ҳам, маҳаллада ҳам, оилада ҳам жиддий оқибатларга олиб келиши, кишилар орасига нифоқ солиши, оилаларнинг бузилишига, мамлакатда парокандаликнинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин. Айниқса, ахборот-коммуникация воситалари, техника ва технологиялар тараққий этган ҳозирги даврда ёлғон хабарнинг қанчалик машъум, бузғунчи роль ўйнаши, халқаро муносабатларда алғов-далғовларни келтириб чиқариши мумкинлигини кўрсатмоқда. Дарҳақиқат, ёлғон сўз, ёлғончилик, ёлғон хабар ўзининг маъно-мазмуни, моҳияти билан киши-

лар ўртасидаги, жамиятдаги ҳамжиҳатликка раҳна солиб, меҳнат жамоалари, оила ва маҳаллада тинчлик-аҳилликни бузишга йўналтирилган бўлади. Шу маънода, ёлғон сўз, ёлғончилик – адолат, ҳақиқат, тинчлик-осойишталик, жамиятдаги бунёдкорлик ва яратувчанлик, ташаббускорлик ва тараққиётга тўсқинлик қиладиган маънавиятга зид иллатдир.

**ЖАВОБГАРЛИК** – инсоннинг муайян фаолият ва хатти-ҳаракати учун, уларнинг оқибатига қараб жамоа, жамият ёки қонунга кўра, давлат олдидаги масъуллигини ифодалайдиган тушунча. У, мазмун-моҳиятига кўра, маънавий, ахлоқий ва ҳуқуқий турларга бўлинади. Маънавий-ахлоқий маънода жавобгарлик инсоннинг эл-юрт, жамият, давлат ва бошқалар қаршисидаги масъулияти, маънавий қарзи сифатида намоён бўлади. Ваъдага вафо қилиш, миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат, оила, маҳалла, жамоа олдидаги ижтимоий бурч туйғуси жавобгарлик ҳиссининг асосида ётади. Қонун бўйича жавобгарлик интизомий, маъмурий, моддий ва жинойий турларга бўлинади. Жинойийни содир этган шахс ўз қилмиши учун қонунда белгиланган жавобгарликка тортилади.

**ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ** – инсон бу дунёнинг сир-асрорларини етарли даражада англаши, ўзининг ким эканини билиши ва ҳаёт мазмунини тушуниши керак. Бугунги кунда бунинг ягона йўли профессионал шахс сифатида вояга етиш бўлиб қолди. Профессional шахс бўлиш учун ўз нафсини тия билиш, касб маҳоратини эгаллаш ва одам бўлиб яшаш кўникмасини ҳосил қилиш керак. Буларнинг барчаси бир сўз – билмоқ (маърифат) замирида жо бўлган. Билимли киши жаҳолат, нодонлик ва ёвузликка қўл урмайди. Бу “жаҳолатга қарши маърифат” тамойилининг мазмунидир.

Маълумки, маърифатга йўлтирилган фикр, ғоя ҳар қандай шахсни, жамиятни турли тажовузлардан ҳимоя қила олади. Халқимиз маънавий ва ахлоқий қадриятларида ватанпарварлик, инсонпарварлик, миллий ифтихор, бағрикенглик



каби хусусиятлар устувордир. Уларни изчил тарғиб қилиб бориш билан маънавий таҳдидларга ғоявий зарба бериш мумкин.

**ИДЕАЛ** – мутлақ баркамоллик, шундай баркамоллик ҳақидаги тасаввур.

**ИММУНИТЕТ** (*лот.* immunillare – бирон нарсадан халос бўлиш, қутулиш) – организмнинг доимий равишда ўз ички барқарорлигини сақлаши, турли хусусиятларга эга ташқи таъсирлардан, хусусан, инфекциялар кириб келишидан ҳимояланишга қодир бўлган реакциялар мажмуаси. Инсон бутун ҳаёти давомида ташқи таъсирга жавобан акс-садолар сифатида орттирган билим ва малакалари асосида ўзида иммунитет тизимини шакллантиради. Охириги пайтларда мамлакатимизда инсон маънавиятига нисбатан ҳам иммунитет атамаси ишлатилмоқда. Бунда инсон онгу тафаккури, унинг билим савияси билан боғлиқ ҳолда, иммунитет тизимининг асосий қисмлари сифатида қуйидагилар ажратиб кўрсатилмоқда: 1) воқеликни тўғри ва тўлиқ акс эттирадиган, инсон маънавиятининг бойиши ва жамият тараққиётига хизмат қиладиган билимлар; 2) шундай билимлар замирида шаклланадиган ва мафкуравий тажовузлар қаршисида мустаҳкам қалқон бўлиб хизмат қиладиган қадриятлар тизими; 3) ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий-маърифий соҳалардаги аниқ мўлжал ва мақсадлар. Шу маънода, мафкуравий иммунитет тизими маънавий баркамол, иродаси бақувват, иймони бутун шахсни тарбиялашда, ҳар қандай реакцион ва бузғунчи ғоявий тажовузларга, маънавий таҳдидларга муносиб зарба бера оладиган ёшларни камол топтиришда қўл келади.

**ИМОН** (*араб.* ишонч) – 1) Худога бўлган ишонч-эътиқод; кўнгилда ишониш ва тилда иқрор қилиш; 2) умуман, ишонч; 3) муайян фикр, олий ғоянинг ҳақиқатлигига комил ишониш, шу ишончни эътиқодга айлантириш. Шунинг учун ҳам имон сўзи эътиқод сўзи билан ёнма-ён келиб, иймон-эътиқод тарзида ишла-

тилади. Имон инсон онги ва рухиятига сингган, ундан мустаҳкам ўрин олган дунёқараш сифатида қудратли ҳаракатлантирувчи куч, инсон иродасини мустаҳкамлаш воситасидир. Имон туфайли одам руҳи эзгулик сари интилади, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг инсонийлашувида муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, ҳар қандай ғоя ва дунёқараш инсоннинг имон-эътиқодига айлангандагина ҳаракатлантирувчи моддий ҳамда руҳий куч сифатида намоён бўлади. Умуминсоний ахлоқий қадриятлар – сўз билан иш (амал), тил ва дил бирлиги, инсоф, диёнат, ҳалоллик-поклик, виждонлилик, садоқат, муҳаббат, ватанпарварлик, шунингдек, оила, жамият, халқ ва бутун инсоният олдидаги бурчни англаш каби фазилатлар имонлилик шартлари ҳисобланади.

**ИНТЕГРАЦИЯ** – бирлашиш, бирикиш, яхлит бир бутуннинг шаклланиши. Интеграция – миллий иқтисодиётларнинг сифат жиҳатидан янги шароитларга эга бўлиши ва мамлакат тараққиёти имкониятларини кенгайтириш мақсадида, ихтиёрий равишда бирлашиши, бир-бирларига ўзаро таъсир этиш жараёни.

**ИРҚЧИЛИК** – одамлар ўртасидаги ижтимоий тенгсизлик, босқинчилик, зўравонлик ва урушларни кишиларнинг турли ирқларига мансублиги билан оқлашга хизмат қилувчи ғайримиллий таълимот. Ирқчилар инсонларнинг ижтимоий моҳиятини уларнинг биологик – ирқий (кўзи, сочи ва терисининг ранги, бош ва юз тuzилиши каби ташқи, иккинчи даражали жисмоний) белгилар билан боғлаб, уларни олий ва қуйи, бекаму кўст ва норасо ирқларга ажратадилар.

**ИСЛОҲОТ** (*араб.* тўғрилаш, ўзгартириш) – 1) мавжуд ижтимоий тузум асосларига путур етказмасдан ижтимоий ҳаётнинг бирон-бир соҳасини ёки барча жабҳаларини замона талаблари асосида ўзгартириш, қайта қуриш; 2) илғор янгиликни жорий этиш. Ислоҳот ижтимоий муносабатларни такомиллаштириш, етилган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий муаммоларни ҳал этиш воситасидир.

**ИЧКИ ТАҲДИДЛАР** – ўз Ватанига, ватандошига, ватандошларига зарар етказишга қаратилган ғоя, хатти-ҳаракатлардир.

**КОНСТИТУЦИЯ** (*лот. constitutio* – ўрнатиш, тузилиш) – давлатга, жамиятга ва инсонга оид энг асосий ҳуқуқий муносабатларни комплекс тартибга соладиган бу борада бошқа қонунлар учун ҳуқуқий пойдевор вазифасини ўтайдиган, олий юридик кучга эга бўлган, қатъий тизимлаштирилган мамлакат мустақиллигининг кафолати бўлган асосий қонун. Конституция қабул қилиш давлат қурилишининг асосий хусусиятларини аниқ белгилаш имконини яратади, ҳуқуқий ислоҳотларни соддалаштиради. Конституция ҳуқуқий тартибга солишнинг энг асосий ва мақбул юридик шаклидир. Мустақил Ўзбекистоннинг Конституцияси 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган.

**ЛОҚАЙДЛИК** – инсон, жамият, миллат ишига бепарво ва совуққонлик билан ёндашиш, муносабатда бўлишни ифодаловчи маънавий иллат. Муайян кишининг гоҳида ўз ҳаёти, ўзгалар фаолияти, атрофда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга бефарқлиги ва лоқайдлигини англатувчи тушунча. Ҳаётининг позициянинг аниқ эмаслиги, долзарб вазифалардан ўзини олиб қочиш, эл-юрт, жамият ва миллат ташвишларидан четда туриш лоқайдлик белгиларидир.

**МАСЪУЛИЯТ** – маънавий, ижтимоий ва маъмурий-ҳуқуқий соҳаларда кенг қўлланиладиган тушунча; маънавият нуқтаи назаридан ёндашилганида бурч; ижтимоий маънода жамият ва бошқалар олдидаги маънавий қарздорлик; маъмурий жиҳатдан, ижтимоий тартибга солишнинг турли меъёрларини амалга оширишни назарда тутувчи жамоатчилик назоратининг намоён бўлиши; ҳуқуқий ёндашувда эса, асосан, юридик жавобгарликни англатадиган серқирра ва кенг маъноли категория.

**МАТБУОТ** – турли давлат ва нодавлат ташкилотлар, идоралар, ҳаракатлар, бирлашма ва марказлар, шунингдек, ихтисослашган ва ўз лицензиясига эга бўлган хусу-

сий ва юридик шахслар томонидан чоп этиш воситасида обуна ва эркин савдога чиқариш орқали аҳоли ўртасида тарқатиладиган, турли-туман мавзуларни қамраб оладиган ОАВ. Газета, журнал, ахборотнома, бюллетенлар, ахборот агентликлари, ТВ (кабелли, эфир-кабелли ТВ) ва радиоэшиттиришлар, ҳужжатли кино, электрон ахборот тизими, шунингдек, доимий номга эга бўлган, давлат тасарруфидаги, мустақил ва бошқа оммавий даврий нашрлар шулар жумласидандир.

**МАФКУРА** (араб. фикрлар мажмуи) – муайян ижтимоий гуруҳ, қатлам, миллат, жамият, давлат манфаатлари, орзу-истак ва мақсад-муддаолари ифодаланган ғоявий-назарий қарашлар ҳамда уларни амалга ошириш тизими. Унда манфаатлар ифодаланаётган куч ва қатламларнинг ўтмиши, бугунги куни ва истиқболи ўз ифодасини топади. Инсоният тарихида турли-туман мафкуралар бўлган. Турли халқлар ва ижтимоий кучларнинг ғоявий раҳнамолари, мутафаккир ва арбоблари, ўзларининг манфаат ва мақсадларидан келиб чиқиб, мафкуравий таълимот ва дастурлар ишлаб чиққанлар. Мафкура муайян диний, фалсафий таълимот асосида яратилади, маълум илмий қараш ва ахлоқий тамойилларга таянади. Мафкуралар ўз моҳияти ва таъсир кучига кўра, жамиятни бирлаштириши ёки уни бир-бирига қарама-қарши тарафларга бўлиб юбориши, давлатнинг жаҳондаги обрў ва мавқеини ошириши ёки тушириши, халқларни юксакликка кўтариши ёки таназзулга дучор этиши мумкин. Юксак мақсадлар, бунёдкор ғояларга асосланган мафкура ижтимоий-иқтисодий тараққиётга туртки бўлади, маънавиятни юксалтиради, инсонларни улуғвор ишларга сафарбар этади. Озодлик, эркинлик, мустақиллик, тинчлик, ҳамкорлик ғоялари асосида шаклланган, эзгу мақсадларга хизмат қиладиган мафкура бунёдкорлик хусусиятига эга бўлади. Вайронкор ғоялар асосида шаклланган мафкуралар эса жамият тараққиётига ғов бўлади, миллат ва халқларни асоратга солади.

**МАФКУРАВИЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ ГЛОБАЛЛАШУВИ** – мафкуравий кураш умумбашарий миқёс касб этганини ифодаловчи тушунча. Инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини глобаллашув жараёни қамраб олди. Натижада жамият бир бутун яхлит бўлиб, инсоний муносабатлар макон ва замон чегараларини писанд қилмасдан бутун ер юзидан ягона жараёнга айланди.

**МАФКУРАВИЙ МУАММОЛАР** – мафкура соҳасида ҳал қилиниши зарур бўлган муаммолар мажмуини ифодаловчи тушунча. Ҳар бир давлатда янги пайдо бўлган, ечимини топмаган муаммолар бўлиши мумкин. Ҳоявий беқарорликка чек қўйиш, мафкуравий бўшлиқни тўлдириш, мафкуравий таҳдиднинг олдини олиш, мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш каби масалалар мажмуи. Бундай муаммолар жамият ҳаётининг бир тарихий босқичидан иккинчисига ўтиш даврида, айниқса, жиддий аҳамият касб этади.

**МАФКУРАВИЙ ПОЛИГОН** – одамлар ва халқларнинг қалби ва онгини эгаллашга қаратилган турли ғояларнинг синов майдони.

**МАФКУРАВИЙ ПЛЮРАЛИЗМ** (лот. Pluralis – “хилма-хиллик”, “ранг-баранглик”) – ижтимоий-сиёсий ҳаётда турли қатлам, гуруҳлар манфаатларини ифода этувчи ғоявий ранг-барангликни, қарашлар ва фикрлар хилма-хиллигини ифодалайди. Инсон ва жамият ҳаётида ғоялар ва мафкуралар хилма-хиллигининг номоён бўлиши ижтимоий-маънавий эҳтиёж ифодасидир.

**МАФКУРАВИЙ ПРОФИЛАКТИКА** – мафкуравий парокандаликнинг олдини олиш, мафкуравий бўшлиқни тугатиш, бирор-бир ҳудуд, қатлам, ижтимоий институтлар томонидан амалга ошириладиган ғоявий-тарбиявий, маънавий-мафкуравий ишлар мажмуи.

**МАФКУРАВИЙ СИЁСАТ** – муайян мафкуравий қарашларни одамлар онгига сингдириш, уларни маълум мақсад атрофида уюштириш, бошқариш учун услуб ва воситалар, уларни ишлаб чиқиш, тартибга солиш билан

боғлиқ фаолиятлар мажмуи.

**МАФКУРАВИЙ ТАЖОВУЗ** – муайян миллат, жамият, давлатнинг танлаган истиқбол йўлидан оғишга йўналтирилган, ғаразли мақсадларга эришиш учун фуқаро ва жамият хавфсизлигига, тинчлик ва барқарорлигига таҳдид солувчи ғоявий-назарий қарашлар ва унга асосланган амалиёт мажмуи.

**МАФКУРАВИЙ ТАРБИЯ** – инсон, ижтимоий қатлам, гуруҳ, миллат, жамият дунёқарашини йўналтирадиган, уларда маълум эътиқодни шакллантирадиган билимлар билан қуроллантиришга йўналган жараён.

**МАНҚУРТ** – ўз эли, тарихи, қон-қариндошини, ҳатто ўзи тукқан онасини ҳам унутган, ўз келажагини тасаввур эта олмайдиган кишилар ва халқларнинг мажозий образи.

**МАЪРИФАТЛИЛИК** тушунчаси кенг қамровли, серқирра фазилат бўлиб, инсоннинг ўқимишлилиги, маърифатга интилувчанлиги, билимдонлиги, олийжаноблиги каби хислатларни англатади. Ўз халқининг тарихини, миллий ва диний қадриятларини, тилини, истиқбол манфаатларини билган, қадрлаган, миллий мансублигини англаган, ўз миллатининг истиқболи учун қайғурадиган инсонларни маърифатлилик фазилатига эга дея оламиз.

Маърифатлилик тўрт жиҳати билан ажралиб туради: а) ўз ҳақ-ҳуқуқини таниш; б) ўз кучи ва имкониятларига таянадиган инсон бўлиш; в) атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билдира олиш; г) шахсий манфаатини мамлакат ва халқ манфаати билан уйғун ҳолда фаолият юритиш.

**МИЛЛАТЧИЛИК** – ўз миллатининг манфаатларини бошқа миллатлар ҳақ-ҳуқуқларидан юқори қўйиб ҳал этишга интилувчи сиёсий оқим.

**МИССИОНЕРЛИК ВА ПРОЗЕЛИТИЗМГА МУРОСАСИЗЛИК** – бир динга эътиқод қилувчи халқлар орасида бошқа бир динни тарғиб қилиш ҳамда тўғридан-тўғри бирон-бир динга ишонган фуқарони ўз динидан воз

кечишга ва ўзга динни қабул қилишга мажбур қилишга қаратилган назарий қарашлар ва амалий хатти-ҳаракатларни рад этиш, уларга нисбатан фаол ҳаётий позицияни намоён этиш билан боғлиқ фазилат.

Ушбу фазилат: а) миссионерлик ва прозелитизм миллат ва жамиятни диний асосда бўлиб ташлашга қаратилганини теран англаш; б) ўта нозик шаклларда олиб борилаётган миссионерликнинг ғоявий-ақидавий асосларини фош этиш; в) миссионерликнинг олдини олишга қаратилган ҳаракатларда фаол иштирок этиш; г) кишиларда соғлом эътиқодни шакллантириш йўлида амалий ҳаракатлар олиб боришдек хусусиятларни ўзида мужассам этади.

**МУСТАҚИЛЛИК ТАФАККУРИ** – ўз ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллиги учун зарур бўлган ғоялар билан қуролланган кишиларнинг мафкураси, эътиқоди, тафаккур услубидир.

**МИЛЛИЙ ИФТИХОР** – миллий ғурурнинг зоҳири, намоён бўлиш шакли; миллат маънавий камолотининг барча жиҳатларини, мероси ва бугунги қадриятларини ўз ичига олади. Миллий истиқлол натижасида эришилган ва эришилажак иқтисодий ва маънавий ютуқлар кўпайган сари ўз юрти билан фахрланиш ҳисси – миллий ҳис шунчалик кўпайиб бораверади.

**МИЛЛИЙ ҒУРУР** – шахс, ижтимоий гуруҳнинг миллий ўз-ўзини англаши асосида шаклланадиган, аждодлари қолдирган моддий, маънавий меросдан, ўз халқининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси, ўша миллатлар олдидаги кадр-қиммати, обрў-эътиборидан фахрланиш ҳиссини ифодаловчи тушунча.

**МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ** – Ўзбекистонда яшовчи барча миллат ва элат вакилларининг туб манфаатларини, халқимизнинг асрлар мобайнида интилиб келган орзу-идеалларини, олийжаноб мақсад-муддаоларини ўзида мужассам этади.

**МИЛЛИЙ МАФКУРАНИНГ АСОСИЙ ҒОЯЛАРИ** – Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, комил

инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик.

**МИЛЛИЙ МЕНТАЛИТЕТ** – ҳар бир миллатнинг айрим вакилига ёки бутун бошли ижтимоий гуруҳга хос бўлган ақлий қобилият даражаси маънавий салоҳиятидир.

**МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ** – ҳар бир миллат ва элатнинг ўзини реал мавжуд субъект, муайян моддий ва маънавий бойликларини ифодаловчи этник бирлик, тил, урф-одатлар, анъаналар, қадриятларга мансублигини, манфаатлар ва эҳтиёжлар умумийлигини тушуниб етишни англатувчи фалсафий тушунча.

**МИЛЛИЙЛИК** – муайян халққа хос бўлган, уни бошқалардан фарқини кўрсатувчи хусусиятлар мажмуи. Миллийлик миллатнинг тарихи, қадриятлари, анъаналари, маданияти, яшаш тарзида яққол намоён бўлади.

**МИЛЛАТ** – тил, маънавият, миллий ўзликни англаш, руҳияти, урф-одатлар, анъаналар ва қадриятлар ягоналиги асосида муайян ҳудудда яшовчи ижтимоий алоқалар билан боғланган мустақил субъект сифатида ўзига хос моддий ва маънавий бойликларни яратувчи кишиларнинг этник бирлиги.

**МИЛЛИЙ ҒУРУР** – шахс, ижтимоий гуруҳнинг миллий ўз-ўзини англаши асосида шаклланадиган, аجدодлари қолдирган моддий, маънавий меросдан, ўз халқининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси, ўша миллатлар олдидаги кадр-қиммати, обрў-эътиборидан фахрланиш ҳиссини ифодаловчи тушунча.

**МЕНТАЛИТЕТ** – (*лотинча* *mens* – “ақл”, “идрок”) – жамият, миллат, жамоа ёки алоҳида шахснинг тарихий таркиб топган тафаккур даражаси, маънавий салоҳияти, уларнинг ҳаёт қонунларини таҳлил этиш кучи, муайян ижтимоий шароитларда шаклланган ақлий қобилияти, руҳий қуввати.

**ОРИЯТ** – инсон маънавий қиёфасига хос иззат-нафс, кадр туйғуларини ифодаловчи тушунча. Орият инсоний хусусият бўлиб, ориятли инсон ўзи ва оиласи, милла-



ти ва Ватанининг иззат-нафсини, қадрини юксак тутадди. У ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам қадрлай билади. Орият шахсни – шахс, миллатни – миллат, давлатни – давлат сифатида сақлаб қолишга хизмат қилади. Орият инсонни нотўғри, ножўя хатти-ҳаракатлардан асрайди. Чунки бунга унинг виждони, орияти йўл қўймайди. Ориятли инсон муваффақиятсизликка учраса ҳам, ҳеч қачон тушкунликка тушмайди, мақсадига эришиш учун барча қийинчиликларни енгиб ўтишга интилади. Чунки унда орият, виждон устун туради.

**ПРОГРЕСС** (лотинча) – илгариланма ҳаракат, муваффақият демакдир. Қуйидан юқорига, оддийдан мураккабга томон ривожланиш тараққиётни ифодалайди. Прогресс тушунчаси регресс тушунчасининг зиддидир.

**РИВОЖЛАНИШ** – бу муайян системанинг муайян вақт ва фазодаги яхлит, комплекс, орқага қайтмайдиган, илгариланма йўналишга эга бўлган, миқдорий ва сифат ўзгаришидир.

**САБР** (араб. “аччиқ”, “чидам”, “бардош”) – инсон маънавиятининг таркибий қисми бўлиб, ошиқмасдан кутиш ёки ўзини тия олиш, тоқат, чидам-бардош, ирода ва қаноат қилиш маъносини англатади. Сабр кишиларнинг турли-туман зиддиятли воқеа-ҳодисаларга бардош қила олишини ҳам ифодалайди. Сабр – юксак маънавият тушунчаси, ақл ва маданият белгиси, бошқаларнинг фикри ва эътиқодига ҳурмат ифодаси ҳам ҳисобланади. Мураккаб ижтимоий, иқтисодий, маънавий муаммоларга нисбатан бағрикенглик билан муносабат билдириш ва хатти-ҳаракатдаги холислик, шахснинг сабри, маънавияти юксаклигидан далолат беради.

**САВОБ** (араб. яхшилик, эзгулик, ажр) – инсон ва жамият манфаатига йўналтирилган эзгу ҳаракат; хайрихоҳлик, сахийлик, бошқа кишиларни тушуниш, унинг тақдирига ачиниш, оғирини енгил қилиш, яхшилик келтириш, ўзгаларга беғараз кўмаклашиш, уларнинг бахтини ўйлаш ва унга эришишда кўмаклашишни анг-

латадиган тушунча. Бинобарин, савоб сўзи барча яхши ва эзгу ишларга нисбатан ишлатилади.

**СОҒЛОМ ЭЪТИҚОДЛИЛИК** – инсон фаолияти учун маънавий асос, йўл-йўриқ ва мўлжал бўлиб хизмат қилувчи, ақл, ҳис ва ирода воситасида анланган билим, ғоя ва шу асосда шаклланадиган мақсадлар мажмуининг эл-юрт манфаатлари билан боғлиқ ҳолда шакланганини ифодаловчи маънавий-руҳий ҳодиса, фазилат.

Ушбу фазилат; а) эътиқод билан боғлиқ билимларнинг чуқур ва илмий асосланганлигини; б) шакланган кадриятларнинг бунёдкорлик ғояларига таянишини; в) носоғлом эътиқодга асосланган қарашларнинг рад этилишини; г) жамиятдаги эътиқодий барқарорликни мустаҳкамлаш йўлидаги ҳаракатларнинг доимийлигини англатади.

**ТАРИХИЙ ХОТИРАГА СОДИҚЛИК** – миллатнинг, халқнинг ўз ўтмишини билиш, бу ўтмишни таҳлил қилиш, ўтган воқеалар ва ҳодисаларнинг асл мазмун-моҳияти ва тарихдаги ўрнини асослаб беришни англаш.

Ўз ўтмишини билмаган миллат миллий ғурур ҳиссини яхши билмайди, бошқа миллатлар ва, айниқса, ҳозирги замоннинг йирик халқлари тили, адабиёти, маданиятига қарам бўлиб, шу тариқа миллий ўзлигини йўқотади.

Аждодлар яратган моддий ва маънавий бойликларнинг кишилар онги ва кундалик амалий фаолиятида қайта намоён бўлиши ва кадрланиши ёшларда тарихий хотирага нисбатан содиқлик туйғусини шакллантиради. Зеро, инсон ўзининг тарихий хотирасига эга бўлмасдан туриб, ҳаётида содир бўлаётган ижтимоий ўзгаришларнинг моҳиятини тушуниб етолмайди. Шунинг учун ҳам ҳамма замонларда халқнинг, миллатнинг тарихий хотирасини мустаҳкамлаш ва унга содиқлик фазилатларини шакллантириш юртнинг буюк алломалари, давлат арбоблари диққат-эътиборида бўлган:

а) тарихий хотирасиз келажак йўқ; б) тарихий хотира ҳар бир миллат, ҳар бир халқ яратган маънавий бойлик; в) мутафаккирлар илмий, маданий ва маънавий меросини

билиш; г) тарихий-диний обидаларни зиёрат қилиш маданиятига эга бўлиш.

**ТАМОЙИЛ** – нарса-ҳодисаларнинг моҳияти ва намоён бўлишига хос устувор хусусиятлар тушунилади. Масалан, миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойиллари деганда, миллий ғоямизнинг асосий қонуният ҳамда белгиларини ўзида акс эттирадиган билим ва тасавурларни, унинг моҳияти ва намоён бўлишига хос устувор хусусиятларни англаймиз.

**ТАРҒИБОТ** (араб. қизиқтириш, тарқатиш) – 1) кенг маънода, ижтимоий фаолиятнинг алоҳида тури бўлиб, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида илмий, бадиий, ижтимоий-сиёсий, миллий ғоя ва қадриятларни тарғиб этишдир. Тарғибот жараёнида фан, санъат, сиёсий ва мафкура ютуқлари кенг оммалаштирилади, бойитилади ва янада ривожлантирилади. 2) тор маънода, мафкура ва сиёсатни тарғиб этишга қаратилган фаолият. Тарғибот илмийлик, конкретлилик, объективлик, ижтимоий ҳаёт билан чамбарчас боғлиқлик тамойилларига асосланиши, ташкилий жиҳатдан уюшган бўлиши лозим.

Шунингдек, кишида, одамларда у ёки бу нарсага хоҳиш, майл пайдо қилишни англатади. Яъни тарғиботнинг ҳозирги талқинини – ички ва ташқи сиёсат, вазият тўғрисидаги қараш ва билимларни оммалаштириш, уқтириш орқали уларда огоҳлик, ғоявий-сиёсий бирлашувга рағбатлантириш деб белгилаш мумкин.

**ТАРҒИБОТ** – бирор ғоя, таълимот, фикр ва қарашни аҳоли ўртасида кенг ёйиш, кишилар онгига сингдиришга қаратилган, аниқ мақсадни кўзлаб олиб бориладиган тушунтириш ва даъватни, одамларни муайян бир вазифани ҳал қилиш, маълум бир тартиб-қоидалар асосида яшаш, меҳнат қилишга маънавий-руҳий тайёрлаш, ғоявий руҳлантириш, сафарбар қилишни англатади.

**ТАШВИҚОТ** – одамларга таъсир ўтказиш мақсадида ёзма ва оғзаки қилинадиган ишлар; ундаш, даъват қилиш, шу асосда уларнинг қалбида завқ-шавқ, муҳаббат

ёки нафрат уйғотишни ўз ичига олади. Ташвиқот (*лот. agitation* – ҳаракатга келтирмоқ) – маълум бир ижтимоий гуруҳ ёки оммани кўзланган мақсад сари фаолликка ундайдиган тарғибот фаолиятидир. Ташвиқотнинг оғзаки, нашрий ва аудио-визуал турлари мавжуд бўлиб, у ғоят таъсирчан ижтимоий-сиёсий кураш воситаси ҳисобланади.

Шу маънода, ташвиқот – кишини, халқни миллий ғоя атрофида бирлашишга шавқлантириш, орзуманд қилиш, кучли майл, истак ҳосил қилиш демакдир.

**УМУМИНСОНИЙЛИК** – инсон, жамият, давлат ва бошқалар учун умумийлик касб этувчи ҳаёт мезонлари, тараққиёт тамойиллари ва қонуниятлари, умумий қоида ва тартибларни ифодаловчи тушунча. Мазкур тушунча ҳаётнинг турли жиҳатлари, хилма-хил ижтимоий сифат ва хусусиятларнинг умуминсоний характерга эга эканини англатади. Бу тушунча турли соҳаларда намоён бўладиган халқаро андозалар, бутун жаҳон аҳамиятига молик жараёнлар, дунёнинг барча ҳудудларига хос воқеа-ҳодисаларга нисбатан ҳам қўлланади. Бир сўз билан айтганда, “умуминсонийлик” одамлар учун умумий бўлган мезонлар, объектив ҳолатлар, хусусиятлар, шарт-шароитлар ва бошқаларни ўзида акс эттирадиган тушунча сифатида ишлатилади.

**УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР** – инсоният томонидан яратилган, умуминсоний манфаатларга ва халқларнинг ўзаро ҳамжиҳатликда яшашлари ва ривожланишлари учун хизмат қиладиган умуминсоний ахлоқ, халқаро сиёсий, иқтисодий, маданий, илмий, фалсафий, диний муносабатлар тажрибаси, малакалари ва ҳоказоларни ўзида мужассамлаштирувчи тушунча.

Миллий ва умуминсоний қадриятлар ўзаро узвий алоқада бўладилар.

**УРФ-ОДАТЛАР** – кишилар турмушига сингиб кетган, доим такрорланиб турадиган хатти-ҳаракат, кўпчилик томонидан қабул қилинган хулқ-атвор қоидалари ва кўникмалар (масалан, ўзбекларда кичикларнинг кат-

таларга салом бериши, эрта туриб уй-ҳовлини супуриб-сидириш, тартибга келтириб қўйиш, меҳмонларга алоҳида ҳурматда бўлиш, байрам арафасида бетоб, ожиз ва қийналаганлардан хабар олиш, ёрдамга мухтожларга хашарга бориш ва шу кабилардир).

**ФАН** (араб. илм, билим, маҳорат) – дунё ҳақидаги объектив билимлар тизими; уни маълум мақсадлар йўлида ўзгартиришга хизмат қиладиган табиат ва жамият ҳаётини акс эттирувчи ижтимоий онг шакли. Жамиятнинг ижтимоий институтларидан бири бўлган фан қадриятлар тизимида ўзига хос ўринга эга. У катта илмий салоҳиятни, ижодий куч-қувватни бирлаштиради, миллат дунёқарашини шакллантиради, таълим-тарбия, ахлоқ меъёрларини вужудга келтиради, маънавий баркамол инсонни тарбиялайди, мамлакатда кудратли илмий салоҳиятни яратишга хизмат қилади.

**ФАНАТИЗМ** (лот. fanaticus) – муайян ғоя, эътиқодга кўр-кўрона ва кучли ишонишни англатувчи тушунча. Турли даврларда жоҳиллик, ашаддий хурофотчилик, мутаассиблик, жазавакорлик, дарғазаблик, телба-тескари иш тутиш маъносида қўлланган. Фанатизм, бу – идеал деб олинган предметга нисбатан завқ-шавқ, кучли иштиёқ билан талпиниш ҳамда унга нисбатан танқидий муносабатнинг мутлақо йўқлиги билан характерланади. Фанатизмга берилган инсон турли моҳиятга эга бўлган қарама-қарши икки йўлдан бирини танлаб ўтирмайди, у фақатгина ўзининг маълум бир эътиқодини химоя қилади, холос. Унга мос келмайдиган барча қараш ва ғоялар фанатизм назарида Яратганга нисбатан шаккоклик, маънавиятга, инсон қадр-қиммати ва адолат тамойилига зид, дея талқин этилади. Ўз эътиқодига кўр-кўрона ишонадиган фанатик шахс қарашларининг тўғри-нотўғрилиги, асосланган-асосланмагани ҳақида ўйлаб ўтирмайди, унинг учун қурбон бўлишга шай туради, ўзгалар фикрини эътиборга олмайди.

**ФИКР ЭРКИНЛИГИ** бу – жамият аъзоси бўлган ҳар бир шахс табиий ва ижтимоий жараёнларга, фуқаролар

билан сиёсий ташкилотларга ва миллий, ирқий, диний, синфий муносабатларга эга бўлган мустақил фикрларини ҳуқуқий, сиёсий, диний ва бошқа муассасалар томонидан бўлиши мумкин бўлган турли тазйиқлардан муҳофаза қиладиган ижтимоий муҳит.

**ХАЛҚ** (*араб.* яратилган жонзот, одамлар) – кенг маънода, муайян мамлакатнинг барча аҳолиси, тор маънода, тарихий, этно-ижтимоий бирликларнинг турли шакллари, чунончи, миллат, элат, этник бирлик, уруғ ва ҳоказони ифода этувчи тушунча. Шу маънода, Ўзбекистон халқи деганда миллати, дини, тилидан қатъи назар, мамлакатнинг барча фуқаролари ҳамда шу юртда доимий равишда истиқомат қилаётган аҳоли тушунилади.

**ХУЛҚ** (*араб.* феъл-атвор, табиат; кайфият) – кишининг муомала ва руҳий хусусиятлари мажмуи; феъл-характер; инсоннинг маънавий қиёфаси ва фаолиятига хос бўлган ахлоқий тушунча. Хулқ – эзгулик ёхуд разилликнинг муайян бир инсонда намоён бўлиш шакли. Бинобарин, хулқ эзгулик ва олижаноблик ёки разиллик ва бадбинликнинг тимсоли сифатида намоён бўлиши мумкин. Шу жиҳатдан улар яхши ва ёмонга бўлинади. Лекин булар кишида ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Уларнинг шаклланиши учун маълум бир шароит, тарбия керак. Кишилар туғилишидан ёмон бўлиб дунёга келмайди. Уларни муайян шароит ёмон қилади. Демак, инсон хулқи, аввало, тарбияга боғлиқ.

**ЦИВИЛИЗАЦИЯ** – (*лотинча* “civilis” – “фуқаровий”, ижтимоий) – жамиятнинг ўз тараққиёти жараёнида яратган моддий ва маънавий бойликларининг, уларни янада кўпайтириб ҳамда такомиллаштириб бориш усуллари-нинг мажмуи. Цивилизация инсоният тараққиётининг маҳсули ва айни вақтда заминидир.

**ШАРИАТ** (*араб.* остона ва сув ичиш жойи, йўл, му-сулмон оламида қонунчилик) – исломда Аллоҳ жорий қилган амалий ҳукмлар мажмуаси, шунга асосан, шариат фикҳ маъносида ҳам тушунилади. Самовий динларнинг

барчасидаги амалий қисм шариат деб аталади. Ислом шариати ҳукмлари Куръон, суннат, ижмоъ ва қиёсдан олинади. Ислом шариатининг мақсадлари дин, жон, ақл, насл ва молни асрашдан иборат. Шариатда ушбу нарсаларни муҳофаза қилиш учун зарур бўлган барча чоралар кўрилган. Шариатнинг ҳожатлилик мақсадлари эса, кишиларга қулайлик туғдириш ҳамда улардан қийинчилик ва машаққатни аритишга қаратилган. Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) раҳбарлигида биринчи Ислом давлати ташкил топганда шариат меъёрлари ўша давлатнинг асосий қонунлари бўлган ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган. Кейинчалик тўрт халифа, уммавийлар, аббосийлар ва усмонийлар давлатлари вақтида ҳам шариат давлатнинг қонуни бўлиб келган. Аммо вақт ўтиши билан турли омилларга кўра, мусулмонлар шариат ҳукмларидан узоқлаша борганлар. Ҳозирга келиб фақат Саудия Арабистони давлати шариатга амал қилади. Бошқа ислом давлатларида оилавий никоҳ, талоқ, нафақа каби масалаларда ва мерос хусусида шариатга тўлиқ ёки қисман амал қилинади.

**ЭГОЦЕНТРИЗМ** (лот. ego – “мен” ва centrism – “марказ”) – эгоизмнинг ўта кескин шакли бўлиб, индивид шахсий манфаатларининг устувор аҳамият касб этиши оқибатида унинг бошқа объект, кишилар фикр-мулоҳазаси ёки тасаввурларига нисбатан муносабатини ўзгартиришга қодир эмаслигини англатади. Эгоцентризм илдизлари субъект томонидан ўзгача, ҳатто қарама-қарши нуқтаи назарлар ҳам бўлиши мумкинлиги англанмаслиги, ўзга кишиларнинг психологик хусусиятлари уники билан айнан мос эканига ишонишига асосланган. Эгоцентризмда индивид бошқалар фикрига зид равишда ўзининг шахсий фикрини ягона маъқул вариант сифатида энг олдинги даражага қўяди. Бундай кишилар учун фақатгина ўз нуқтаи назари муҳим. Шу сабабли у бошқаларнинг далил-исботларини қабул қилмаслиги, хом хаёлларга берилиб, воқеа ва ҳодисалар юзасидан хато хулосалар чиқариши мумкин. Шу ўринда

эгоцентризм ва “эгоизм” тушунчаларини фарқлаш лозим. **Эгоист** инсон шахсий истакларига мувофиқ фаолият юритиб, ўзгаларнинг қизиқишларини менсимайди ва бундай хулқ шахснинг ахлоқий нуқтаи назарига, ўзига хос ҳаётий фалсафасига айланади. **Эгоцентризм** эса инсоннинг бевосита билиш жараёнлари билан боғлиқ ҳодисадир. Эгоцентрик инсон бошқалар фикрининг мақсад-муддаоларини, уларнинг манфаатлари нимага асосланганини тушунишга қодир бўлмайди.

**ЭКСТРЕМИЗМ** (лот. *extremus* – “ашаддий”) – сиёсатда ашаддий қараш ва чораларга мойиллик. Экстремизмни вужудга келтирадиган омиллар кўп ва хилма-хил. Улар орасида бир тузумдан иккинчи тузумга ўтиш даврида юз берадиган ижтимоий тузилмаларнинг бузилиши, аҳоли катта гуруҳларининг қашшоқлашуви, иқтисодий ва ижтимоий танглик каби омилларни кўрсатиш мумкин. Бу омиллар аҳоли турмуш шароитларининг ёмонлашувига олиб келади. Давлат ҳокимиятининг заифлашуви, давлат органларининг обрўсизланиши, ижро интизомининг пасайиб кетиши, кадриятлар тизимининг емирилиши, аксилижтимоий кайфият ва ҳаракатларнинг кучайиб бориши ҳам экстремизмни вужудга келтирадиган сабаблардан ҳисобланади. Экстремизм аҳолининг сиёсий ва ижтимоий кайфиятидан мавжуд ижтимоий тузилмаларни вайрон қилиш мақсадида фойдаланади. Экстремистик ташкилотлар Конституция ва бошқа қонуний ҳужжатларга зид тарзда фаолият юритади.

**ЭЛ** – қадимий туркий сўз. Эл муайян жой, вилоят ёки ҳудудда истиқомат қиладиган одамлар маъносини англатади. Масалан, Хоразм эли, Қашқар эли. Эл сўзи бир қабилага мансуб кишиларга нисбатан қўлланади. Масалан, қипчоқ эли, манғит эли. Мазкур тушунча миллат, халқ маъносини ҳам ифодалайди, шунингдек, юрт, мамлакат маъноларида ҳам қўлланади.

**ЭЪТИҚОД** – инсоннинг ўз фикр ва қарашларида дунё ҳодисаларининг муайян турига (масалан: илмий, сиёсий, ахлоқий, диний) маҳкам, собитқадамлик билан ишони-



ши ва унга қатъий амал қилишни англатувчи фалсафий тушунча.

**ЎТИШ ДАВРИ** – инсоният, давлатлар, мамлакатлар, халқлар ва миллатларнинг ривожланиш тарихининг бир босқичдан иккинчи бир босқичга, муайян бир сифатий ҳолатдан янги бир сифатий ҳолатга ўтишини англатувчи тушунча. *Ўтиш даври* деганда, бирор-бир нарса ва ҳодисанинг, муайян тизим ёки тузумнинг бир сифатий ҳолат, белги, хусусият, характер, муносабатдан иккинчи бир сифатий ҳолат, хусусият, характер, муносабатга эга бўлиш жараёни, тараққиётнинг янги сифат босқичига кўтарилиши тушунилади. Бир тизимдан иккинчи тизимга ўтиш даври тарихан муайян вақт қисмида содир бўлиб, у асрлар мобайнида шаклланиб қолган ижтимоий (давлатлараро, гуруҳлараро, цивилизациялараро ва ҳоказо) муносабатларнинг вақти келиб эскириши туфайли янги муносабатлар тизимига асос солинишини англатади.

**ҚАДРИЯТ** – воқеликдаги муайян ҳодисаларнинг умуминсоний, ижтимоий-ахлоқий, маданий-маънавий, шунингдек, умуммиллий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланадиган тушунча. Инсон ва башарият учун муҳим саналган хуррият, тинчлик, адолат, ижтимоий тенглик, тотувлик, бағрикенглик, маърифат, илм, ҳақиқат, яхшилик, гўзаллик, моддий ва маънавий бойликлар, анъана, урф-одат каби ҳар қандай нарса қадриятдир.

Қадрият фақат нарса, буюмларнинг иқтисодий қимматини эмас, балки жамият ва инсон учун муайян аҳамият касб этувчи воқелик шакллари, ашёлар, ҳодисалар, талаб ва тартибларнинг қимматини ифода-лаш учун ҳам қўлланилади. Ижтимоий ҳаёт инсонларнинг қадрият хусусидаги қарашларига таъсир қилиб, унинг ўзгариб боришига сабаб бўлиши муқаррар. Шу боисдан ҳаётини заруратга кўра қадриятлар ҳам ўзгариб боради. Жумладан, душман хавфи кучайганда озодлик, истибдод даврида истиқлол, уруш бўлса

тинчлик, тутқун учун эркинлик, беморликда соғлик, очликда ноннинг қадри ошиб, бирламчи қадриятга айланади. Уларнинг ҳар бири ижтимоий-тарихий тараққиёт маҳсули сифатида тарихий илдизи, тамаддунига эга.

**ҚАДРИЯТЛАР ҲАМДА ҲАМДАНИНГ ҲАМДАНИШИ** – дунёдаги жамики одамлар учун оддий ва табиий ва, айтилган вақтда, энг олий қадрият ўз насли, зурриёти бўлган фарзандни қадрлаш ҳисобланади. Фарзанддан кейинги қадриятлар қаторини ота-она, улардан кейин ака-укаларни қадрлаш ташкил этади. Оиладан кейин яқин дўстлар, қариндошлар, оғайнилари, жўралар, дугоналар, ҳамкасблар, маҳалладошлар бирин-кетин ўрин олиб, энг сўнгида шунчаки таниш-билишлар билан якун топади. Бу ҳолат барча халқлар турмуш тарзи учун табиийдир. Агар қадриятлар қатори ўзгарса, яъни бирор-бир киши ўз фарзандидан кўра дўсти ёки қалб асираси, маҳбубасини кўпроқ қадрласа, атрофдагилар бунга хайрихоҳ бўлиб қарамайдилар. Мабодо инсон ўз оиласи, яқинларига хиёнат қилиб, оиладан узоқроқ бўлган одамларга яқинлашса, нафақат оила, балки барча таниш-билишлар, маҳалла, ишхонадагилар ҳам шу одамдан нарироқ бўлишга интиладилар. Ҳизбут таҳрир йўлига ўтганларнинг миёсида даставвал асрлар мобайнида шаклланган қадриятлар қаторини ўзгартириш жараёни амалга оширилади. Уларга энг муҳим қадрият фарзанд, оила эмас, балки исломий қонун-қоидалар деб ўқитилади. Натижада кўп йиллар мобайнида ўрганиб қолган оддий ҳаёт йўлини йўқотган ёшлар янги йўлда аросатда қолиб, мафкура ҳомийсининг маънавий қулига айланади.

**ҲАМДАНИНГ ҲАМДАНИШИ**. Инсон онгида унинг ўзи ва ўзгаларга манфаат келтирадиган тушунчалар таркиб топиши керак. Бирор шахс инсонда эзгуликка нисбатан ёвузликнинг устувор бўлишини исботлаб беролган эмас. Аксинча, инсоннинг беғубор болалик даврини

бошдан кечириши унинг онгида эзгулик устувор эканини кўрсатади. Шунинг учун инсон онги ёвуз ва жоҳил ғоялардан ҳимоя қилиниши керак. Жамиятимизда бу иш миллий ғоя асосида амалга оширилмоқда. Демак, миллий ғоя асосида инсон онгида эзгулик, адолат, ҳақиқат ва масъулият ғояларини шакллантириш билан уни ёвузлик, жаҳолат, нодонлик ва бефарқлик каби иллатлардан ҳимоя қилиш мумкин. Миллий ғояга эга инсон ёвуз ғояларни фарқлай олади, бу “ғояга қарши ғоя” тамойилининг мазмунидир.

## МУНДАРИЖА

Кириш .....	3
1-мавзу: Маънавий-маърифий ишлар ва уни ташкил этиш методикаси фанининг предмети, мақсад ва вазифалари.....	6
2-мавзу: Маънавий-маърифий тарбия, жамият ва ёшлар .....	13
3-мавзу: Узлуксиз таълим тизимини инсонпарварлаштиришда маънавий-маърифий ишларнинг роли .....	21
4-мавзу: Маънавий-маърифий ислохотлар – давлат сиёсатининг устувор йўналиши.....	28
5-мавзу: «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ва маънавий-маърифий ишларнинг такомиллашуви .....	44
6-мавзу: Республика Маънавият ва маърифат кенгазининг ташкил этилиши ва фаолияти .....	54
7-мавзу: Ҳозирги босқичда маънавий-маърифий ишлар ва унга қўйилаётган талаблар .....	63
8-мавзу: Маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда маънавият, маърифат, мафкура тушунчаларининг ўзаро боғлиқлиги.....	72
9-мавзу: Маънавий-маърифий жараёнларнинг моҳияти ва асосий йўналишлари.....	89
10-мавзу: Маънавий-маърифий ишларда тарғибот технологияларидан фойдаланиш усуллари.....	101
Глоссарий.....	120

*Маънавий-маърифий нашр*

**Ш.Тўраев**

**МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР ВА УНИ  
ТАШКИЛ ҚИЛИШ МЕТОДИКАСИ**

*Муҳаррир:*  
**Саид Мурод**

*Мусахҳиҳ:*  
**Гавҳар Зайниддинова**

*Техник муҳаррир:*  
**Файзулло Азизов**

«Paradigma» нашриёти  
Лицензия: АІ № 279. 2016 йил 11 январ  
Тошкент. Буюк Ипак йўли 472 А/85

Теришга 2017 йил 14 ноябрда берилди.  
Босишга 2017 йил 21 декабрда рухсат этилди.  
Бичими: 84x108 1/32. «Virtec Times» гарнитурасида  
офсет босма усулида офсет қоғозида босилди.  
8,5 шарт. б.т. 7,9 ҳисоб нашр. таб.  
Адади 500 нусха. 154-сон буюртма.

“Муҳаррир нашриёти” матбаа бўлимида чоп этилди.  
100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20<sup>А</sup>-мавзеи,  
Сўгалли ота кўчаси, 5-уй. E-mail: muharrir@list.ru

ISBN 978-9943-5117-2-9



9 789943 511729